


**ЎЗБЕҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**



**“Қудуқларни тугаллаш” фанидан
маъruzалар матнлари тўплами**



ҚМИИ “Фойдали қазилма конлари геологияси ва разведкаси” кафедраси.

Тузувчи:

3.У. Суннатов

«Фойдали қазилма конлари геологияси

ва разведкаси» кафедра мудири

Ш.К. Юсупов

«Фойдали қазилма конлари геологияси

ва разведкаси» кафедраси ассистенти

Ушбу “Кудукларни тугаллаш” фанидан тайёрланган маълумотлар тўплами “Фойдали қазилма конлари геологияси ва разведкаси” йўналиши талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда нефть ва газ конларини маҳсулдор қатламларини очиш, синаш, қатламларни ажратиш, қудукларни мустахкамловчи ҳимоя қувурларини ҳисоблаш ишлари, кудукни цементлаш ва цементлашда ишлатиладиган тампонаж қоришмаларини рецептини тайёрлаш, қудукларни тугаллаш ишлари, технологик лойихалаш ишларини ўрганиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришга тадбиқ қилишни ўрганиш ишларини олиб бориш каби мавзулар қисқача баён этилган.

Такризчилар:

Абдулаев. Л. “Ўзбурғунефтьгаз” АЖ “Истиқболи ривожлантириш инновация ва маҳалийлаштириш” бўлимининг инновация бўйича етакчи мутахассиси:

Т.Р.Юлдошев. ҚарМИИ “Технологик машиналар ва жихозлар” кафедрасининг профессори:

**ҚарМИИ Услубий Кенгашида
тасдиқланган Баён №_____, _____._____.201____ й**

Кириш

Кадрлар тайёrlаш миллий дастурида таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш масалалари аниқ ва ёрқин ўз ифодасини топган бўлиб, унга «Кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тиқланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавият ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умум башарий кадрларга таянган, инсонпарварликка йуналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади» деб таъкидланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ соҳада янги тизим яратилди.

Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, кончилик муносабатларини бошқариш, минерал-хомашё базасини жадал ривожлантириш ва қайта тўлдирилишини таъминлаш, хомашёнинг янги турлари ва конларини қидириш, геология-қидирув ишларига замонавий услуг ва юқори технологияларни жорий қилиш, кадрлар малакасини ошириш. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

2017-2021 йилларга мўлжалланган минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастури доирасида геология-қидирув ишлари жадвал асосида амалга оширилмоқда. Жорий йилда фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан 13 кон бўйича захиралар тасдиқланиб, саноатда ўзлаштиришга тайёрланди. Йил охиригача яна 13 кон бўйича захиралар тасдиқланиши режалаштирилган.

1-Маъруза. Мавзу: Кириш. Ёқилги энергетика вазифаларини ечишда кудуқларни тугаллаш фанининг моҳияти.

Режа:

1.1. Ўзбекистонда нефть ва газ саноатининг ривожланиш тарихи.

1.2. Мустақиллик натижасида эришилган ютуқлар.

1.3. Фаннинг моҳияти.

1.1. Ўзбекистон нефть ва газ саноати 120 йиллик тарихга эга. Манбаларнинг дарак беришича нефть ва газ узоқ ўтмишда ҳам учраб турган. Милоддан аввал 1V асрда Искандар Зулқарнайн ва унинг лашкарлари Марказий Осиё, Кавказ худудларида қора мой учратган. Аммо, ундан фойдаланишни яхши билишмаган.

Октябр тўнтарилишига қадар Ўзбекистон худудида нефть конларини қидириш ва ишлатиш билан саноқли шахсий корхона ва артеллар шуғулланган.

1880-1883 йиллари Фарғона водийсидаги Қамишбоши номли майдонда чуқурлиги 20-30 метрли тўртта қудук қазилган. Баъзи маълумотларга кўра бу қудуқлардан суткасига 5-10 тоннагача нефть олинган. Бу қудуқлар зарбали усулда қазилган.

1898 йилда мухандис С.А.Ковалевский бошчилигидаги бир гурух тадбиркорлар машхур геолог-палеонтолог Г.Д.Романовский тавсияларига асосан Чимён, Еркутан (Фарғона водийсида) қишлоқлари атрофида нефть конларини қидиришга киришишди. 1904 йилда қазилаётган қудук 278 метрга етгандан нефть қатлами очилиб, суткасига қарийб 130 тоннадан нефть отилиб чиқа бошлаган. Мазкур кон асосида 1904 йилда «Чимён нефть жамияти» тузилди. Нефтьдан олинган керосин ва қолдиқ қорамой Ўрта Осиё, Афғонистон, Хитой бозорларида сотилган. 1901 йилда Мойлисой майдонида 168 метр чуқурликдан суткасига 25 тоннадан нефть отилиб чиққан.

Уша узоқ ўтмишда ерни пармалаб тешиш жуда қийин кечган, чунки пармалаш учун минора ёғочдан ясалган. Ишни юритишда от, хўқиз, ва одам кучидан фойдаланилган.

Нефтьни қазиб олиш жараёнида қатламлар бир-биридан ажратилмаган. Нефтьни ер остидан сўриб олиш учун насослар ҳам ишлатилган лекин уларнинг тебратгичлари ёғочдан ясалган. Бундай насослар Американи «Simpliks» фирмаси томонидан ясалган. Бу дастгохлар Чимён ва Еркутан конларида 1946 йилларда ҳам ишлаб турган. Хозир бундай дастгохларни, технологик жараёnlарни музейларда кўриш, китобларда ўқиш мумкин.

Ўзбекистоннинг замонавий ишлаб чиқариш саноати - йирик оғир индустря тармоқларидан бири бўлиб, ватанимизни мухим энергетик баъзасидир. Ўзбек мутахассислари газ бўйича ярим асрлик илмий ва амалий билимга, тажрибага эгалар. Бу тармоқда сезиларли даражада илмий-техник потенциал яратилган ва уни ривожлантиришда юқори ютуқларга эришилган. Совет Иттилоқини тарқалиши ва Республикамизни мустакил бўлиши натижасида, республика олдида мухим вазифалардан бири бўлган ёқилги

энергетика базасини яратиш ва иқтисодий мустақилликка эришиш эди. Бу вазифани амалга ошириш Совет Иттифоқи давридаги республикаларни чукур иқтисодий инқироз қамраб олган ва республикалар ўртасида иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари, нарх-навони кескин ўсиши, ҳамда инфляцияни ошиши даврида, мамлакатимиз Ўзбекистон республикаси бу вазифани амалга ошириди.

Хаёт билан бир қаторда нефть ва газ саноати хам тараққийлашиб, ўзгариб бормоқда. Бугун қудукларни пармалаш учун мукаммаллаштирилган замонавий дастгохлар, аслаха, асбоб ускуналар яратилган. Улар тўлиқ механизациялаштирилган, кўп жараёнлар автоматлаштирилган. Булар чуқурлиги 5000-8000 метр бўлган қудукларни пармалашга мўлжалланган. Қатламлардан нефтьни чиқариб олиш учун плунжерли насослар, электр насослари ишлатилмоқда. Кўп жараёнлар компьютерлар ёрдамида бошқарилмоқда.

1.2. Мустақиллик натижасида эришилган ютуқлар

Республикамиз мустақилликка эришгач президентимиз И.А Каримовнинг фармони билан 1992 йил 8 июнь «Нефть ва га саноати консерни» ташкил этилди. 1993 йил косерн «Узбекнефтьгаз» миллий корпорациясига айлантирилиб ишлаб чиқариш тармоқлари ихтисослаштирилиб, давлат ҳиссадорлик бирлашмалари ташкил этилди. 1999 йилда «Узбекнефтьгаз» миллий корпорацияси «Узбекнефтьгаз» миллий холдинг компаниясига, давлат ҳиссадорлик бирлашмалари акциядорлик компанияларига айлантирилди. Асосий йўналишлар бўйича қуйидаги акциядорлик компаниялари тузилган: «Узгеонефтьгазқазибиқариш» АК, «Узгеобурғунефтьгаз» АК, «Узтрансгаз» АК, «Узнефтьгазқурилиш» АК, «Узнефтьмаҳсулот» АК, «Узнефтьниқайтаишлаш» АК, «Узнефтьгазмаш» АК, «Узнефтьгазтаъминот» АК ва бошқа корхона ташкилот муассасалар.

Кейинчалик 2003 йил октябр ойига келиб бу акционерлик компаниялари таркибига ўзгартиришлар киритилди.

Холдинг компанияси тасарруфида бугунги кунда учта нефтьни қайта ишлаш заводи мавжуд. Улар йилига 10 миллион тонна нефть ва конденсатни қайта ишлаб бериш қувватига эга.

Табиий газнинг таркибидаги кўплаб қимматбаҳо кимёвий моддаларни илғор хорижий технологиялар асосида курилган «Шуртангаз кимё мажмуаси» да бу моддалар ажратиб олиниб, суюқ газ полиэтилен ва бошқа маҳсулотларга айлантирилмоқда.

Бугун Ўзбекистонда нефть-газ конденсатини қазиб чиқариш уч баравар қўпайди. Табиий газ қазиб чиқариш хажми хам 42 млн. куб метрдан 56 млн. куб метрга етказилди. Республика ўз эҳтиёжидан ортиқча табиий газни Украина, Тожикистон, Кирғизистонга экспорт қилмоқда. Буларнинг ҳаммасига мустақиллик туфайли эришилди.

1990-1995 йилларда бу тармоқ структурасини мукаммаллаштириш бўйича техник жихозланиши ва қайта янги асбоб-ускуна билан қуролланиши,

конларни ишга тушириш хажмини жадаллаштириш ва уларни ошириш (кўпайтириш) учун ўлкан ишлар қилинди. Бу давр ичидаги МДХ да нефть ва газ қазиб чиқариш камайиши рўй берган бўлса, Ўзбекистонда нефть газ қазиб чиқариш барқарорлашган ва сўнгра динамик ўсишига эришилди.

1.3.Фаннинг моҳияти

Бу фанни ўрганишдан мақсад нефть ва газ саноатининг ҳозирги ҳолати, ривожланиши ва тутган ўрни, нефть ва газ қатламларининг коллекторлик ҳоссаларини, маҳсулдор қатламларни очиш, ўзлаштиришда қўлланиладиган замонавий техника ва технологиялар билан яқиндан илмий-назарий ҳамда амалий жихатдан танишиш ва мустақил мутахассис сифатида жараёнларни мукаммал ўрганишдан иборат.

Қудуқларни тугаллаш деганда - қудуқдаги очиқ қатламни оралиқларини жихозлаш ишлари ва бу қатламлардан қудуқ ичига кам йўқотишлир билан суюқлик оқимини ҳосил қилиш ишлари тушунилади. Бу ишларни бажаришдан мақсад қатламларни ифлосланиш оқибатларини бартараф этиш ва қудуқ туби зонаси атрофида ўтказувчанликни оширишdir.

Қудуқларни тугаллашни учта усули мавжуд:

- очиқ забой;
- турли фильтрларни ўрнатиш;
- перфорация қилиш.

Бу учта усулнинг бир неча вариантлари мавжуд бўлиб, хар бири қудуқларни мувоффақиятли тугаллашни амалга оширишга имконият яратади. Натижада қудуқ тубидаги маҳсулотни тўлик олишга эришилади.

Назорат саволлари.

1. Ўзбекистонда нефть ва газ саноатининг ривожланиш тарихи.
2. Ҳозирга қадар эришган ютуқларимиз.
3. Қудуқларни тугаллаш деб нимага айтилади?

2- Маъруза. Мавзу: Нефть ва газ конлари коллекторларининг характеристикаси.

Режа:

- 2.1. Маҳсулдор қатламни тоғ жинсининг гранулометрик таркиби.
- 2.2. Жинсларни ғоваклиги ва солишишторма юзаси.
- 2.3. Тоғ жинсларини ўтказувчанлиги.

Нефть ва газ уюмини ҳар бир маҳсулдор қатлами, бир неча катталиклар билан характерланади. Бу катталикларни билиш нефть ва газ захирасини аниқлаш, уни олиниш миқдорини ҳисоблаш, суюқлик дебитини баҳолаш, қудуқни ишлатиш даврида коллекторларни емирилишдан саклаш учун оптимал фильтрларни танлаш ва бошқа қатор вазифаларни бажаришда мухим рол ўйнайди. Бурғиловчилар бу катталикларни билиши зарур. Чунки улар маҳсулдор қатламни бурғилаб ўтишда юувчи суюқликни таркиби ва ҳоссасини аниқ танлаб олиши, қудуқни остки қисми конструкциясини


танлаш, шунингдек қатламни қудук стволи атрофи бўйлаб ифлосланишини олдиндан кўра билиш ва ўз вақтида ифлосланиши тўлиқ бартараф этиш, имконияти бўлмаса ифлосланиши минимум даражага тушириш билимига эга бўлишини тақозо этади.

2.1. Махсулдор қатламни тоғ-жинсини гранулометрик таркиби

Нефть ва газ тоғ жинслари коллекторларининг ғовак ва ёриқларида жойлашган бўлади. Агар тоғ жинслари коллекторлари турли шаклдаги цементлашган ((песчаник) қумтош) ёки ўзаро цементлашмаган (кум) ва суюқлик (нефть, газ, сув) бундай жинслар ғовакларини тўлдириб турса, бундай тоғ жинси коллектори **ГРАНУЛЯР** деб аталади. («Грунуло»-донадор).

Агар суюқликлар асосан факат ёриқ жинсларда жойлашган бўлса, бундай коллекторлар ёриқ коллекторлар дейилади. Тоғ жинсларни гранулометрик таркибидан жинси ғоваклиги, ўтказувчанлиги, солиштирма юзаси, капилярлик ҳоссаси ва бошқа характеристикалари аниқланади.

Жинсни гранулометрик таркибини ғалвирли ва седиментометрик тахлил ёрдамида аниқланади. Ғалвирли ва седиментометрик тахлилдан олинган натижалар одатда графикка жами гранулометрик тартиб ёки жинс зарраларини катталиклари бўйича қўйилади. Абцисса ўқи бўйича бу графикларга диаметр ёки зарранинг логарифм диаметри ёзилади: ордината ўқи бўйича биринчи графикка анализ учун олинган (1-расм) жами диаметрли заррачаларни оғирлигини умумий тортилган массани фоизи кўринишида ёзилади: иккинчи графикка эса умумий тортилган массасининг фоиз ҳхисобидаги берилган катталиктаги заррачалари киритилади.



Расм-1. Умумий гранулометрик таркиб графиги

2.2. Жинсларни ғоваклиги ва солиштирма юзаси.

Амалда барча чўкинди жинслар ғовакдир. Мутлоқ ўтказувчанлик деб ғовак хажм йиғиндиси $V_{\text{пор}}$, жинс намунасини хажмига $V_{\text{обр}}$ нисбати айтилади.

$$R_{\text{пор}} = \frac{V_{\text{пор}}}{V_{\text{обр}}} \quad (1.1)$$

Бир-бiri билан туташиб кетган ғоваклар, ғовак каналларни ҳосил қиласди. Нефть ва газ конларида тоғ жинсларини ғовак каналлари шартли равища 3 гурухга бўлинади:

- 1) юқори капиляр – 0,5 мм дан юқори;
- 2) капилярли – 0,2 мм дан – 0,5 мм гача;
- 3) субкапилярли – 0,2 мм дан кичик.

Юқори капилярли ғоваклардан нефть, газ, ва сув эркин, хатто кучсиз босимлар фарқида ёки гравитация кучлари таъсирида хам харакатланаверади. Капиляр ғоваклар бўйлаб капиляр кучлар сезиларли даражада бўлиши натижасида суюқликлар харакатланади.

Субкапилярли ғовакларда суюқликларни харакати кузатилмайди, чунки ғовакликлардаги суюқликни, молекуляр кучларни канал деворлари билан тортишиш кучи жуда каттадир. Субкапиляр ғоваклар гиллар, гилли сланецлар, аргеллитларга хос бўлиб, булар нефть газга тўйинган жиснларни қопламаси ҳисобланади.

Юқори капилярли каналларни ҳосил қилган тоғ жинслари, нефть газни яхши ўтказувчи каналли жинслар ҳисобланади. Очиқ ғоваклик коэффициенти деб, бир-бири билан туташувчи ғовак хажм йифиндисини жинс намунасини кўринган хажмига нисбати тушунилади. Очиқ ғовакли коэффициенти хар доим мутлоқ ғовакликдан кичик, чунки жиснларда ёпиқ (туташ) ғоваклар мавжуд.

Очиқ ғоваклик коэффициентини тортиш усули билан аниқлаш мумкин. Бунинг учун намунани қуруқ ҳаводаги M_1 бўлган массаси, сўнгра вакуум остида керосин билан тўйинтирилган шу намунани M_2 массаси аниқланади.

$$k_{o.n.} = \frac{M_2 - M_1}{\rho_k V_{обр}} \quad (1.2)$$

бу ерда ρ_k - керосинни зичлиги.

Тоғ жинси намунасини бирлик хажмини ҳосил қилувчи барча ғовак каналларни жами юзаси **солиштирма** юза дейилади.

Солиштирма юза катталиги, тоғ жинсини гранулометрик таркиби ва донадорликни шаклига боғлиқ. Солиштирма юза қанча катта бўлса, тоғ жинсида шунча кўп суюқлик хажми плёнка кўринишида сақланиб туради.

Агарда жинсни барча зарралари сферик шаклда, бир хил диаметрли бўлса эди, 1 m^3 жинсда барча зарраларнинг жами юзаси:

$$\Sigma_{обр} = \frac{6(1 - k_{пор})}{d_r} \quad (1.3) \text{ бу ерда } d_r \text{ - заррани диаметри.}$$

Одатда тоғ жинси доналари бурчакли шаклда ва ҳеч қачон бир хил размерли булмайди. Шунинг учун табиий қумларни солиштирма юзаси, барча фракцияни гранулометрик таркибини солиштирма юза йифиндиси каби ҳисобланади.

$$\Sigma_{обр} = \frac{6 kr (1 - k_{пор})}{M_1} \sum \frac{M_i}{d_i}$$

Бу ерда k_r – сферик бўлмаган зарралар ҳисобига юзани ҳисобга олувчи тўлдирувчи коэффициенти $k_r = 1,2 \div 1,4$

2.3. Тоғ жинсларни ўтказувчанлиги.

Махсулдор қатlam жинсини ўзидан суюқлик ўтказиш қобилияти ўтказувчанлик деб аталади. Барча чўкинди тоғ жинслари ўтказувчи ҳисобланади. Коллекторни бирдан-бир асосий физик ҳоссаси бўлиб, мутлоқ ўтказувчанлик хизмат қиласи. Мутлоқ ўтказувчанлик деб, тоғ жинсига нисбатан кимёвий мурт бўлган жинсдан фильтрация жараёнида бирор бир суюқликни сизиб ўтишига айтилади. Бундай суюқлик сифатида одатда қуруқ газ ёки ҳаво ишлатилади, чунки суюқлик томчиси мавжуд жинсга нисбатан кимёвий мурт жинсни топиш мушкулдир.

Лаборатория шароитида ўтказувчанликни миқдорий баҳолаш учун, одатда Дарсининг чизиқли сизиш (фильтрация) қонуни ишлатилади. Шунда формулага мувофиқ сизиш (фильтрация) тезлиги босим градиентига тўғри пропорционал ва суюқликни динамик қовушқоқлигига тескари пропорционал

$$\frac{Q}{F} = \frac{k}{r} \frac{(P_1 - P_2)}{l} \quad (1.6)$$

бу ерда Q – суюқликни хажмий сарфи:

k – пропорционаллик коэффициенти;

P_1, P_2 - намунанинг кириши ва чиқишидаги босимлар;

F – сизиш (фильтрация) юзаси;

L – ғовак тоғ жинси намунасининг узунлиги.

(1.6) формуладан мутлоқ ўтказувчанликни топамиз:

$$k = \frac{\eta_r L Q}{(P_1 - P_2) F} \quad (1.7)$$

Демак газ сиқилувчан бўлганлиги учун (1.7) формула газни сизиши тоғ жинсида доимий бўлмайди. Шунинг учун ўтказувчанлик газ учун Бойл-Мориот қонунига мувофиқ (1.7) формуладан келиб чиқсан ҳолда қўйидагича бўлади:

$$k = \frac{2 Q_o P_o \eta_r L}{(P_1^2 - P_2^2) F} \quad (1.8)$$

бу ерда Q_o - атмосфера босимида газни хажмий сарфи;

P_o – атмосфера босими;

η_r – нормал шароитда газнинг қовушқоқлиги.

Халқаро ўлчов системасида ўтказувчанликни бирлиги:

$$[k] = \frac{m^{3/c} \cdot Ns / m^2 \cdot s}{N/m^2 \cdot m^2} \quad (1.9)$$

Нефть ва газ конларини ўтказувчанлиги бир неча миллий дарсидан 2-3 Д гача булади. Реал шароитда нефтьли ёки газли қатламлардан қудукқа томон оқим радиал сизиш жараёнида амалга ошади. Сиқилмайдиган суюқлик оқимини хажмий тезлигини радиал сизиш жараёни учун ДЮПЮ формуласи бўйича топилади:

$$Q = \frac{2 \pi k h (P_{pl} - P_c)}{\eta l n r_k / r_c} \quad (1.10)$$

бу ерда h – қатлам қалинлиги;

P_{pl} – контурдаги қатлам босими;

P_c – маҳсулдор қатлам қудук деворларидағи босим (қудук туби босими);

r_k - қудукни таъминлаш чегарасининг радиуси;

r_c – қудук радиуси.

Rh

----- катталигини қатламни гидроўтказувчанлиги деб аташ

η – қабул қилинган. (1.10) формуладан бир фазали суюқлик учун ўтказувчанлик қуидагида топилади.

$$k = \frac{Q \eta l_n r_k / r_c}{2 \pi h (P_{pl} - P_c)} \quad (1.11)$$


Шунингдек ўтказувчанлик радиал сизиша газ учун:

$$k = \frac{\eta_2 Q l_n r_k / r_c}{2 \pi h (P_{pl}^2 - P_c^2)} \quad (1.12)$$

Нефть ва газ конларининг маҳсулдор қатламларида доимо 2 та (нефть+сув: газ+сув) ёки учта (нефть+газ+сув) фазалари мавжуд. Тоғ жинсларининг ўтказувчанлиги сизиш жараёнида икки ёки уч фазали суюқликни хар қандайи учун унинг мутлоқ ўтказувчанлигидан кичикдир.

Шунинг учун ҳам мутлоқ ўтказувчанликдан ташқари фазали ва нисбий ўтказувчанлик тушунчаларидан фойдаланилади. Фазали ўтказувчанлик деб ғовакларда кўп фазали система бўлган вақтда шу суюқлик учун жинси ўтказувчанлиги тушунилади.

Коллекторнинг нисбий ўтказувчанлиги деб фазали ўтказувчанликни мутлоқ ўтказувчанликка нисбати тушунилади. Фазали ва нисбий ўтказувчанлик турли фазалар учун сув-нефть ва газга тўйинган коллекторни, суюқликни физик ва физик-кимёвий ҳоссаларига ва коллекторларига боғлиқ. Масалан, агар жинсни бир қисми сувга тўйинган бўлса, нефть ёки газ учун ўтказувчанлиги камаяди, қанча сувга тўйиниш кўп бўлса шунча ўтказувчанлик камаяди. 2-расмда қумни нисбий ўтказувчанлиги нефть ва сув учун ғовак муҳитни сувга тўйинганлигига боғлиқлик графиги қўрсатилган.



Расм-2. Ғовак мухитни сувга тўйинганлигига боғлиқ бўлган сув (2) ва нефть (1) учун қумни нисбий ўтказувчанлиги.

Назорат саволлари.

1. Маҳсулдор қатлам нечта усул билан очилади?
2. Маҳсулдор қатламни очиш усулини танлашда нимага эътибор бериш керак?
3. Маҳсулдор қатламни очишда бурғилаш эритмасининг таъсири қандай бўл

3-Маъруза. Мавзуу: Маҳсулдор қатламни очиш хақида тушунча.

Режа:

- 3.1. Маҳсулдор қатламларни очиш усувлари.
- 3.2. Маҳсулдор қатламларни очиш учун бурғилаш эритмасини танлаш.
- 3.3. Маҳсулдор қатламни бирламчи очиш технологияси. Маҳсулдор уюмга «кириш» усувлари.
- 3.4. Кириш усувларининг қулайлиги ва нокулайлиги.

3.1. Кудуқларни бурғилаш жараёнини энг асосий сўнгги ва маъсуюлиятли босқичлардан бири бу маҳсулдор қатламни очишдир.

Маҳсулдор қатламни очишни иккита энг асосий усулини кўриб чиқамиз:

1. Кудуқдаги босим қатлам босимидан юқори $P_c > P_{pl}$ бўлганда қатламни очиш;
2. Кудуқдаги босим ва қатлам босими тенг $P_z \leq P_{pl}$ бўлганида қатламни очиш, бунда қатламга депрессия ҳосил қилинади:

$$\Delta P_2 = P_k - P_z,$$

буерда: P_k - контурдаги флюидлар босими. Биринчи усуlda бурғилаш жараёнида қатламда нефть, газ, сув пайдо булишларининг олди олинади.

Иккинчи усул билан қатламни очишда нефть, газ, сув пайдо бўлишлари кузатилиши мумкин.

Бундай ҳолларда қатлам босими $P_z \leq P_{pl} < P_k$ чегарасида бўлади. Иккинчи усул билан маҳсулдор қатламни очишда қатлам ифлосланишининг олди олинади, шунинг учун бу усул жуда самарали ҳисобланади, аммо унинг қўлланилиш области чегараланган. Шунинг учун хам кўп ҳолларда маҳсулдор қатламни очишда биринчи усул қўлланилади.

Маҳсулдор қатламни очиш усулини танлашда асосий ҳисобга олинадиган факторлар: - коллектор тури, уни ташкил этган тоғ жинсларининг мустажкамлиги, қатламнинг қалинлиги ва қуввати, сув билан тўйинган қатламчаларнинг мавжудлиги, тахминий қатлам босими.

Маҳсулдор қатлам икки усул билан очилади. Бирламчи очиш – қудуқларни бурғилаш жараёнида нефть ва газ мавжуд бўлган барча қатламларни аниқлаш ва уларнинг хар бирини саноат миқёсидағи даражасини баҳолашдир. Кўп ҳолларда бу вазифаларни намуна олиш ёрдамида, ҳамда конда геофизик усусларни қўллаш ёрдамида ечилади.

Иккиламчи очиш – қудуқка ҳимоя қувурлари туширилиб цементлангандан кейин, маҳсулдор қатлам билан қудуқни ички қисмига туташиш каналларини маҳсус ускуналар билан ҳосил қилишни тушунилади.

Маҳсулдор қатламни очиш усулини ташлаш – қатлам босимини катталигига, маҳсулдор қатламни мустахкамлигига, қатламни ўтказувчанлигига ва бошқа сабабларга боғлиқ. Шу билан биргаликда очиқ фавворани олдини олиш талаблари хам бажарилиши; маҳсулдор қатламда шлам (колматация) қаттиқ фаза, бурғилаш ва тампонаж эритмаларини сизиб киришига йўл қўймаслиги лозим; қудуқка очилган оралиқлар сувсиз узоқ муддат кафолатланган холда эксплуатация қилиниши ва қудуқдан маҳсумал нефть-газ оқимини олиш лозим. Бу шартларни бажарилиши ягона техник қоида (единими техническими правилами) бўйича бурғилаш ишлари олиб борилишини таъминланиши қўрсатмасида нефть газ ёки газоконденсатли чуқурлиги 1200 метргача бўлган қудуқларни бурғилаш жараёнида гидростатик босим қатлам босимидан 10-15%, ундан юқори чуқурликларда гидростатик босим 3-10 % юқори бўлиши керак.

Маҳсулдор қатламларни очиш учун бурғилаш эритмасини танлаш

Маҳсулдор қатламни очиш жараёнида бурғилаш эритмасини сифати мухим ўрин тутади. Бурғилаш эритмаларини қаттиқ фазаси қатламдаги сизиш каналларини камайтиришга мойил бўлса, эритмани суюқ фазаси эса (сув) гилли минералларни бўкиб-шишиб қолиши туфайли қатламни ғоваклиги ва ўтказувчанликни камайишига олиб келади.

Нормал ва аномал юқори босимли қатламлар мавжуд оралиқларда ҳимоя қувури лойихадаги чуқурликкача туширилади ва қувур орти ҳамда қудуқ девори орасидаги бўшлиқ цементланади. Қатламни қувур ички қисми билан туташтириш (иккиламчи очиш) ўқли, кумулятив ёки сув-қум оқимли перфораторлар ишлатилади.

3.3. Маҳсулдор қатламни бирламчи очиш технологияси ва маҳсулдор уюмга «кириш» усувлари

Кириш усули деганда маҳсулдор қатламда олиб бориладиган бурғилаш тартиби ва айнан маҳсулдор уюмни мустахкамлаш тушунилади. Маҳсулдор қатламга киришни бир неча усувлари мавжуд бўлиб, уларни асосийси куйидаги 5 та ҳисобланади:

1-усул. Маҳсулдор уюмда бурғилаш давом эттирилади. Унгача бўлган юқоридаги қатламлар ҳимоя тизмалари билан мустахкамланмайди. Уюм тўлиқ бурғилаб бўлингандан кейин қудуқка ҳимоя қувурлари тушурилади ва цементланади.

Кудук ичи билан маҳсулдор қатлам туташтирилиши учун қудук перфорация қилинади (тешилади) яъни тизмаларни отиш орқали кўплаб тешиклар ҳосил қилинади.

Қулайлиги: Ишга тушириш жихатидан оддий, хар қандай маҳсулдор қатлам ва қатламчалар билан боғланиш мумкин. Бу усулда бурғилаш ишларининг таннархи бошқа усувларга қараганда арzonроқ.

Ноқулайлиги: асосида сув бўлган бурғилаш эритмаси ишлатилганда маҳсулдор қатламни ифлосланиш эҳтимоли катта бўлади.

- бурғилаш вақтида фақат маҳсулдор қатлам эмас балки ҳимоя тизмаси туширилган оралиққача бўлган масофа ифлосланади.

- ифлосланиш уюмда катта бўлса, бу уюмни ўзлаштириш оғир кечади, дебит эса потенциал дебитдан кичик бўлади. Маблағ кўп сарфланади.

2-усул. Ҳимоя тизмалари маҳсулдор қатламни шифтига туширилади ва мустахкамланади. Ҳимоя тизмасини диаметридан кичикроқ бўлган бурғи танланиб маҳсулдор қатлам бурғilanади, уюм очиқ ҳолатда қолдирилади. Бу усулда маҳсулдор қатламга кириш учун уюмдаги шароитларни ҳисобга олган ҳолда бурғилаш эритмасини таркиби ва ҳоссасини танлаб олиш зарурдир. Қулайлиги: Маҳсулдор қатлам мустахкам тоғ жинсларидан иборат бўлса ва фақат бир хил суюқлиқдан ташкил топган бўлса қатлам танланмасдан бурғilanади. Ноқулайлиги:

- Қудуқда қатлам суюқлиги фильтрацияси қучли бўлса.
- Қатламларни танлаб эксплуатация қилиб бўлмайди.

3-усул. Бу усулда бурғilanган маҳсулдор қатламга фильтр туширилади. Туширилган фильтр ҳимоя тизмасининг охирги қисмида осилган ҳолатда бўлади. Фильтр билан тизмадаги оралиқ пакер билан мустахкамланади.

Бу методда ҳам юқоридаги усувлар каби қулайлиги ва ноқулайлиги мавжуд.

Бу усулнинг фарқи шундаки, маҳсулдор уюм мустахкам бўлмаган тоғ жинсларидан иборат бўлганда ва эксплуатация вақтида унча мустахкам бўлмаган қудуқларда яхши натижа беради.

4-усул. Бу усулда қудук маҳсулдор қатламнинг шипигача бурғilaniб ҳимоя тизмалари туширилади ва мустахкамланади. Ҳимоя тизмасининг диаметридан кичикроқ бўлган тизма танланиб, маҳсулдор қатлам бурғilanади. Сўнгра эса хвостовик билан маҳсулдор қатлам мустахкамланади. Берилган интервалдаги маҳсулдор қатламлар перфорация қилинади.


Бу усувлар бурғilaш эритмасининг ҳоссаси уюмдаги ҳолатга қараб танлаб олинади (коллектордаги ифлосланишни олдини олиш учун). Қулайлиги: Бу усулда хар хил ҳолатда бўлган қатламчалардаги ва қатламлардаги маҳсулотларни жуда кам харажат қилиш орқали қудуқдан ўзлаштириб олиш мумкин.

Қудуқлардаги нефтьни дебити юқори бўлади ва қудуқларни ўзлаштириш тезлашади. Ноқулайлиги: Қудуқнинг тузилиши мураккаблашади.

5-усул. Бу усулни 1-усулдан фарқи шуки қудукдаги маҳсулдор қатламга ҳимоя тизмасининг остики қисми тешик (қувур бўйлаб маълум бир оралиққача тешилган). Тизма туширилгандан сўнг маҳсулдор қатламдан юқори қисми цементланади.

Қулайлиги: Перфорация қилиш учун қудук остида ҳеч қандай маблағ сарфланмайди ва вақтни қўп талаб килмайди.

Ноқулайлиги: бу усулда у ёки бу маҳсулдор қатламни эксплуатация қилиб бўлмайди.



3-расм. Қудук туби қисми конструкциясининг схемалари.

1-ҳимоя тизмаси; 2- цементланган оралиқ; 3-маҳсулдор қатлам;

4-сувли қатлам; 5-очиқ ствол; 6-пакер; 7-фильтр

8-қудук девори; 9-хвостовик; 10- перфорацион каналлар;

Назорат саволлари.

1. Маҳсулдор қатлам неча усул билан очилади?
2. Маҳсулдор қатламларни очиш усулини танлашда нимага эътибор бериш керак?
3. Маҳсулдор қатламни очишда бурғилаш эритмасининг таъсири қандай бўлади?
4. Кириш усули деганда нимани тушунасиз?
5. Киришнинг нечта усули бор?
6. Хар бир усулни тушунтириб беринг?
7. Бу усулларнинг қулайлигини ва ноқулайлигини ўрганишдан мақсад нима?

4-Маъруза. Мавзу: Қатламни бирламчи очиш учун юувучи суюқликни таркибини ва ҳоссасини танлаш.

Режа:

- 4.1. Қатламни бирламчи очишда юувучи суюқликни таъсири.
- 4.2. Юувучи суюқликни таркибини ва ҳоссасини танлаш.
- 4.3. Қатламни очишда атроф мухит муҳофазаси.
- 4.4. Қатламларни бирламчи очишда меҳнат муҳофазаси.

Таянч иборалар: Перфорация - маҳсулдор қатламни қудук билан боғлаш; Очик қудук туби - қудук туби хеч қандай ускуна билан жихозланмаган;

Қатламни гидравлик ёриш - қатламга катта босим таъсирида суюқлик хайдаш орқали қатламни ёриш.

4.1. Махсулдор қатламни бурғилаш вақтидан бошлаб, бурғилаш эритмаси қатлам билан алоқада бўлади ва коллекторлар ичига сингиб киришга харакат қиласди. Қатламга юувучи суюқликни кириши бир нечта омилларга сабаб булади:

1. Бурғилаш жараёнида күп ҳолларда қудук ичида ортиқча босим ушлаб турилади. Агар қатlam гранулометрик коллекторлардан иборат бўлса, ортиқча босим таъсирида юувучи суюқликни дисперсли мухити коллекторларга киради, кўпинча бу кимёвий реагентлар ва тузларда мавжуд бўлган сув. Дисперс фаза заррачалари қудук деворларида тутилиб фильтрация қобигини ҳосил қиласди ёки қатlamга қисман 1-2 см кириб, колматация зонасини ҳосил қиласди.

Фильтрат таркибида мавжуд бўлган дисперс фазанинг майин, чангсимон зарралари қатламга чукур кириб бориши мумкин. Ортиқча босим таъсири остида грануляр қатламга фильтратни кириш чукурлиги юувучи суюқликни сув берга олувчанлиги юқори бўлса, қатламни бурғилаб ўтиш давомийлигига, халқа оралиғидан чиқаётган оқимни тезлигига, ортиқча босимга, хароратга боғлиқ: ламинар оқимга нисбатан турбулент режимида юувучи суюқликни таъсири қатламга сезиларли таъсир этади. Ортиқча босим таъсирида ёриқ ғовакларга фақат дисперс фаза эмас, балки дисперс зарраларни чукур кириши кузатилади.

2. Капиляр күчлар таъсирида остида сувли дисперсион мухит қатlamга чуқур кириб боради ва қудукдаги нефтьни сиқиб чикаради (чиқишиңа йўл қўймайди). Юза тортишиши ошиши билан капиляр күчларни таъсири остида сувни кириш чуқурлиги ортади.

3. Юувчи суюқлик таркибидаги минераллар қатламни минераллашганига нисбатан кам бўлса, маҳсулдор қатламда осмотик масса алмашинуви ҳосил бўлиши мумкин. Қатламга юувчи суюқликни ва уни фильтратини кириши натижасида қатлам коллектори ҳоссаларига салбий таъсири туфайли бурғилаш сўнгида қатламдан суюқлик олиш шароити ёмонлашади. Демак, колматация зонани ўтказувчанлигини юувчи суюқлик дисперс фазаси зарралари ғовак каналларни беркитиши натижасида кўп марта камайишига олиб келади. Маҳсулдор қатламда деярли хар доим маълум бир миқдорда гилли ёки шунга ўхшаш зарралар мавжуд бўлиб, улар сувга берилувчандир. Қатламга кирган сув фильтратига бу зарралар тўйиниб бўкади, яъни хажми кенгайиб ғовак каналларни қисман ёки тўлиқ беркитади.

Бурғилаш жараёнида нефть, газ, сув пайдо бўлишини олдини олиш учун, қудукдаги босим **Rc** ни қатлам флюидлари босимидан бир оз каттароқ холда сақлаб турилади. Қатламни бурғилаш жараёнида, кўп ҳолларда унга босим ўзгариши **$\Delta P = P_{c} - P_{pl}$** таъсир этади. Шу босим ўзгариши таъсирида ўтказувчан қатламга бурғилаш эритмаси таркибидаги қаттиқ фазалар, айрим ҳолларда эса тўлиқ бурғилаш эритмаси кириши мумкин. Қатламга бурғилаш эритмасининг кириш радиуси бир неча метргача бориши мумкин. (сув бера

олувчанлиги минимал бурғилаш эритмалари учун хам), бундай бурғилаш эритмаларини қўллаш қатlamни ифлослантиради. Бурғилаш эритмасининг қатlamга кириш чуқурлиги ва табиати, физик-кимёвий таъсири характери катта ахамият касб этади.

Қатlamга кирган фильтрат тупроқли қатlamларнинг бўкишига (коллектордаги), ғовак оралиқларни гидрофиллашга олиб келади ва натижада бу оралиқда ўтказувчанлик пасайиб кетади ва қудукнинг маҳсулдорлиги паст бўлади.

Қатlamни тозалаш ва синаб кўриш натижасида хам олдинги хақиқий ўтказувганликни қайта тиклаб бўлмайди. Шунинг учун қатlamни очища юқоридаги холатларни олдини олиш учун талабга жавоб берадиган бурғилаш эритмаларини танлаш керак.

Қудукни маҳсулдорлигини тушиб кетишини олдини олиш чоралари куйидагича (қатlamни очиш даврида):- қатlamдаги босим ўзгаришини қудукдаги босим ва қатlam босимиши тенгглаштириш $P_c = P_{pl}$ ёки қудук тубидаги босим $P_c = P_z$ қатlam босимидан ҳам пастроқ холда ушлаб турилади (маҳсулдор қатlamга бурғилаш эритмаси ва унинг таркибидаги газ, суюқлик ва қаттиқ фазани киришини олдини олиш учун).

- талабга жавоб берадиган бурғилаш эритмасини танлаш;
- бурғилаш эритмаси таркибидаги қаттиқ фазачаларнинг катталигини маҳсулдор қатlamдаги ғовак каналларни катталигини ҳисобга олган холда танлаш.
- маҳсулдор қатlamда бурғилаш эритмасининг ишлаш вақтини камайтириш.

4.2. Юувчи суюқликни таркибини ва ҳоссасини танлаш

Бурғилаш жараёнида маҳсулдор қатlamни очиш учун энг яхши юувчи суюқликлар бўлиб, газсимон агентлар ва асосида нефть бўлган сувсиз эритмалар, шунингдек минерал сув фазали эмульсион эритмалар ҳисобланади. Маҳсулдор қатlamни очиш учун танланадиган юувчи суюқликлар қуйидаги талабларга жавоб бера олиши шарт:

1) юувчи суюқликни фильтрати - гилли заррачаларни тўйиниши (бўкишига)га йўл қўймаслиги, жинси гидрофиллиги ошмаслиги ва қатlam ғовакларидағи физик боғланган сув миқдори ошмаслиги.

2) фильтратни таркиби шундай булсинки, уни қатlamга кириши натижасида физик ёки кимёвий таъсиrlар оқибатида эримайдиган чўкинди ҳосил бўлмаслиги.

3) юувчи суюқликни қаттиқ фазасининг гранулометрик таркиби, маҳсулдор қатlamни ғоваклик структурасига мос келиши керак; қаттиқ фазалар қатlamга чуқур кириб кетмаслиги учун бурғилаш эритмасини ташкил этувчи заррачаларнинг диаметри

1

$d_2 > \frac{1}{dn}$ умумий қаттиқ фазанинг хажмидан 5% кичик бўлсин.

3

4) фильтрат чегарасидаги юза тортишиш кучи – углеводород мавжуд қатламларда минимал бўлсин.

5) забой шароитида сув бера олувчанлик, харорат, босим минимал бўлиши, зичлик ва реологик хосса шундай бўлсинки, маҳсулдор қатламни бурғилаш жараёнида дефференциал босим қатламда нолга яқин бўлсин.

6) минерализация даражаси ва фильтратни туз таркиби қатлам босимга яқин бўлиши лозим, осмотик босим минимал бўлиши керак.

Бу шароитлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, маҳсулдор қатламларни очиш учун сув бераолувчанлиги кам бўлган, ишқорсиз минералли юувучи суюқликлар, чучук сувли ёки ишқорли (УШР билан ишлов берилган) эритмаларга нисбатан яхши натижалар беради.

Қидиув қудуқлари иш олиб бораётган хар бир майдонни биринчи қудуқларини маҳсудор қатламидан намуна олиб, лаборатория текширишларни амалга оширгандан кейин бурғилаш эритмасини аниқ танлаш имконияти туғилади.

4.3. Қатламни очишда атроф-мухит муҳофазаси

Атроф-мухит (атмосфера, тупроқ, артезиан ва шифобахш сув манбалари) қудуқка отилиш-фаввора хосил бўлиши ёки қувур орти бўшлиғидан флюидларни оқиб чиқиши, бу қатлам флюидлари таркибида олtingугурт, углеводородлар, натрий тузлари, кальций, магний ва бошқа элементлар шунингдек юувучи суюқликларни ташлаб юборилиши натижасида ифлосланиш рўй беради.

Атроф-мухитни ифлосланишини бартараф этишга каратилган асосий ташкилий ишлардан бири, қудуқдан 100-200 метр шамол йўналиши бўйлаб иш бошлашдан аввал, қудуқдан чиқиши кутиладиган қатлам суюқлиги учун катта ховуз тайёрланади. Ховузга қудуқни ўзлаштириш, синаш, текшириш ва бошқариладиган фаввора жараёнида чиқкан қатлам суюқлиги тушиши режалаштирилади.

Айрим холларда, агар бошқариб бўлмайдиган фаввора (яъни фавворага қарши ускуналар мавжуд бўлмаса, ускуна ишламаса ёки ишдан чиққанида) хосил бўлса тезда ер юзаси бўйлаб ариқ (канал) қазиб қудуқдан оқиб чиқадиган суюқликни қабул қилиш ва қудуқ юзасидан бир неча юз метр узоқликда йиғиш тавсия этилади.

Бошқа бир фойдали ташкилий ишлардан бири аномал қатлам босими юқори бўлган маҳсулдор горизонтни (фаввора хосил қилган қатлам) қопламаси юқорисида қувур орти қисмида пакеровка қилишдир. Агар пакеровка қилиш имконияти бўлмаса, қувур орти бўшлиғига цемент эритмаси хайдалиб ички ортиқча босим цемент қотгунга қадар ушлаб турилади.

Юувучи суюқликка аралашиб чиқадиган газ (факел)да ёндирилади ёки утилизация қилиниб саноат газ йиғиш тармоғига юборилади.

Агар қатлам сувида олtingугурт мавжуд бўлса, бундай қатлам изоляция қилиниши ва олtingугурт қўшилган суюқлик нейтрализация қилиниши керак.

Олтингугурт сув билан гранулярли қатlamни колматация қилиш учун самарали стабилизаторлар (масалан, КМЦ-600, карбофен, крахмал) 5-10% ли сувда эрувчан мис, темир, магний, никел ёки қўргошин тузлари сув ва зарурият туғилса оғирлаштирувчи ва гил кукунлари билан ванна қилиш таклиф қилинади.

Юувучи суюқликдаги олтингугуртни нейтраллаштириш учун мис ёки темир купорали сувли эритмаси қўшилади. Йўлдош ёки табиий газга олтингугурт аралашиб келган вақтда бу газлар факел орқали ёқиб юборилса, у холда ёнган олтингугурт – олтингугурт газига айланади ва кучли захарловчи газ пайдо бўлади. Шунинг учун ёқиб юбориш тармоғига юборишдан олдин олтингугурт нейтрализация қилинади ва факелга жўнатилиади.

Нейтрализация қилишни усулларидан бири қуйидагича амалга оширилади: Отқинга қарши ускунанинг чиқиши линиясига ёки фаввора арматурасини чиқиши линиясида сувга эрувчи икки гидрооксидли металлар қўшиб юборилади.

4.4. Қатlamларни бирламчи очишда меҳнат муҳофазаси.

Қатlam суюқликлари таркибида (углеводород газлари, олтингугурт ва бошқалар) юувучи суюқликлар таркибидаги айrim кимёвий реагентлар (масалан КССБ, хромпик окзил ва бошқалар) ёки қудук туби зонасидаги маҳсулдор қатlamни ўтказувчанлигини ошириш учун (тузли кислота) ишлатиладиган реагентлар, одам терисига текканда, нафас олиш органларига, кўзга (бўғилиш) кучли таъсир этади.

Бахтсиз ходисаларни олдини олиш учун қудук атрофида газ даражасини аниқлаш ва назорат қилиш, атмосферада ҳосил булаётган захарли газ миқдори (белгиланган) рухсат этилган миқдордан юқори бўлмаслигига эътибор бериш керак. Бурғилаш майдончасида медикаментлар билан таъминланган аптечка бўлиши ва бу дорилардан барча ишчилар фойдалана билиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Агар рухсат этилган миқдордан газ миқдори ошиши кутилса, барча ишчилар противагаз билан таъминланиши зарур.

Қудукни бирламчи очиш даврида қатор ускуналар юқори босим остида бўлади. Шунинг учун ҳам бригада ишчилари бу ускуналар билан ишлашни ҳам назарий, ҳам амалий ўзлаштирган бўлишлари шарт. Масалан, вертлюг бошчасини (агар юқоридаги ускuna бўлмаса юқори босимли (экран) зулфинли бошқариш қувури) бурғилаш сафидан ечиб олиш учун аввал ортиқча босим чиқариб атмосфера босимиға tengлаштирилади; намуна олгичдан (пробоотборник) намунани олиш учун, маҳсус мослама ёрдамида олинади, чунки намуна олгичда юқори босим сақланиб қолган бўлади.

Назорат саволлари:

1. Қандай ҳолатларда атроф мухитни ифлосланиши рўй беради?
2. Қудук атрофида қазилган ховуз қандай вазифани бажаради?
3. Атроф мухитни ифлосланишини олдини олиш мақсадида қайси оралиқда пакеровка қилиш мақсадга мувофиқ?

4. Олтингугуртли газ ёкиб юбориш тармоғига юборилишидан олдин нима учун нейтраллаштирилади?
5. Қатламга юувучи суюқликни киришида рўй берадиган таъсирларни тушунтиринг.
6. Қатламга нефтьли ва газсимон агентли юувучи суюқликни таъсирини тушунтиринг.
7. Юувучи суюқлик – маҳсулдор уюмни очища қандай талабларга жавоб бериши шарт?

5-Маъруза. Мавзу: Қудуқ конструкциясини лойихалаш.

Режа:

- 5.1. Қудуқ конструкциясини танлаш ва лойихалаш.
- 5.2. Ҳимоя қувурлари сонини ва уларни туширилиш чуқурлигини танлаш.
- 5.3. Бурғини ва ҳимоя қувурлари диаметрини танлаш.

5.1. Қудуқ узоқ муддатли капитал қурилиш бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун конструкцияни мустахкам, барча ўтказувчан тоғ жинсларини герметик ажралишини таъминлай оладиган, бурғилаш жараёнида лойихадаги чуқурликкача боришини ва геологик вазифаларни ва бошқа текшириш ишларини ҳал этила оладиган бўлиши, конни ишлатишни барча босқичларида ишлатиш режимини олдиндан лойихалаш, ер остини ва атроф-мухитни ифлосланишдан муҳофаза қилиш қонунларига риоя қилиш. Шу билан биргаликда қудуқ конструкцияси иқтисодли бўлиши лозим.

Қудуқ конструкциясини танлашда кўплаб омиллар таъсир қиласди: қудуқларни вазифаси, мақсади (кидирув, эксплуатацион, ҳайдовчи ва бошқалар), лойихавий чуқурлиги, геологик тузилиш хусусиятлари, тоғ жинсларини мустахкамлиги, босимни ютилиш индекси ва қатлам босимини аномал коэффициентининг чуқурлик ошиши билан ўзгариш характеристи, қатлам суюқлигини таркиби, қудуқ юзасини ҳолати (қуруқлик, сув хавзаси), қудуқни профили, бурғилаш усули ва давомийлиги, бурғилаш технологиясини тараққий этганлиги, маҳсулдор қатламга кириш усуллари, бурғилаш ва эксплуатация жараёнида харорат режими, қудуқ дебити ва эксплуатация усуллари турли стадиялар учун, ишлатиладиган ускунани мукаммаллик даражаси, муҳандис техник ишчиларни квалификацияси ва бошқалар.

Қудуқ конструкциясини лойихалаш - бу коннинг аниқ бир шароитидан келиб чиқсан ҳолда қудуққа тушириладиган ҳимоя қувурларининг сони, тизмаларни катталиклари (диаметри, ҳар бир тизмани тушириш чуқурлиги), ҳар бир тизмани бурғилаш учун бурғининг диаметри, цементни баландлиги ва маҳсулдор қатламга кириш усулини танлашdir. Бу вазифани ечиш жараёнида кўпинча қудуқ конструкциясини бир нечта варианти ҳосил бўлади.

Бу вариантларни ичидан шундай битта вариант танланиши лозимки, бу вариант қудук олдида турган вазифани минимум харажат билан бажара олиши керак.

5.2. Ҳимоя қувурлари сонини ва уларни тушириш чуқурлигини танлаш.

Қудук конструкциясими лойихалашни бошлаш, чуқурлик ортиши билан қатlam босимини аномаллик коэффициенти ва босимни ютилиш индекси графиги түзишни тавсия этилади. Бу графиклар ёрдамида биринчи вариантни бажарувчи конструкцияни $k_a \leq \rho_o < k_n$ – шарт оркали амалга оширилади. Агар бурғилаш жараёнида остда ётувчи оралиқлар учун нисбий зичлиги юқори бўлган юувучи суюқлик ишлатилганда, юқорида ётувчи бирор қатlam бу юувучи суюқликни ютса ёки юувучи суюқликни зичлиги остки оралиқ учун кичик қилиб танланганда юқорида ётувчи бирор қатlamда суюқлик оқими тезлашиш рўй бериши мумкин. Бунинг учун юқори қатlam учун юувучи суюқликни шундай танлаш зарурки, юқорида ётувчи қатlamларда ютилиш ҳам, суюқлик оқими ҳам, ҳосил бўлмаслиги керак, сўнгра юқори қатlamларга ҳимоя қувурлари туширилади, яъни изоляция қилинади.

Изоляция қилишни энг кенг тарқалган усули – ҳимоя қувури туширилган қувур орти бўшлиғи қотувчи эритма билан тўлдирилади.

Масалан, бурғилаш ишлари лойихаланадиган N районда аномаллик коэффициенти k_a ва босим индекси k_n ни ўзгариш характеристи қўйидаги 4-расмда кўрсатилган.

Қатlam босими аномаллик коэффициенти (1), босимни ютилиш индекси (2), юувучи суюқликни нисбий зиялиги (3) қудук конструкциясими вариантлари (ўнгда) графиги.


Бурғилаш жараёнида тахминан 350 метр чуқурликкача зичлиги $0,98 \text{ гр}/\text{см}^3$ дан кам бўлмаган юувучи суюқликни ишлатиш мумкин, 2250 метр чуқурликкача $\rho_o = 1,10 \text{ гр}/\text{см}^3$ дан кичик бўлмаган юувучи суюқликни ишлатиш мумкин.

400-700 метр оралиқда жойлашган ўтказувчан горизонтдан суюқлик оқими рўй бериши мумкин. 2250 метрдан юқори бўлган оралиқни бурғилаб ўтишда $\rho_o \geq 1,5 \text{ гр}/\text{см}^3$ булиши тавсия этилади, чунки 2370 метр чуқурликда суюқлик оқимини ҳосил бўлиши рўй бериши мумкин бўлган обьект қопламаси бор. Лекин бундай суюқликни 0-350 метр ва 900-1000 метр оралиқларда тоғ жинсларида ютилиши кузатилади. Бундай мураккабликларга йўл қўймаслик учун 2200 метр чуқурликкача ҳимоя тизмасини тушириш мақсадга мувофиқдир. Юқори оралиқлар ёпилади ва фақат шундан кейин $\rho_o = 1,6 \text{ гр}/\text{см}^3$ гача юувучи суюқликни нисбий зичлиги оширилади. Юқоридагиларни солиштириб, шундай хulosага келишимиз мумкинки, берилган ҳолат учун қудукка учта (4-расм) ҳимоя тизмасини туширишга тўғри келади.

Қудук конструкциясими биринчи варианти шундай бўлади.

Айрим холларда бурғилаш даврида мустахкам бўлмаган тоғ-жинслари, мураккабликлар, шу даражада жадаллашадики, ҳимоя қувури туширилмасдан бошқа имконияти йўқ. Масалан биз ўрганадиган ҳолат учун 1600-1640 метр чуқурлиқда пластик гилли қатламлар бўлиши кузатилади.

Шу конни бурғилаш, бурғилашни тажрибага асосланган ҳолда рухсат этиладиган катталигига риоя қилиш зарур. Агар юувучи суюқлик кичик сув берса олувчанликка ва унинг зичлиги $1900 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан кичик бўлмаса қудуқни қуриш жараёни мураккаблашмайди. Аммо бундай зичликдаги суюқлик кўплаб горизонтларда ютилади. Шунинг учун биринчи вариант конструкциясига қуйидагича ўзгартериш киритамиз: биринчи ҳимоя қувурини 1550 метр чуқурлиқка тушариш; 1680 метргача бўлган чуқурликка, пластик қатлам иккинчи ҳимоя тизмаси «хвостовик» (думча) билан изоляция қилинади. Юқори оралиқларни бурғилаш вақтида $\rho_o \approx 1,15 \text{ гр}/\text{см}^3$ бўлган, пластик гилли қатламларда $\rho_o \geq 1,9 \text{ гр}/\text{см}^3$, ундан пастга эса анча енгил бўлган $\rho_o \approx 1,6 \text{ гр}/\text{см}^3$ эритма ишлатилади.



химоя қувурини ишдан чиқишига олиб келади. Шунинг учун, агар юқори оралиқлар катта диаметрли бўлса маҳсулдор қатламни очища ҳосил бўладиган юқори ички ортиқча босим ҳимоя тизмаларини заарланмаслиги учун, қудуқни юқори участкасида қўшимча мустахкамлиги бўйича чидамли бўлган ҳимоя қувурлари билан ёпилади. Демак, одатда юқори оралиқлар бир нечта ҳимоя қувурлари билан ёпилади.

5.3. Бургини ва ҳимоя қувурлари диаметрини танлаш.

Эксплуатион ҳимоя тизмасини диаметри, қатламни эксплуатация қилиш давридаги қутиладиган жами суюқлик (нефть+газ+сув) дебити ва шу ҳимоя тизмаси ичига тушириладиган ускуналарни ўлчамларидан, қудуқни чуқурлигидан келиб чиқсан ҳолда танланади.

Эксплуатион ҳимоя қувурини ички диаметри, ишлатиш даврида ускуналарни белгиланган чуқурликкача тушириш, еости ва капитал таъмираш ишларини имкониятга эга бўлиши керак.

Қуйидаги жадвалда эксплуатион ҳимоя қувурлари диаметрини танлаш кўрсатилган.

Нефтьли қудуқлар учун.

Жами дебит, м ³ /сут	40	40-100	100-150	150-300	300.
Эксплуатион тизмани					
таксиний диаметрлари, мм ..	114	127-140	140-146	168-178	178-194

Газли қудуқлар учун.

Жами дебит минг м ³ /сут.....	75	250	500	1000	5000
Эксплуатион тизмани					
диаметри, мм.....	114	114-146	146-168	168-219	219-273

Эксплуатион ва кондуктор оралиғида жойлашган ҳимоя тизмасини оралиқ ҳимоя тизмаси деб аталади. Оралиқ кондуктор тизмалари ҳамда ҳар бир тизма остини бурғилаш учун танланадиган бурғини диаметри қуйидаги муносабат билан аниқланади. Берилган ҳимоя қувури остини бурғилаш учун бурғини диаметри қуйидаги формула билан аниқланади.

$$d_d = d_m + 2 \Delta_k$$

бу ерда Δ_k - қудуқка ҳимоя қувури эркин тушиши учун қолдириладиган минимал радиал оралиқ, мм: d_m – ҳимоя қувури ташқи диаметри, мм.

Ҳимоя қувурини ташқи

диаметри, мм.....	114-127	140-168	178-194	273-299	324-351	377
Радиал оралиқ Δ_k мм..	7-10	10-15	15-20	25-35	30-40	40-50

Одатда энг катта ташқи диаметр қилиб, муфтани ташқи диаметри қабул қилинади. Аввалги (дастлабки) ҳимоя қувурини ички диаметри (d)

пред. кейинги ҳимоя тизма остини бурғилаш учун ишлатиладиган бурғининг диаметридан албатта катта бўлиши керак:

$$(d) \text{ пред} = (d_g) \text{ посл} + 2 \Delta$$

бу ерда Δ - навбатдаги тизма остини бурғилаш учун, ҳимоя қувури ичидан бурғини эркин ўтишига қолдирилган радиал оралиқ. Одатда оралиқни катталиги $\Delta = 5 \div 10$ мм қабул қилинади. Бурғини диаметри ошган сари, радиал оралиқ (Δ) хам ошади.

Назорат саволлари:

1. Қудук конструкциясини танлашда қандай омиллар таъсир қиласиди?
2. Қудук конструкциясини лойихалаш деганда нимани тушунасиз?
3. Ҳимоя қувурларининг сони ва уларни тушириш чуқурлиги қандай аниқланади?
4. Изоляцияни энг кенг тарқалган усули қандай?
5. Бурғини ва ҳимоя қувурларини диаметрини танлашдан мақсад нима?
6. Эксплуатацион ҳимоя қувурларини диаметри қандай танланади?

6-Маъруза. Мавзу: Ҳимоя қувурлари ва уларни бирикмалари.

Режа:

- 6.1. ГОСТ 632 – 80 бўйича ҳимоя қувурларини тайёрланиши.
- 6.2. Стандарт бўйича ҳимоя қувурларини ўзаро бирикиши ва уларнинг турлари.
- 6.3. Қувурларни мустахкамлик характеристикаси ва уларни бирикмалари.

6.1. Ҳимоя қувурлари ўзаро резъбали ёки пайвандлаш йўли билан бирикувчи тўлиқ қуйилган пўлатдан ишланган бўлади. Ҳимоя қувурлари ГОСТ 632-80 бўйича тайёрланади (Россия).

Конструкцияси бўйича қувурлар икки гурухга бўлинади.


Асосий гурух қувурлари узунлиги бўйлаб бир хил диаметрли очик цилиндр шаклида (5- расм, б).

Иккинчи гурух қувурлари цилиндр шаклидаги бирорта охирги қисмини ташқи томони қалинлаштирилган кўринишида (5- расм, в).

Доимий узунлиги бўйлаб девор қалинлиги бир хил бўлган қувурлар ўзаро муфталар ёрдамида бирикади. Ҳар бир қувурни сўнгги ва ички (бошланиш) қисмларида конус кесими бўйича $1^047^124^{11}$ бурчак остида ишлов берилган: конуслиги $1/16$ га teng. Конуссимон юзада махсус профилли резъба очилади. Бундай қувурларга муфта айлана кесимли очик цилиндр кўринишида, ички қисми иккита кесик конус шаклида ясалган. Муфтанинг резъбалари қувур резъбасидек очилади.

Ташқи қисми қалинлаштирилган қувурлар муфтасиз бириктирилади. Буни учун ташқи қисми қалинлаштирилмаган охирги қисмни ва қалинлиштирилган охирги қисмни ички қисмида конус шакли берилади ва

максус резьба очилади. Бу ерда хам конуслик 1/16 га тенг. Қувурни қалинлаштирилган қисмлари бир-бири билан муфтасиз туташтирилади.



1-расм. ГОСТ 632-80 бўйича ҳимоя қувурлари ва уларни бирикмаларининг схемалари.

a – муфтали бирикмали қувур ва учбурчак ёки тропецеадал профилли резьба; б – юқори герметикли бирикувчи муфтали қувур ва тропецеидал профилли резьба (ОТТГ); в – бир томони қалинлашган қувур, юқори герметикли муфтасиз бирикувчи ва тропецеидал профилли резьба (ТБО).


6.2. Стандарт бўйича ҳимоя қувурларини ўзаро бирикиши ва уларнинг турлари.

Стандарт бўйича ҳимоя қувурларини ўзаро бириктиришни бешта тури (кўриниши) бўлиб, шундан тўрттаси муфтали бирикмадир:

- қисқа учбурчакли резьбали;
- узайтирилган учбурчакли резьбали;
- трапецеидал резьбали (ОТТМ);
- юқори герметик трапецеадал резбали (ОТТГ).

Бешинчи тури – юқори герметик трапецеадал резьбали муфтасиз бирикмали (ТБО). Биринчи иккита турдаги қувурлар бурғилаш қувурлари (6-расм)га ўхшаш учбурчакли резьбага эга бўлиб, бир-бири билан резбаларининг узунлиги билан фарқ қиласди: иккинчи турдаги бирикмаларни резьбалари узунлиги, биринчисига нисбатан (қувурларнинг диаметрига боғлиқ) 25-50% каттадир.

Қолган турдаги қувурларни бирикувчи резьбалари тропецеадал, профили 7-расмда кўрсатилган. Резьба профили томонлари тенг бўлмаган тропеция шаклига эга: профилнинг томонлари ўқ йўналишили кучланишни қабул қилувчи бўлиб, резьба ўқига томон 87^0 бурчак остида қийшайган, қолганлари эса кам кучланишли профиллар 80^0 ли бурчак остидадир. Натижада тропецияли бирикмаларни резьбасини қиялик бурчаги профил кучланган томони резьба ўқи томонида юқори бўлганлиги учун бошқа учбурчакли резьбали бирикмаларга нисбатан чўзилишга чидамлидир.



2-расм. Конуссимон учбурчакли резьба профилининг катталиклари.

ОТТГ ва ТБО қувурлари сўнгги қисмларида ва муфталарида конуссимон зичловчи силлик юза мавжуд (8-расм). Ниппел томонини куч билан қотириш вақтида бундай юза ОТТГ муфтаси юзасига зичлашиб қотиши туфайли (ТБО қувурини муфтали томони) юқори герметик бирикишга эришилади. ОТТГ муфтаси бирикмаси ва ТБО ни муфтали қисми бирикмаларида таянч бўртма мавжуд.

Машина ёрдамида охиригача қотирилган бирикма, қувурни тореци муфтанинг таянч бўртмасининг торецига тўлиқ юза бўйлаб тегиши лозим. Бундай бирикиш натижасида бир конуссимон юзани иккинчи юза билан қотириш меъёридан юқори бўлиб кетишини олдини олади.

ГОСТ 632-80 бўйича қисқа учбурчак резьбали ҳимоя қувурлари 19 та катталика шартли равишда 114 мм дан 508 мм гача ишлаб чиқарилади. Сифати ва аниқлиги бўйича қувурлар А ва Б кўринишда ишлаб чиқарилади. А кўринишдаги қувурларнинг аниқлиги юқоридир.

Қувурлар унча катта бўлмаган овалликка эга бўлиши мумкин. ОВАЛЛИК деб – энг катта ва энг кичик қувур диаметрларини, уларни яrim ийғиндинсининг фарқи нисбатига айтилади.

ГОСТ бўйича бир шартли диаметрдаги қувурлар деворининг қалинлиги (5,2 мм дан 16,5 мм гача бўлиб, бирикиш конструкцияси, мустахкамлик гурухи ва диаметри билан фарқ қиласи) турлича бўлади. Стандартга мувофиқ ҳимоя қувурлари етти хил (D ; K ; E ; L ; M ; P ; T) мустахкамликка эга бўлган пўлатдан тайёрланади. Муфтали ва муфтасиз қувурлар тайёрланиб бўлингандан кейин гидравлик синашдан ўтказилади. Гидравлик синаш учун босим шундай ҳисобланиши лозимки, диаметри 219 мм ли Б кўринишда ишлаб чиқарилган ҳимоя қувурига бериладиган кучланиш, қувур сиртидаги оқувчанлик чегарасини 80% га, катта диаметрли қувурлар оқувчанлик чегараси 60% га teng бўлиши керак.

6.3. Қувурларни мустахкамлик характеристикаси ва уларни бирикмалари.

Эксплуатация жараёнида ҳимоя қувурларига ташқи ва ички юқори ортиқча босимлар, шунингдек ўқ йўналиши чўзувчи (айрим ҳолларда сиқувчи) кучлар таъсир қилиши мумкин.

Агарда қувурни ташқи юзасига бир текисда суюқлик босими ҳосил қилинса, қувурда сиқилиш кучланиши ҳосил бўлади; бу кучланиш ички юзасида энг юқори, ташқи юзада энг кичиги бўлади. Бурғилашда қувурни пачоқланишга қаршилик характеристикаси бир меъёрли куч таъсири остидаги ташқи босимни ҳосил қилиниши критик босим деб аташ қабул

қилинади. Ркр, яъни бу шундай ортиқча ташқи босимки, унда қувурни ички юзасида ҳосил қилинган кучланиш оқувчанлик чегарасида етиб боради. Критик босимни Г.М.Саркисов формуласи бўйича ҳисобланади:

$$P_{kp} = 1,1 k_m \left\{ \delta_t + E k_o^2 k_t \left(1 + \frac{3e}{2 k_t^3 k_m} - \frac{1}{\sqrt{\left[D_t + E k_o^2 k_t \left(1 + \frac{3e}{2 k_t^3 k_m} \right) \right]^2 - 4 E k_o^2 k_t \delta}} \right) \right\}$$

бу ерда δ_t – қувур материалининг оқувчанлик чегараси, Па;
 Е-материални эгилувчанлик модули, Па;
 е – қувурнинг оваллиги;

$$k_m = \delta_m / d_n; \quad k_o = \delta_o / d_n; \quad k_t = \delta_o / \delta_m;$$

d_n - ташқи диаметр, м;


δ_m - энг кичик девор қалинлиги, м;

δ_o - 0,875: δ ;

δ – турли қалинликка эга бўлган қувур деворини ҳисоблаш учун қалинлик, м;

δ - ГОСТ 632-80 бўйича қувурни номинал девор қалинлиги.

Агарда қувурни ички юзасида бир меъёрда босимни ошириб борилса, кучланиш мустахкамлик чегарасидан ошиши туфайли қувур ёрилиб кетиши мумкин. Қувурни мустахкамликка қаршилик ёрилиш характеристикасига P_b , шундай ортиқча босим қабул қилинадики, натижада кучланиш ички юзада оқувчанлик чегарасига тенг бўлади.



3-расм. Юқори герметикили ОТТГ ва ТБО резьбали бирималарни схемаси.

P_b катталикин Барлоу формуласи ёрдамида ҳисобланади.

$$P_b = \frac{0,875 * 2 \delta G_t}{d_n}$$

0,875 – бу рақамли коэффициент бўлиб, девор қалинлиги минусли рухсати (допуск) ни аниқлайди. Ҳимоя қувурларининг бурчакли резьбаларида энг хавфли кучланиш ўқ йўналишили кучлар таъсирида, биринчи резьбани чулғамини тўлиқ профили бўйлаб ҳосил бўлади. Бундай мустахкамлик характеристикаси учун, шундай ўқ йўналишили куч танланадики, натижада энг катта кучланиш таъсирида резьбани профил

томонидаги күчланиш белгиланган кесимда оқувчанлик чегарасигача етиб боради. Бу күчни резьба бирикмасидаги силтовчи күчланиш $P_{\text{стр}}$ деб аталади ва Яковлев-Шумилов формуласи бўйича ҳисобланади:

$$P_{\text{стр}} = \frac{\pi d_{\text{cp}} \delta_c G_t}{1 + k_{\text{ш}} d_{\phi} / 2 l_p \operatorname{ctg}(\alpha + \varphi_t)} ;$$

бу ерда d_{cp} – биринчи резьбанинг тўлиқ чўлғами эгилиши бўйича қувурни ўртача диаметри, м;

δ_c – шу чўлғам бўйлаб эгилиш бўйича қувур деворининг калинлиги, м;

$k_{\text{ш}}$ – енгиллашиби коэффициенти, $k_{\text{ш}} = \delta_c / (\delta_c - \delta)$;

l_p – тўлиқ профилли чўлғамли резьбани узунлиги, м;

α – резьба профили томонини қиялик бурчаги, градус;

φ_t – ишқаланиш бурчаги, $\varphi_t = 7 \div 11^\circ$.

Трапецеидал резъбали қувурларни чўзилиш мустахкамлиги учта катталиқ билан характерланади.

1 – Шундай ўқ йўналишли куч қувур кесими бўйлаб берилса, қувурни резъбали қисмидан бошқа жойда күчланиш оқувчанлик чегарасига етиб боради.

2 – Шундай ўқ йўналишли күчланиш таъсирида қувурни муфтаси сугириб олинади.

3 – Шундай ўқ йўналишли куч таъсирида биринчи резьба чўлғамини эгик кесимида узилиш рўй бериши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Қувурлар конструкцияси бўйича неча гурухга бўлинади?
2. Ҳимоя қувурлари қандай ГОСТ бўйича тайёрланади?
3. Ҳимоя қувурларини бириктиришни нечта кўриниши мавжуд?
4. Критик босим хақида қисқача маълумот беринг?
5. Қайси холларда Барлоу ва Яковлев – Шумилов формуласидан фойдаланилади?

7- Маъруза. Мавзу: Қудукларни ҳимоя қувурлари билан мустахкамлаш.

Режа:

- 7.1. Ҳимоя тизмаларини қудукка тушириш, цементлаш, қудукни бурғилаш, ўзлаштириш ва ишлатиш жараёнида ишлаш шароити.
- 7.2. Ҳимоя тизмаларини мустахкамликка ҳисоблаш.
- 7.3. Қудукка ҳимоя тизмасини тушириш.

7.1. Ҳимоя тизмаларини ишлаш шароити.

Қувурларни ишлаш шароити - қудукни вазифасига, уни эксплуатация қилиш даврига ва (тизмаларни) қувурларни турига боғлиқ.

Қудукқа қувурларни тушириши жараёнида ишлаш шароити. Ҳимоя тизмасини қудукқа тушириш жараёнида ўзини оғирлиги натижасида чўзилиш кучи; сиқувчи Архимед кучи (суюқликни сиқувчи кучи); тизма ичидаги суюқликни оғирлиги ҳисобига чўзилиш; қудук девори билан қувур девори орасидаги ишқаланиш кучлари; тизмани инерциясидан ҳосил бўлувчи ўқ йўналишли кучлари қудуқдан чиқадиган ёки ҳайдалаётган бурғилаш эритмаси таъсири натижасида ҳосил бўлувчи ўқ йўналишли гидродинамик куч; қувурни ички ва ташқи юзасига таъсир қилувчи радиал статик ҳамда гидродинамик босим; қудукдаги зенит ёки азимут бурчаги ўзгарадиган жойларда эгувчи момент таъсир кўрсатади.

Гидродинамик босимни ўқ йўналиш кучи қувур орти муҳитида ювиш натижасида доимо сиқувчи бўлади. Ишқаланиш ва инерция кучларини характери хар хил булиши мумкин. Масалан; ротордан тизмани кўтариш вақтида ёки тизмани қудуқда юргизиш (расхаживание) даврида қувурни ишқаланиш ва инерция кучлари ҳисобланса, тизмани остга томон харакатлантириб тушириш – сиқувчидир. Кузатишлар шуни кўрсатадики вертикал қудукқа қувурларни қайта юргизмасдан тушуриш жараёнида одатда ўқ йўналишли кучлар йиғиндиси ўз оғирлигидан юқори (ошмайди) бўлмайди. Қия қудукларда эса қувурларни оғирлиги суюқлик ичидаги оғирлигидан ҳам кичик. Агар, айрим холларда тизмани қайта юргизилса ёки бир неча метр юқорига кўтарилса, ўқ йўналишли кучлар йиғиндиси ўз оғирлигидан юқори бўлиши мумкин.

Қудук қанча кичик бўлса қия участка қанча узун бўлса, шу участкада ўтказувчанлик қанча катта бўлса, қудук девори билан қувур девори оралиғидаги оралиқ қанча кичик бўлса ўқ йўналишли кучларни йиғиндиси ўз оғирлигидан юқори бўлади.

Цементлаш жараёнида ишлаш шароити. Ҳимоя тизмасини харакатлантириб цементлаш даврида, қувурни туширишда таъсир этувчи кучлар таъсир этиб, бу кучларни айрим катталиклари ўзгаради. Одатда қувурлар харакатланиши даврида тезланиш, туширишга нисбатан кичик бўлади.

Лекин гидродинамик босимлар натижасида ўқ йўналишли кучлар сезиларли даражада ўсиши мумкин; зичлиги бурғилаш эритмасига нисбатан бўлган цемент эритмаси тизмада харакатланиши даврида оғирлик кучи юқори бўлади; тизма орти муҳитидаги тампонаж эритмаси сиқиб кўтариш кучи юқори бўлади; радиал босимлар юқори бўлади.

Тўхташ халқасига (стоп колъза) босувчи тиқин жойлашиш вақтида гидравлик зарба ҳосил бўлади. Масалан, ҳимоя тизмаларини харакатлантирмасдан цементлаш жараёнида қатор қудукларда ўқ йўналишли юқори кесимларда 15-25% гача. Цемент эритмасини хайдаш бошланиши вақтига нисбатан босим ошиб кетади.

Цементлаш жараёни тугагандан кейин цементлаш даврида таъсир этган инерцион кучлар ва гидродинамик босим кучлари таъсири тўхтайди. Цемент эритмасида ғоваклик босимни тезда камайиши натижасида Архимед кучи ва ташки радиал кучлар камаяди.

Қудук тубида харорат қанча юқори бўлса, қудуқни ювиш ва цементлаш жараёнида қудуқни остки участкасида харорат камаяди. Юқорида эса харорат ошади. Цемент эритмасини қотиши натижасида тизманинг юқори кесимида ўқ йўналишли кучлар, тизманинг оғирлигига якинлашади, айрим холатларда хатто тизманинг оғирлигидан ҳам ошиб кетади. Шу даврда ҳимоя тизмаларини ишдан чиқиши кузатилади.

Бурғилаши жараёнида ишилаши шароити. Халқа оралиғида цемент тоши ҳосил бўлганидан кейин, ҳимоя қувури белгиланган куч билан (тортиб) кўтариб кўрилади. Қудуқдаги ҳар қандай босим ёки хароратни ўзгариши ҳимоя тизмасини деформацияланишига олиб келади. Агар деформацияланиш содир бўлмаса, бурғилаш даврида хароратни ва босимни ўзгариши туфайли қатор кучлар таъсир этади; бурғилаш даврида тизмани ўз оғирлик кучи; боғлаш жараёнида (чўзилиш) тортиш кучи; харорат ва босимни ўзгариши жараёнида радиал ва ўқ йўналишли кучлар; қудуқни қия оралиқларида ёки қия қудуқларда эгилиш кучлари. Даврий равишда, масалан тушириб кўтариш операцияси вақтида ҳимоя тизмасига динамик кучлар таъсир қиласи. Бурғилашда ҳимоя тизмасини ички қисмида бургини, бурғилаш қулфлари ва бошқа предметларни ишқаланиши, тушириб-кўтариш операцияси ва бурғилаш тизмасини айланиш вақтида емирилиши рўй беради. Бундай ҳолат эксплуатацион ҳимоя қувурида кузатилмайди.

Қудуқни ўзлаштириш ва ишлатиш жараёнида ишилаши шароити. Қудуқни ўзлаштириш ва ишлатиш жараёнида эксплуатацион тизмага ҳам, оралиқ тизмасига ҳам, бурғилаш жараёнида таъсир этган кучлар мажмуаси таъсир этади. Аммо таъсир этувчи кучлар миқдори сезиларли даражада ўзгаради. Шундай қилиб қудуқни ўзлаштириш, яъни қатламдан оқимни олишда босим камаяди. Кўпинча бунинг учун тизма ичида суюқлик енгилроқ эритмага алмаштирилади. Қудуқни эксплуатация қилиш даврида эксплуатацион тизма ичида суюқлик бўлади ва уни зичлиги ўзлаштириш бошланиши вақтидагига нисбатан кичик бўлади.

Қудуқни дебити, геостатик харорат қанча юқори бўлса, эксплуатацион қудуқни харорати шунча юқори бўлади. Хайдовчи қудуқларда хароратни ўзгариш характери қудуққа хайдаладиган суюқликни хароратига боғлик; тизмани харорати ошиши ҳам (иссиқ суюқликни хайдаш жараёнида) камайиши мумкин (совуқ суюқликни хайдаш жараёнида). Хайдовчи ва фаввора қудуқларида (обвязка) биринчи олдидан эксплуатацион тизмани юқори участкаларида ички босим юқори бўлади. (Кўпинча газ қудуқларида).

Қудуқни эксплуатация қилиш даврида чизмаларни ички ва ташки юзаси коррозияга (емирилиш) учраши мумкин. Ҳимоя тизманинг ички юзаси қудуқларнинг ер ости ва капитал таъмирлаш жараёнида емирилиш рўй беради.

Ҳимоя қувурларининг мустахкамлиги қудуқларни эксплуатация қилиш даврида табиий метални чарчаши туфайли хам рўй беради. Ҳимоя тизмаси бўйлаб турли қучларни тарқалиши бир хил эмас. Остки қисмда унча катта бўлмаган участкада одатда ўқ йўналиши оғирлик ҳисобига сиқилиш мавжуд. Бу сиқилиш бошмоқда энг юқори кўрсаткичга эга. Демак, бошмоқда сиқилиш максимумга эга бўлса, қудуқ юзасида нолга тенг. Юқори қисмда ҳар доим чўзишиш кучланишлари катта кўрсаткичга эга бўлиб қудуқ туби томон чўзишиш кучи камайиб боради. Қудуқни бошмоғида чўзишиш кучи нолга тенг.

Радиал босим бошқача тарқалган. Айрим даврда тизма ичидағи босим ташқи босимдан кичик (масалан, тескари клапанли тизмани тўлдирмасдан тушириш жараёнида; бурғилаш жараёнида сатхни камайиб кетиши оқибатида; қудуқни ўзлаштириш даврида ва чуқурлик насослари ишлатилганда) бўлганида, чуқурлик ошган сайин ортиқча ташқи босим ошади. Цементлаш, фавворали эксплуатацияда ва бошқа ҳолатларда тизма ичида ортиқча босим мавжуд бўлиб, бу босим чуқурлик ошиши билан камаяди. Агарда тизма оғир эритма билан тўлдирилган бўлса, чуқурлик ошиши натижасида ички ортиқча босим ошади.

Ҳимоя қувурни остки участкасида қачонки, ташқи ортиқча босим максимал бўлганда, ҳимоя тизмасининг эзилиш қаршилигига чидамлилигини ҳисоблади. Юқориги участка эса биринчи навбатда энг катта ички ортиқча босим ва энг кўп ўқ йўналиши кучлар йифиндиси таъсир этганда мустахкамликни билган ҳолда узилиш қаршилигини ҳисоблаш зарур.

7.2. Ҳимоя тизмаларини ҳисоблаш.

Ҳимоя тизмаларини мустахкамликка ҳисоблаш принциплари.

Ҳимоя қувурларига таъсир этувчи баъзи кучларни уч гурухга бўлиш мумкин:

- ўқ йўналиши;
- ташқи ортиқча босим;
- ички ортиқча босим.

Бу кучлар тизмаларга турли вақтда турли куч билан таъсир қилиши мумкин. Шунинг билан ҳимоя тизмасини остки участкасига энг катта ташқи куч, юқори қисмига эса энг катта ички ортиқча босим таъсир этади. Шунинг учун хам бурғилашда бу кучлар таъсир характеристи бўйича мустахкамликни ҳисоблаш ҳар бир гурух учун алоҳида ҳисобланади. Бундай йўл билан ҳисобланган чизма бир нечта секциядан иборат бўлади, бир-биридан бу секциялар пўлат маркаси ва қувур деворини қалинлиги билан фарқ қиласди. Ҳисоблашларни амалга оширишда барча ўтиш кесимларида мустахкамликни захира коэффициенти асосий мустахкамликка яқин бўлиши, энг хавфли кучлар таъсир этадиган оралиқларида мустахкамликни захира коэффициенти мустахкамликка тенг бўлишига йўл қўйилади.

Кон геологик шароити ўрганилган районда эксплуатацион тизмани ҳисоблаш принципларини мисол тариқасида кўриб чиқамиз.

Химоя тизмаси конструкциясини лойихалаш, химоя тизмасини ички ваташқи ортиқча босимларни таъсирида эзилишга қаршилик күрсатишини ҳисоблашдан бошланади. Ҳисоблаш жараёнида қатlam суюқлиги халқа оралиғида қудукқа тушиш имконияти йўқ деб, қабул қилинади. Амалда эса бундай идеал ҳолат мавжуд эмас. Чунки цемент химоя қувурини ташқи қисми мустахкамлигини оширади. Юқоридагиларни инобатга олмаслик мустахкамлик захирасини оширишга имконият яратади. Тизмани мустахкамлик шарти, пачоқланишга қўйидаги кўринишда ёзилади:

$$P_h - P_b \leq \frac{P_{kp}}{k_{cm}} \quad (12.10)$$

бу ерда P_h – ташқи босим, Па;

P_b – ички босим, Па;

P_{kp} – химоя қувури учун критик босим, Па;

k_{cm} – эзилишни мустахкамлик захира коэффициенти.

Химоя қувурларини ҳисоблаш кўрсатмасига мувофиқ, эксплуатацион объект чегарасида жойлашган секциялар учун $k_{cm} = 1,0-1,3$ (тоғ жинсини мустахкамлигига боғлик ҳолда); қолган секциялар учун $k_{cm} = 1,0$.

Тизмани тахминан 3 та участкага бўламиз.

Остки – цементланадиган, аввалги химоя тизмалари тушириладиган оралиқ;

Ўрта - цементланадиган, аввалги химоя тизмасини ичida жойлашган;

Юқориги – цементланмайдиган оралиқ:

Ташқи босим остки участка атрофи учун қўйидаги қатlam босими қабул қилинади P_{pl} :

$$P_h = P_{pl} = k_a \rho_b g z \quad (12.11)$$

бу ерда $\rho_b = 1000 \text{ кг}/\text{м}^3$;

ρ_b – чучук сувни зичлиги;

g – эркин тушиш тезланиши, $\text{м}/\text{с}^2$:

k_a – z чуқурликда аномаллик коэффициенти.

Агар қудук кесими мустахкам жинслардан иборат бўлса, ўрта участкада ташқи босим қатlam босимидан юқори бўлмайди. Демак (12.11) формуладан фойдаланиш мумкин. Йўл қўйиладиган хатолик (погрешностей) мустахкамлик захирасига киради.

Юқори участкадаги ташқи босим учун, цементланмайдиган участкада халка оралигини суюқлик устини босимини қабул қилинади.

$$P_h = \rho_n g z \quad (12.12)$$

бу ерда ρ_n – юувучи суюқликни зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$

Агарда юқорида ётувчи жинсларда ундан хам юқорида ётувчи қатlamларни босими натижада сиқилиб чиқиши содир бўлса, шу сиқилиб чиқадиган қатlamни баландлигига + 50 м (сиқилиб чиқарилган жинсни ости ва устидан 25 м дан), ташқи босим учун геостатик босим қабул қилинади.

$$P_n = \rho_{ob} g z \quad (12.13)$$

бу ерда ρ_{ob} – юқорида жойлашган тоғ жинсларини хажмий массаси үртача оғирлиги;

ρ_{ob} – чуқурлик ошган сари үзгаради, лекин таркибий ҳисоблашлар учун $\rho_{ob} \approx 2300$ кг/м³ деб қабул қилинади.

Ташқи ортиқча босим вақт үтиши билан күпчилик оралиқларда үзгармайды. Энг катта ташқи ортиқча босим ички босимни тушиши жараёнида ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, маҳсулдор қатламдан суюқлик оқимини олиш мақсадида қудуқни ўзлаштириш жараёнида ёки эксплуатация тугаш боскичларида. Нефтьли қудуқларда энг кичик ички босим қўйидаги формула билан ҳисобданади.

$$P_b = \rho_{jk} g (z - z_{ch}) \quad (12.14)$$

Газли қудуқлар учун газли суюқлик билан тўлдирилган участкаларда эксплуатация сўнгига энг кичик ички босим, яъни

$$z_{ch} \leq z \leq z_c \quad \text{бўлган жараёнда}$$

$$P_b = (P_{pl})_{min} - \rho_{jk} g (z_{pl} - z) \quad (12.15)$$

Унда юқорида жойлашган участкада ($0 \leq z \leq z_{ch}$)

$$P_b = [(P_{pl})_{min} - \rho_{jk} g (z_{pl} - z_{ch})] e^{-s} \quad (12.16)$$

бу ерда ρ_{jk} – тизма ичидаги суюқликни зичлиги, кг/м³;

z_{ch} – суюқлик сатхини тушиш чуқурлиги, м;

$(P_{pl})_{min}$ – z_{pl} чуқурликда газли горизонтни эксплуатация сўнгига кутиладиган энг кичик қатлам босими, Па;

Z_c – қудук чуқурлиги, м;

$$S = \frac{0,034 \rho_{or} (z_{ch} - z)}{\beta_c T_c}$$

бу ерда β_c – газни сиқилиш коэффициенти;

ρ_{or} – газни ҳавога нисбатан нисбий зичлиги;

T_c – қудуқдаги газни үртача харорати, К;

Нефтьли қудуқларда ҳимоя қувурларини эзилишга P_{cm} мустахкамлигини ҳисоблаш учун (12.11) – (12.14) формулани (12.10) шартга қўямиз: Остки ва ўрта участкаларда

$$P_{cm} \geq k_{cm} g [(k_a \rho_b - \rho_{jk}) z + \rho_{jk} z_{ch}] \quad (12.17)$$

Юқори участка учун

$$P_{cm} \geq k_{cm} g [(\rho_p - \rho_{jk}) z + \rho_{jk} z_{ch}] \quad (12.18)$$

Сиқилиб чиқишга мойил бўлган тоғ жинси оралиқларида

$$P_{cm} \geq k_{cm} g [(\rho_{ob} - \rho_{jk}) z + \rho_{jk} z_{ch}] \quad (12.19)$$

(12.17) – (12.19) формулалар бўйича ҳисобларни амалга ошириб, қудуқни чуқурлиги бўйича қувурларни эзилишга чидамлилигини зарур бўлган қийматлари бўйича эпюра тузилади. Эпюра бўйича тизмани остки қисмига яқин P_{cm} ни энг катта қиймати топилади, сўнгра белгиланган

адабиётдан қувурни мустахкамлик гурухи, девор қалинлиги, берилган қувур диаметри бўйича аниқланади. Унда критик босим $P_{kp} \geq P_{cm}$ бўлади. Бундай қувурлардан тизмани остки биринчи секцияси ташкил топади. Яна шу адабиётдан, шу мустахкамлик гурухли лекин девор қалинлиги кичикроқ бўлган қувурни критик босими $P_{kp} < P_{cm}$ топилади; остки иккинчи секция шу узунликдан ташкил топади. Иккинчи секцияни остки кесими $P_{kp} = P_{cm}$ бўлган чуқурлиқда жойлашади; бу чуқурликни (12.17) – (12.18) тенгламага нисбатан ечиб топилади; Остки ва ўрта участкалар

$$z \leq \frac{P_{kp} - k_{cm} \rho_j g z_{ch}}{k_{cm} g (k_a \rho_b \rho_j)} \quad (12.20)$$

юқориги участка

$$z \leq \frac{P_{kp} - k_{cm} \rho_j g z_{ch}}{k_{cm} g (\rho_n \rho_j)} \quad (12.21)$$

ва қиймати юқоридаги формуулалардан мос келувчи бирига қўйилади. Худди шу каби тизмани қолган қисмлари ҳисобланади. Агар навбатдаги юқориги участкада ташқи ортиқча босим жуда юқори булса, навбатдаги секция учун қувурлар биринчи секцияга танланганидек амалга оширилади. Зарурият бўлса, мустахкамлик гурухи бошқа қувурлар танланади.

Секцияни узунлиги қудуққа туширилган z_i секциядан кейинги z_{i+1} секция узунлиги айриб ташланади.

$$h_i = z_i - z_{i+1} \quad (12.22)$$

Ҳисоблашлардан олинган вариант мустахкамликка ички ортиқча босим остида узилишга (разрыв) текшириб кўрилади.

Узилишга мустахкамлик шарти

$$\frac{P_B}{k_b} \leq \frac{P_b - P_n}{k_b}; \quad (12.23)$$

бу ерда P_B – узилишга қарши қувурнинг мустахкамлиги, Па;

k_b -мустахкамликни захира коэффициенти;

$k_b=1,15$ - Ø219 мм қувурлар учун ва ундан кичик диаметрлар учун;

$k_b=1,52$ катта диаметрли қувурлар учун.

Ҳимоя тизмасида энг юқори ички босим қудуқни герметиклигини текшириш мақсадида (опрессовка) синаш вақтида ҳосил бўлади.

$$P_b = P_{on} + \rho_{on} g z \quad (12.24)$$

бу ерда P_{on} – синаш (опрессивка) жараёнида тизмани юза кесимидағи босим, Па;

ρ_{on} – шу операцияни бажариш вақтида тизма ичидаги суюқликни зичлиги, кг/м³

$$P_{on} = 1.1 P_y; \quad (12.25)$$

P_y – қудуқ юзасида энг юқори бўлиши мумкин бўлган босим, Па;

Газли қудуқлар учун

$$P_y = P_{пл} e^{-s}$$

Нефтьли қудуқлар учун

$$P_y = \begin{cases} P_{пл} - \rho_{\phi} g z_{пл} \\ P_{нас} \end{cases}$$

бу ерда $P_{пл} - z_{пл}$ чүкүрликдаги газ ёки нефть ҳосил қилувчи катлам босими;

ρ_{ϕ} - ёпик қудуқдаги газлашган нефтьни зичлиги, кг/м³.

$P_{нас}$ – нефтьни түйиниши босими, Па;

Химоя тизмаларини герметиклигини тампонаж эритмаси тошга айланиши биланоқ текширилади. Бу моментда цементланмаган халқа оралиғида босим тахминан юувучи суюқлик устуни босимига тенг. Вақт ўтиши билан аста секинлик билан босим камая боради. Шунинг учун ҳам юқориги участкани хавфсизлигини ошириш мақсадида узилишга ҳисоблаш жараёнида ташқи босим учун юувучи суюқликни дисперс мухит устуни босими қабул қилинади.

$$P_n = \rho_{dc} g z \quad (12.26)$$

бу ерда ρ_{dc} – дисперс мухитни зичлиги, кг/м³

Тенгликтарни (12.11), (12.12), (12.13), (12.24), ва (12.26) ни (12.23) га қўйиб, ҳисоблаш учун зарур бўлган қувурни узилишга мустахкамлиги остики ва ўрта участкаларда

$$P_{БН} \geq k_b [P_{on} - (k_a \rho_b - \rho_{on}) g z]; \quad (12.27)$$

юқориги участкада

$$P_{БН} \geq k_b [P_{on} - (\rho_{dc} - \rho_{on}) g z]; \quad (12.28)$$

(12.27) ва (12.28) формулалар бўйича ҳисоблашларни бажариб, турли чукурликлар учун эпюра тузилиб мустахкамликни узилиш қийматлари қўйилади. Эпюрадан $P_{БН}$ зарур мустахкамлигини энг катта қиймати хар бир секция учун топилади. Ҳисоблашлардан кейин олинган эзилишга қаршилиги қувурни мустахкамлиги P_B қиймати билан таққосланади. Агар зарур булган $P_{БН}$ мустахкамлигидан кўриладиган секцияда катта бўлса, тизмани шу участкасини қисқартириш (соддалаштириш) лозим. Z га нисбатан (12.27) ва (12.28) тенгламаларни ечамиш:

Остки ва ўрта участкаларда

$$z \geq \frac{k_b P_{on} - P_B}{k_b g (k_a \rho_b - \rho_{on})}; \quad (12.29)$$

Юқори участкада

$$z \geq \frac{k_b P_{on} - P_B}{k_b g (\rho_{dc} - \rho_{on})}; \quad (12.30)$$

Бу янги формулалар $P_{BH} = P_B$ шарт бажариладиган z_c чукурликни топишига ёрдам беради. Агар ички ортиқча босим чукурлик ошган сайин камайса, унда z_i чукурлика юқори кесими P_{Bi} мустахкамликка эга бўлган секция жойлаштирилади. Ундан юқорида жойлашган қисмида ундан ҳам мустахкам бўлган қувурлар жойлаштирилади. Бунинг учун адабиётдан шу мустахкамликка эга булган қувур, лекин деворини қалинлиги катта бўлган (ёки шу девор қалинликдаги, аммо мустахкамлик гурухи катта бўлган) топилади, мос келувчи формулалардан (12.29), (12.30) бири ёрдамида уларни тушириш рухсат этадиган туширилиш чукурлиги қидириб топилади. Янги секцияни баландлигини (узунлигини) дастлабки туширилган чукурликдан шу секцияни айриш усули билан ҳисобланади. Агарда чукурлик ошган сайин ички ортиқча босим ошса, (12.29), (12.30) формулалар бўйича, назарда тутиладиган қувурлар секциясини остки кесими чукурлиги топилади. Навбатдаги оstda жойлашган секция узилишга мустахкамлиги катта бўлган қувурлардан ташкил этилади.

Тизма конструкциясини мустахкамлигини чўзишишга ҳам текширилади. Чўзишиш текшириш одатда қуйидагича амалга оширилади. Энг катта ўқ йўналиши кучлар йифиндиси P_{oc} тахминан тизма участкасини оғирлигига teng (назарда тутиладиган кесимни остки қисмида жойлашган кесим) ҳаводаги оғирлиги ва мустахкамлик шарти қуйидагича ёзилади:

$$P_{oc} = \sum m_i g l_i \leq P_{don} \quad (12.31)$$

Бу ерда m_i – i –ли секцияни 1метр – қувур оғирлиги, кг;

l_i – секцияни узунлиги, м;

P_{don} – назарда тутилаётган кесимдаги қувур учун рухсат этилган ўқ йўналиш кучланиш, Н;

Учбурчак профилли қувурлар учун:

$$P_{don} = \frac{P_{ctr} (1 - k_{iz} i_n)}{k_{ctr}} \quad (12.32)$$

тропецидал резьбали қувурлар учун:

$$P_{don} = P_{don.b} - 22,7 * 10^4 d_h m_I I_u \quad (12.33)$$

P_{ctr} – резьбали боғланишларни силтаниш оғирлиги

I_u – қудукни жадал қиялашувчи градус /м

K_{iz} – резьбали биримада мустахкамликни камайиши коэффициенти, м/градус

$I_u=0,1$ градус

$$K_{iz} = C_d / \delta_t \quad (12.34)$$

$P_{don.b}$ – вертикал қудукларда, қувурларга рухсат этиладиган кучланиш (юкланиш), Н.

C_d – вертикал қудуклар учун мустахкамликни захира коэффициенти.

δ_t – қувур материалини оқувчанлик чегараси, Па.

Тизманинг ташқи диаметри, мм Градус	114 2,28	127 2,6	140 5	146 3,03	168 3,41	178 3,60	194 3,98	219 4,93	
Тизманинг ташқи диаметри, мм 245 градус 5.69	273 6,45	299 7,2	324 0	340 8,53	351 8,72	377 9,67	406 10,4	426 3	508 14,03

(12.32) формула бўйича ҳисоблашлар жараёнида $k_{\text{стр}} / (1 - k_{\text{из}} I_u)$ катталиқ диаметри 168 мм ли ва ундан кичик тизмалар учун қия қудуқларда 1,3 дан кичик эмас, катта диаметрли тизмалар учун – 1,45 дан кичик эмас.

Девор қалинлиги ва мустахкамлик гурухи хар хил бўлган қувурлардан фойдаланиб, ҳимоя тизмаси конструкциясини бир нечта вариантини ҳисоблаб топиш мумкин.

Энг оқилона вариант бўлиб, тизмани таннархи, транспорт харажатларини ҳисобга олган холда минимал сарф харажатли тизма хизмат қиласди.

7.3. Қудуққа ҳимоя тизмасини тушириш.

Ҳимоя тизмасини тушириш – муҳим иш жараёнларидан биридир. Ҳимоя тизмасини қудуққа туширишгача барча текшириш ва ўлчов ишлари, бурғилаш ускуналарини ва асбобларини ҳолати дикқат билан текширилиши, минора ва осма тизим туширилишга мўлжалланган тизмани оғирлигига мос келувчи юкни қўтара олиши, қудуқ стволида тайёрлов ишлари тугаган бўлиш лозим.

Тизмани туширишдан бир неча кун олдин бурғилаш майдончасига ҳимоя қувурлари, технологик жихозлаш элементлари ва қўшимча зарур асбоблар базада текширувдан, синашдан ўтказиб олиб келинади.

Бурғилаш майдонида ҳимоя қувурлари яна бир марта кўздан текширилади, қувурларни диаметри бўйича оваллиги маҳсус шаблонлар билан аниқланади; транспортировка жараёнида ишдан чиққан, оваллиги белгилангандан катта бўлган қувурлар ишга яроқсиз бўлади. Яроқли қувурлар мустахкамлик гурухи, девор қалинлиги ва резьбали бирикмалар тури бўйича стеллажга нипелли томони қудуқ томонга қаратиб, тартиб рақами бўйича тахлаб қўйилади. Тахлаш вақтида хар бир қувурни узунлиги ўлчаб, рақамланади (номерланади); қувурни рақами ва унинг узунлиги маҳсус блокнотга ёзиб қўйилади.

Каверно ва профилограмм маълумотлари бўйича қудуқ деворларини торайган участкалари аниқланади, инклинограмма бўйича – ўта қийшиқ участкалар аниқланади. Бу участкалар янги бурғи билан соатига 35-40 метр тезликда қайта ишланади ва қудуқни нормал диаметргача кенгайтирилади. Қудуқ деворларини ишлашда, бурғилаш жараёнида охирги оралиқни бурғилашда ишлатилган жамламали бурғилаш тизмасидан фойдаланиш

мақсадга мувофиқдир. Агар девори қайта ишланадиган қудукда, бурғилаш шароити мураккаб бўлса, қудук стволи қайта ишлангандан кейин калибронка қилинади: остки қисми ҳимоя қувурини диаметрига яқин, мустахкамлиги бир хил бўлган бурғилаш тизмаси туширилса қудук тубигача муваффақиятли бориши кузатилади. Агар тушириладиган бурғилаш сафи сиқилиб ёки тирагиб қолиши рўй берса, тизма қўтарилиб олинади ва қудук қайта аввалги ишлаш тезлигидан кичик тезликда ишланади. Қудукда калибрлаш ишлари тугатилиб, қудук бир-икки цикл юувучи суюқлик билан ювилади. Қудукни ювиш жараёнида қўлланиладиган юувучи суюқлик минимал сув бера олувчанликка, статик ва динамик силжиш кучланиш кўрсаткичлари ва пластик қовушқоқлик кичик бўлиши, шунингдек яхши мойлаш характеристига эга бўлиши зарур.

Қудукни қайта ишлаб ёки калибрлаб бўлган бурғилаш тизмасини қўтариш жараёнида уни узунлигини ўлчаб, қудукни чуқурлиги аниқланади. Қудукни хақиқий чуқурлиги, жами ўлчангандан бурғилаш тизмасини узунлигидан, тизмани чўзилиши ҳисобига катта бўлади.

Қудукка ҳимоя тизмасини тушириш, қудукни ювиш ва бурғилаш тизмасини қўтариб олиш ишлари тугаши билан бошланади.

Узунлиги 3000-3500 метргача бўлган ҳимоя тизимлари механизациялашган (клин) поналар ва элеваторлар ёрдамида туширилади; ундан юқори бўлган узунликдаги тизмаларни туширишда одатда (клин) поналар ишлатилмайди, чунки поналарда мавжуд тишлар оғирлик ошиши билан ҳимоя қувурларини ишдан чиқариш эҳтимоли ошади; поналар ўрнига иккинчи элеватор ишлатилади.

Ҳимоя тизмаларини қудукка туширишда, биринчи тушириладиган қувурнинг бош кисмiga қудук деворларининг бўртиб чиқсан оралиғидан хавфсиз ўтиши учун маҳсус бошмоқ кийдирилади. Унинг тузилиши қуйидагича: бошмоқ юувучи суюқлик чиқувчи каналлар ва йўналтирувчи тиқиндан иборат. Йўналтирувчи тиқин осон бурғиланадиган материаллардан ишланган бўлади. Тиқинни ташқи қисми силлиқ шаклда, марказий қисмida ўтиш канали мавжуд.

Бошмоқ – узунлиги 2 метрга яқин бўлган қалин деворли қувур деворига қотирилиб, унда бир нечта суюқлик чиқувчи тешиклар тешилади. Тешиклар сони ва уларнинг диаметри шундай бўлиши лозимки қудукни ювиш ва цементлаш жараёнида тешикдан чиқадиган суюқликни оқими 20 м/с дан ошмаслиги, суюқлик оқими тизма бўйлаб тенг тақсимланиши лозим.

Бошмоқдан бир-иккита қувур узунлигига тизмада тескари клапан ўрнатилади. Бу клапанни вазифаси – цементлаш охирида халқа оралиғидаги цемент эритмасини кириб келишини олдини олишдир. Энг мукаммал ва замонавий клапан, дифференциал тескари клапан ЦКОД дир. Ҳимоя тизмасига бундай клапанлар беркитувчи шарсиз тушурилади. Қудукка ҳимоя қувурини туширишда ҳимоя тизмасини юувучи суюқликни асосий қисмини халқа оралиғига сиқиб чиқарса, маълум бир қисми дроссел орқали ҳимоя қувурини ичига киради. Натижада тизмани ўз-ўзидан тўлиши туфайли, халқа оралиғида гидравлик йўқотиш кам бўлади. Агар клапан ёпиқ ҳолатда бўлса,

унда барча сиқиб чиқариладиган юувучи суюқлик тизма орти бушлиғи томонга харакатланади.

Қудуққа тизма туширилиб бўлингач, ҳимоя тизма ичига пласмасса шар ташланади ва юувучи суюқлик оқими билан резина диафрагма орқали босиб ўтказилиб чегараловчи уриндикга келиб жойлашади. Шу моментдан бошлаб ЦКОД қурилмаси тескари клапан қаби ишлайди: тизма ичидан циркуляция қилиниши жараёнида тизма ичидаги суюқлик қудуққа чегароловчини тешиклари орқали ўтиб беркитиб турувчи резиноматериалли мемранадан чиқиб кетади.

Қудуқдаги суюқликни тизма ичи томон тескари харакатланиб киришига шар, суюқлик ёрдамида енгил кўтарилиб, резина диафрагмадаги ўтиш тешигини тўлиқ беркитади ва юувучи суюқликни ўтишига йўл қўймайди.

ЦКОД клапани ажратувчи цементлаш тиқинини тўхтатиш халқаси вазифасини бажаради.

Қудуққа туширилган ҳимоя тизмалари қудуққа нисбатан марказлашган бўлиши, уни атрофида тўлиқ бир текисли цемент қобиғи ҳосил бўлишига кўмаклашади. Натижада ўтказувчан қатламларни бир-биридан сифатли ажралишига олиб келади. Бунинг учун ҳимоя тизмалари пружинали ёки қаттиқ марказлаштирувчилар билан жиҳозланади. Пружинали марказлаштирувчи иккита шарнирли обоймадан, олтита пружинали планкадан ва иккита маҳкамловчи қозиқчадан иборат. Марказлаштирувчини қувурга ўрнатиш ҳолати, чегараловчи халқа ва иккита тутиб турувчи пона ёрдамида амалга оширилади. Бундай марказлаштирувчининг энг катта диаметри қудуқни диаметридан тахминан 20% катта бўлиши зарур. Пружинани қаттиқлиги шундай бўлиши керакки, ҳимоя тизмаларини ўқи қудук ўқидан, ҳар қандай ён томонлардан таъсир этадиган кучлар натижасида ўзгармаслиги керак. Демак тизма қудук ўқи бўйлаб жойлашиб қолиши лозим.

Қаттиқ марказлаштирувчи икки томони резьбали қисқа қувурдан иборат булиб, ташқи юза қисмига бир нечта планка ўқ бўйлаб ёки бурчак остида пайвандланган бўлади. Қаттиқ марказлаштирувчини диаметри доимо қудук диаметридан 10% кичик бўлади.

Марказлаштирувчиларни тизма бўйлаб бир-биридан 20-25 метр масофада жойлаштириш мақсадга мувофиқдир, агар қудуқни зенит бурчаги 3^0 дан ошмаса; зенит бурчаги катта бўлган оралиқларда марказлаштирувчиларни масофаси шундай ҳисобланадики, энг катта эгилиш оралиқларда қудук диаметридан 4-5 % юқори бўлмайдиган оралиқларда жойлаштирилади.

Марказлаштирувчиларни имкони борича хар бир маҳсулдор қатлам ёки сувли қатламни ички ва остки қопламасидан юқори ва пастига, ташқи пакерлари, цементлаш муфталарини жойлашган оралиқларида, зенит ва азимут бурчаклар катта бўлган оралиқларда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Кудукни диаметри катталашган оралиқлардан юувучи суюқликни тампонаж эритмаси билан түлиқ сиқиб чиқариш учун қудук диаметри катталашган чегара якинида тизмага **турбилизаторларни** жойлаштириш яхши самара беради. Турбилизатор суюқлик оқимини ўзгартириб гирдоб ҳосил қилиши натижасида катта диаметрли халқа оралиғида суюқликни харакатланиши рўй беради. Турбилизатор қисқа қувур бўлиб, ташқи юзасига учта паррак пайвандланган; улар-бир-биридан 120^0 да 35^0 бурчак остида жойлашган. Ҳимоя қувурига турбилизаторлар тутиб турувчи поналар ёрдамида бириктирилади. Турбилизаторлар орасидаги масофа 3 метрдан ошмаслиги лозим. Турбилизатор ва марказлаштирувчиларни жойлашиш ўрнини кавернометрия маълумотлари бўйича аниқланади.

Ҳимоя тизмаларини тез тушириш жараёнида гидродинамик босим юқори бўлиб кетиши рўй беради. Бу кўпинча тескари клапан мавжуд бўлган вақтда кузатилади. Босимни қудук деворларида ошиб кетиши юувучи суюқликни ютилишига, тескари клапанни ишдан чиқишига ёки тизмани эзилиш – пачоқланишига олиб келади. Шунинг учун тизмани тушириш тезлиги чегараланади.

Хатто энг яхши шароитларда ҳам эксплуатацион тизма учун ҳар бир тушириладиган қувурни ўртacha тезлиги 1 м/с дан юқори бўлмаслиги, оралиқ тизмалар учун – 0,8 м/с дан, кондуктор учун 0,5 м/с дан юқори бўлмаслиги таклиф қилинади.

Тескари калапанли ҳимоя тизмасини туширишда клапан тизма ичини суюқлик билан тўлдириш ҳусусиятига эга бўлса, тизма ичини юувучи суюқлик билан тўлишини кузатиб туриш лозим, бунда қудуқдан чиқадиган суюқлик хажми ва илмакдаги оғирлик назорат қилиб турилади. Агарда клапан ёпиқ бўлса ва ўз-ўзини тўлдириш кузатилмаса, тизмага ҳар 200-400 метр қувур туширилиши билан (диаметрига боғлиқ ҳолда) даврий равишда суюқлик тўлдириб турилади. Тизмани тўлдириш вақтида сиқилиб қолишни олдини олиш учун тизма харакатлантирилиб турилади. Ундан ташқари ҳар 500-800 метр қувур тушурилиб бўлингандан кейин оралиқ ювишни амалга ошириш билан қудукда йиғилиб қолган шлам ва газли юувучи суюқлик ўрнига янги юувучи суюқлик хайдалади.

Бурғилаш муддати узоқ бўлган қудуқларда ва оралиқ тизмасини қудук юзасидаги қисмини кучли равишда емирилиш эҳтимоли бўлса, юзадаги сўнгги қувурларни 3-4 тасини қалин деворли қувурлардан ташкил этиш керак.

Ҳимоя тизмаси туширилиб бўлиши билан, тизмалар илгакка осилган ҳолда бўлиши, қудук эса яхшилаб ювилиши лозим; тизма бу жараёнларда қудук тубига тегиб турмаслиги керак.

Тизмаларни қисмларга бўлиб туширишни ҳусусиятлари: Кўплаб ҳимоя тизмаларини бир марта қудуқка туширилади. Айрим ҳолларда ўта оғир ёки ўта узун тизмаларни икки ёки уч қисмга бўлиб, икки –уч марта қудуқка туширилади. Қуйидаги ҳолларда шундай қилинади: агарда ҳимоя тизмасини оғирлиги бурғилаш ускунасини юк кўтариш қобилиятидан катта бўлса; агарда ҳимоя тизмасини мустахкамлиги тизмалар тўлиқ ҳолатида

чўзилиш мустахкамлиги дош бера олмаслиги рўй берса, агарда қудуқни узок муддат ювилмаган вақтида нефтьгаз ҳосил булиш эҳтимоли кутилса.

Агар тизмани мушкулотлар рўй бериши эҳтимоли нуқтаи-назаридан қисмларга бўлиб туширилиши лозим бўлса, унда остки қисмини узунлиги шундай танланадики, тизмани юқориги қисми мушкулотлар рўй бериши мумкин бўлган оралиқни қопламасидан 200 метр юқорида бўлиши керак. Бошқа ҳолатларда ҳар бир қисмни узунлигини аниқлаш тизмани мустахкамлигини ва бурғилаш ускунасини юк кўтарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Иложи борича ҳар доим туширилган қисмли тизмаларни сўнгти қисми дастлабки туширилган ҳимоя тизмаси бошмоғидан юқорида бўлиши, иккинчи қисм ҳимоя тизмалари билан бириктириш осон кечади. Бунга имконият бўлмаса, туширилган тизмани юқори қисми қудуқ диаметри номинал ва яхши марказлашувчи оралиқда бўлиши шарт.

Остки (ўрта) қисм бурғилаш қувурлари ёрдамида туширилади. Шунинг учун хам ҳимоя тизмаси сафига қўшимча жиҳозлаш элементлари киритилади: бурғилаш қувурлари билан остки (ўрта) қисмни бириктириш учун – ажратувчи (разъединитель) иккита қисмни бир-бири билан бириктириш учун – туташтирувчи қисм (стыковочный узел), айрим ҳолларда қудуқда остки (ўрта) қисмни муаллақ ушлаб туриш учун мосламалар ишлатилади.

Ҳимоя тизмасини остки (ўрта) қисми қудуқка туширилади ва цементланади. Тампонаж эритмаси қудуқка хайдалганидан кейин бурғилаш қувурини ичига юқориги қисм секцияли ажратувчи тиқини ташланади ва уни устидан босувчи суюқлик хайдалади. Қачонки юқориги қисм втулка 8 ўриндиғига келиб жойлашиши билан қувурлар ичидаги босим оша бошлайди, штифт 7 кесилади ва секцияли тиқин ҳимоя тизмаси бўйлаб пастга томон ЦКОД клапанига бориб жойлашгунича харакатланади (ёки ЦКОД клапани бўлмаса, тизмани остки қисмидаги жойлашган маҳсус тўхташ халқасига бориб жойлашади). Босувчи суюқлик тугашидан олдин бурғилаш қувури ичига дюралюминийли ёки пластмасса шар ташланади. Шар бориб втулка 3 ни ўриндиғига жойлашганидан кейин бурғилаш қувурлари ичидаги босим оша бошлайди, натижада штифт 2 кесилади, втулка боғловчини торецига таянади, юувучи суюқлик эса тешик 4 орқали халқа оралиғига чиқади. Қудуқни шу тешиклар орқали остки қисмда цемент тоши ҳосил бўлишига қадар ювилади. Остки қисмни, цемент тоши кўтариб туриш қобилиятига эга бўлганидан кейин бурғилаш қувурлари ўнгга томон айлантирилиб, чап резьбали боғловчидан ажратиб олинади. Юқорида келтирилган ва кўплаб бошқа ажратувчиларни камчилиги шундан иборатки, цементлаш ва қудуқни ювиш жараённида бурғилаш тизмасини айлантириш мумкин эмас.

Назорат саволлари.

1. Қудуқка ҳимоя тизмаларини туширишда қандай кучлар таъсир қиласи?
2. Ҳимоя қувурларига таъсир этувчи кучлар неча гурухга бўлинади ва уларни қисқача тушинтиринг.
3. Ички ва ташқи ортиқча босимлар эпюрасини нега тузилади?
4. Қудуқка ҳимоя тизмасини туширишдан мақсад нима?

8-Маъруза. Мавзу: Тампонаж материаллари.

Режа:

- 8.1. Тампонаж материалларининг вазифалари;
- 8.2. Тампонаж материалларини турлари;
- 8.3. Тампонаж материалларининг тайёрланиши;

8.1. Тампонаж деб - қайсики материалларни сув билан араласиши жараёнида суспензия (одатда уларни эритмалар деб аталади) ҳосил қилиб, кудук шароитида вақт ўтиши билан умуман ўтказмас мустахкам жинс ҳосил қилишга айтилади.

Тампонаж материаллари қудуқни қувур орти бўшлигини тўлдириш ва барча ўтказувчан жинсларни бир-биридан изоляция қилиш учун; қувур орти бўйлаб бир қатламдан бошқа бир қатламга суюқлик (газ) оқимини ўтишини олдини олиш ёки бартараф этиш учун; юувучи суюқлик ютилиши мумкин бўлган каверноларни, ёриқ ва бошқа каналларни тўлдириш учун; ҳимоя тизмасини ташқи қисмини қатлам сувлари (газлари) коррозиясидан ҳимоялаш учун ҳимоя тизмасига катта мустахкамлик бера олиш учун; доимий ёки (вақтинчалик туташувчи цемент кўприги) кудук стволида турли мақсадларда барпо этиш учун.

Бизга маълумки қудуқларни бурғилашдан асосий мақсад маҳсулдор қатлам билан қудук устки қисмини узоқ муддатли герметик канал орқали бирлаштиришdir. Қудуқларни мустахкамлаш даврида юувучи суюқлик ва тампонаж қоришмалари асосий роль ўйнайди. Бурғилаш ва мустахкамлаш ишларини мушкулотларсиз ва халокатларсиз олиб бориш учун юувучи суюқлик ва тампонаж эритмаларининг физик-кимёвий асосини билишимиз керак.

Цементлаш жараёнини сифатли бажариш учун, тампонаж материаллари таркибини шу шароитга мос келадиган ҳолда танлаш керак.

Тампонаж материаллари ҳоссасини танлаш ва бошқариб бориш, асосан ер ости қурилмаси шароитига қараб аниқланади. Масаланн шундай қудуқлар борки, уларни қўриш ва ишлатиш даврида тампонаж эритмаси ва тошига сальбий таъсир қиласи.

Тампонаж қоришмаларини танлашда асосий ҳисобга олинадиган факторлар бўлиб, тампонаж эритмасидан юқори ва остки чегараларида ҳарорат ўзгариши ҳисобланади. Цементланаётган оралиқ ҳароратига қараб тампонаж материалининг тури танланади. (портландцемент ёки шлакли цемент ва бошқалар), ҳарорат ўзгаришига қараб эса тампонаж қоришмасининг рецептураси танланади. Қайсики тампонаж қоришмаси рецептураси (максимал статик ҳароратга мўлжалланган) шунга олиб келадики тампонаж қоришмаси бир хил вақтда қотмайди. (юқори қисмлари секин қотиши мумкин).

Ўтказувчан катламларни ажратиш учун ишлатиладиган тампонаж материаллари қуйидаги қатор талабларга жавоб бериш лозим:

1. Бундай материални суспензияси вақт оралиғида енгил хайдалиши, яғни қудукни белгиланған оралиғига транспортировка қилиниши, тинч ҳолатда эса седиментациян мустахкам бўлиши керак.
2. Қудукқа сузпензияли транспортировка қилиш тугаши биланоқ, қисқа муддат ичида ҳатто атроф-мухитни ҳарорати 0 градусдан паст бўлса хам умуман ўтказмас қаттиқ жисмга айланиб қолиши керак .
3. Суспензия хажми унча катталашмасдан ёки муайян қудук шароитида хажмини йўқотмасдан қаттиқ жисмга айланиб қолиши керак.
4. Суспензиядан ҳосил бўлган қаттиқ жисм юқори эластиклик, узоқ муддатли, қатлам сувлари (газлар) билан алоқада бўлган жараёнда коррозияга қарши чидамли бўлиши керак.
5. Бу қаттиқ жисм қудукни ишлаш даврида рўй бериши мумкин бўлган ҳароратни барча ўзгариши жараёнида коррозияга қарши мустахкамлигини ва ўтказмаслик хусусиятини, ўзини механик ҳоссаларини сақлаб қолиши керак.
6. Ҳимоя тизмаси ортида ва тизма оралиғида, қудук деворларида ҳосил қилинганд жипслashiши ва мустахкамлиги қудукни ишлаш даврида ҳосил бўлган кучларга етарлича қарши тура олиши керак.
7. Тампонаж материаллари танқис бўлмаслиги ва қиммат бўлмаслиги лозим, чунки уларни ишлатиш эҳтиёжи жуда юқори .
8. Агар тампонаж материали қудукда кўприк кўйиш учун ишлатилса, уни суспензиясидан ҳосил булувчи тош юқори мустахкамликка ва қаттиқликка эга бўлиши лозим.

8.2. Тампонаж материалларини турлари ва тошининг асосий ҳоссалари.

Тампонаж материаллари ГОСТ 25597 – 83 бўйича, қуйидаги кўринишдаги гурухларга ажратилади: клинкер таркиби бўйича ишлатилиш ҳарорати, улардан тайёрланадиган эритмани ўртacha зичлиги, тампонаж тошини агрессив муҳитга чидамлилиги, қотища хажмий деформацияларга бардошлилиги ва ҳоказолар.

Бу материаллар клинкер таркибига боғлик ҳолда учта гурухга бўлинади:

- асосида портландцемент клинкери бўлган цементлар;
- асосида гилтупроқ клинкери бўлган цементлар;
- клинкерсиз цементлар (clinker деб – маҳсус танлаб олинган айрим табиий материалларни юқори ҳароратда пиширишда ҳосил бўлган сунъий тошга айтилади).

Ҳароратга боғлик ҳолда цементни ишлатилиши қуйидагича фарқланади:

- паст ҳароратли (15^0 дан - паст) ;
- нормал ҳароратли (15^0 С дан – 50^0 С гача) ;
- ўрта ҳароратли (50^0 С дан – 100^0 С гача) ;
- юқори ҳароратли (100^0 С дан – 150^0 С гача);
- баланд ҳароратли (150^0 С дан – 250^0 С гача);
- ўта баланд ҳароратли (250^0 С дан юқори);
- циклик ўзгарувчан ҳароратли цементлар.

Тампонаж цементларидан тайёрланган цемент эритмасини ўртacha зичлигидан келиб чиқкан ҳолда уларни зичлиги қуйидагича;

- енгил ($1400 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан кичик) ;
- енгиллаштирилган ($1400 \text{ дан} - 1650 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача);
- нормал ($1650 \text{ дан} - 1950 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача);
- оғирлаштирилган ($1950 \text{ дан} - 2300 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача);
- оғир ($2300 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан юқори).

Тампонаж портландцементлар ГОСТ 1581–85 га мувофиқ уч хил ҳароратга мүлжаллаб чиқарилади: паст ва нормал ҳароратли, ўрта ҳароратли ва юқори ҳароратли .

Портландцемент деб – минералогик таркиби аниқ бўлган кукунни, сувли суспензияси ҳавода ҳам, сувда ҳам қотиш хусусиятига эга бўлишига айтилади. Портландцементни ишлаб чиқариш учун қуйидаги миқдорли тоф жинси аралашмалари олинади: $60 - 75 \% \text{ CaO}$, $17 - 25 \% \text{ SiO}_2$, $3 - 10 \% \text{ Al}_2\text{O}_3$; $2 - 6 \% \text{ FeO}$ ва унча куп миқдорда бўлмаган бошқа аралашмалар қўшилади. Булар маҳсус печларда $1300 - 1400^\circ\text{C}$ ҳароратда куйдирилади, ҳосил бўлган тош, клинкер тегирмонда майдаланади. Майдаланган клинкерга оз миқдорда гипс шунингдек инерт ёки актив қўшимчалар портландцементни турига боғлиқ ҳолда қўшилади.

Клинкерни минераллари бўлиб, белит, аллит, целит хизмат қиласи.

Шлакли цементлар. Уларни асосини майдаланган грануляли металлургия шлаклари ташкил этади. Шлакли цементлар тоза ҳолда қудуқларни мустахкамлаш учун ишлатилмайди, базали цемент сифатида домна шлакларини гранула кукун холатида кварц қуми ва портландцемент кукуни қўшилади. Металлургия шлаклари қатъий бир доимий бўлган таркибга эга эмас, аммо уларни таркибида клинкер таркибига кирувчи уша оксидлар бўлиб, фақат миқдорий нисбати билан фарқ қиласи.

Масалан, асосий домна шлакларида оз миқдорда кальций оксида, муҳим қовушқоқлик компоненти бўлган – унча юқори бўлмаган ҳароратда фаоллиги кам бўлган кальций икки силикати ташкил қиласи.

Домна шлаки, кварц қуми ва портландцемент клинкерини қўшиб майдалаб олиш усулидан ҳосил бўлган тампонаж цементи – III П Ц С –120 шифри остида ишлаб чиқарилади .

Бу томпонаж цементи ҳарорти 80°C дан 160°C гача бўлган қудуқларни цементлашда ишлатилади. Тампонаж цементи таркибидаги портландцемент тампонаж кукунини сув билан ўзаро таъсир реакциясини тезлаштириш вазифасини бажаради.

Юқори ҳароратлар ($160^\circ - 250^\circ\text{C}$) учун шлакли қумли – (шлак ва қумни биргаликдаги кукунини клинкер қўшмасдан тайёрланган ҳолда ишлатилади). Шлак-қумли цементни зичлиги тахминан $2800 \text{ кг}/\text{м}^3$ га тенг.

8.3. Тампонаж материалларининг тайёрланиши

Белит – кремноземли цемент, кальций икки силикати ва солиширма юзаси $200-300 \text{ м}^2/\text{кг}$ гача булган кварц қуми материалларини янчиш йўли орқали олинади; янчиш жараённада $1 - 2 \%$ бентонит қўшилади. Бу цемент 150° дан 300°C гача ҳароратда ишлатилади .

Базали цементлар тоза ҳолда, зичлиги 1750 дан 1950 кг/м³ гача бўлган тампонаж эритмасини тайёрлаш учун, ҳамда бошқа материаллар билан оғирлаштирилган, енгиллаштирилган, кенгайувчи, юқори ҳароратли, юқори коррозияга чидамли, толали (волокнистых) ва бошқа цементларни тайёрлашда фойдаланилади.

Глиноземли цементлар – кальций карбонат ва бокситни куйдириб пишириш йўли билан олинган материални янчиб кукун килинганидир. Майдалангандан шу кукун ва гипс икки оксиди 3:1 пишириш нисбати билан гипсли глиноземли цемент олинади. Бу цементларни қовушқоқлик хоссасини асосий минерали бўлиб, CaO, Al O₃ бир кальцийли алюминати хизмат қиласи ва бу минераллар 50% ни ташкил этади.

Бу цементлар ҳарорати 25⁰C дан юқори бўлмаган қудуқлар учун ишлатилиши мумкин.

Уларни хусусиятлари: паст ҳароратли муҳитда тез бирикувчи, тез қотувчи ва айрим турдаги агрессив қатлам сувларида юқори коррозион чидамлиликка эга.

Юқори ҳароратлар учун портландцементли аралашмалар.

Тампонаж портландцементларни иккита камчилиги мавжуд:

а) ҳароратни тахминан 60⁰C га кўтарилиши натижасида вақт ўтиши билан цемент тошини максимал мустахкамлиги камаяди, ўтказувчанлиги ортади;

б) агрессив қатлам сувлари билан алоқада бўлган жараёнда коррозион чидамлилиги юқори эмас. Бу камчиликларни бартараф этиш учун клинкерни янчиш жараёнида ёки портландцементни ўзига 30-50% (цементни массасига нисбатан) кварц қуми ёки домна шлаки қўшиш зарур.

Бундай модификацияли портландцемент аралашмаси 160⁰C ҳароратгача ишлатилади.

Енгиллаштирилган цемент аралашмалари.

Базали цементдан тайёрланадиган эритмаларни зичлигини 1800 кг/м³ гача ўзгартириш мумкин. Енгиллаштирилган цемент аралашмалари зичлиги кичик булган тампонаж эритмаларини тайёрлаш учун белгиланганди. Енгил аралашмаларини тайёрлашни бир нечта усуллари мавжуд:

а) янчиш жараёнида клинкер (шлак) га ёки тўғридан–тўғри базали цементга кўп миқдорда сувни боғлаб туриш қобилиятига эга бўлган минерал моддаларни қўшиш;

б) базали цементга зичлиги кичик бўлган (нефть, кокс, гильсонит, асфальтлар, битумлар ва ҳоказолар) майда фракцияли қаттиқ моддаларни қўшиш;

в) базали цементга газ билан тўлдирилган (перлит, пламилон, кварцли микробаллонлар ва х.к.з. лар) ёпиқ ғовакли майда гранулалар қўшиш;

г) маҳсус қовушқоқ синтезлар.

Ҳозирги кунда биринчи усул кенг тарқалган клинкерга (шлакка) ёки базали цементга минерал қўшимча сифатида гиллар (бентонит, полигоскит, гидрослюдалар ва бош.), кремноземли материаллар (диатомит, трепел, опоки, силикагель), вулқондан ҳосил бўлган материаллар (пемза, вулқон куллари, туфлар), карбонат материаллар (оҳактош, бўр) қўшилади. Бу материаллар

унча катта бўлмаган мустахкамликка эга ва солиширма юзаси ($1000\text{м}^3/\text{кг}$ гача ва ундан юқори) бўлган, тез янчиладиган ҳусусиятга эга. Энг катта солиширма юзага ва энг юқори сувни биритириш ҳусусиятига дастлаб гиллар, сўнгра кремноземли қўшимчалар эгадир.

Портландцемент аралашмаларини гилли материаллар билан аралашганини одатда гельцементлар деб аташ қабул қилинган. Гельцементлар аралашмаларини асосан ҳарорати 80°C гача бўлган қудукларда ишлатилади. Палигорскитли гиллар қўшилган шлакли цементлар 60°C дан 250°C гача бўлган ҳароратли қудукларда ишлатиш мумкин.

Портландцемент аралашмасига кремноземли қўшимча қўшилган бўлса 50°C дан 160°C гача, белитли кремноземли цемент қўшилган бўлса 100°C дан 300°C гача ҳароратда ишлатилади.

Юқорида кўрсатилган ҳароратли диапозонларда бир хил шароитларда, кремноземли қўшимчали аралашмаларда гилли қўшимчали аралашмаларга нисбатан тошни сўнгги мустахкамлиги юқоридир.

Енгил аралашмаларни умумий камчилиги шундан иборатки, тампонаж эритмасининг зичлиги камайиши билан ҳосил бўлган тошни мустахкамлиги камаяди, ўтказувчанлиги ортади.

Газга тўйинтирилган ёпиқ ғовакли гранулалар муҳитни юқори босими таъсири натижасида қисман емирилиши, тампонаж эритмасини зичлигини камайтириш самарасига сезиларли даражаси тескари таъсир қиласи. Масалан, атмосфера босими таъсири остида цемент эритмасига 15% перлит қўшилганда эритманинг зичлиги $1250 \text{ кг}/\text{м}^3$ га етса, 7 МПа босим остида шу эритманинг зичлиги $1450 \text{ кг}/\text{м}^3$ га кўтарилади; цементни массасига нисбатан эритмада 8% ни ҳосил қилувчи помилонли эритма атмосфера босими остида $1200 \text{ кг}/\text{м}^3$ га етса, 60 МПа дан юқори босим остида шу эритмани зичлиги $1450 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача ортади.

Оғирлаштирилган цемент аралашмалари. Оғирлаштирилган аралашма портландцемент клинкери билан ёки гранулаланган домна шлаклари билан зичлиги юқори бўлган ($4000\text{кг}/\text{м}^3$ ва ундан юқори) минерал қўшимчаларни биргаликда қўшиб янчиш йўли билан таёргланади. Бундай қўшимчалар сифатида барит, темир ва айрим ҳолларда қўрғошин маъданлари ишлатилади .

Толасимон цементлар. Бу аралашма базали цементга толасини узунлиги 2-4мм ли бўлган асбестли чиқиндиларни қўшиш йўли билан олинади. Бундай аралашмалар қудукда дарзли тоғ-жинсли мавжуд оралиқларни цементлашда ишлатилади.

Емирилишга чидамли цементлар. Портландцемент тоши қатлам сувлари билан алоқада бўлиши жараёнида эритмадаги энг кўп эрийдиган компонентларни ишқорланишдан катионлар алмашинувидан емирилиши мумкин. Масалан, калций гидрооксид (ишқорий емирилиш), магний ионлари таъсири остида кимёвий ўзгаришлар юзага келади (магнезиал емирилиш), сулфат ионлари (сулфатли емирилиш), ва сулфидлар (сулфидли емирилиш) таъсири натижасида алмасиши рўй беради. Емирилишга чидамлилик деб-бирор цемент, аралашма ёки тошни барча емирилишларга ёки емирилишни

айрим турларига юқори чидамлилиги билан фарқ қилишга айтилади. Демак, ниҳоятда емирилишга чидамли цементлар бўлиб, глиноземли цементлар ҳисобланади. Ишқорий емирилишга юқори чидамликка эга бўлган цементларни ёки аралашмаларни тоши таркибида умуман кальций гидрооксиди мавжуд бўлмаслиги лозим. Магний хлориди, кальций ва натрийга тўйинган қатлам сувлари ва тоғ жинслари билан алоқада бўлган жараёнларда шлакли ва шлак-қумли цементлар емирилишга чидамли ҳисобланади.

Кенгаювчи аралашмалар. Бундай аралашмаларни қотиш жараёнида хажмни ошириш учун тампонаж эритмаларини тайёрлашда ишлатилади. Шартли равиша кенгайтирувчи аралашмаларни иккита гурухга булиш мумкин. Биринчи гурух цементи ёки аралашмаси ишлатилганда кенгайиш жараёни цемент тоши шаклланган, етарли даражада катта мустахкамликка эга бўлган ва сезиларли даражада пластиклигини йўқотган бўлади. Бундай материалларга гипсоглиноземли цемент ва 10-20% гипсоглинозем ёки 5-10% магнезит ёки $700\text{-}900^{\circ}\text{C}$ да куйдирилган доломит билан тампонаж портландцементи киради. Тампонаж тошини кенгайиш катталиги қаттиқ ҳолатда кўринишидан 1-1,5% дан ошмастлиги керак; катта кенгайиш оқибатида тошда ёрилиш – парчаланиш ва емирилиш рўй беради. Иккинчи гурухда эритмани кенгайиши қотиш муддатини сўнгига яъни цемент тошида кристалл панжара ҳосил бўлмасидан, тош етарли даражада мустахкамликка эга бўлмайди ва пластиклигини йўқотмасдан кенгаяди.

Кенгайтирувчи қўшимча сифатида маълум бир ҳароратли режимда хом-ашёдан куйдириш йўли билан олинган магний ва калций оксидлари ишлатилиши мумкин. Демак, 100°C ҳароратгача ишлатиладиган тампонаж цементига қўшимча сифатида 1200°C ҳароратли жараёнида кальций карбонатдан куйдириш йўли билан олинган сўндирилмаган оҳак CaO қўлланилади. Қудуқни ҳарорати 180°C гача бўлганда цементларга ва қум-цементли аралашмаларга қўшимча сифатида хромат шлакини $1200\text{-}1300^{\circ}\text{C}$ да куйдириш йўли билан олинган магний оксиidi ишлатилади.

Ундан хам юқори ҳароратли қудуқлар учун 1600°C ҳароратда куйдириш йўли билан олинган магний оксиidi қўшимча сифатида ишлатилади.

Тампонаж эритмаси ва тошнинг ҳоссаларини аниқлаш ва бошқариш

Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш, синаб қўриш ва ишлатишнинг яхши кўринишда бўлиши, цементлаш технологияси ва тайёрланадиган қоришмаларнинг ҳоссаларига боғлиқ. Қатламларни бир-биридан узоқ муддатга ажратиш учун, тампонаж қоришмасидан ҳосил бўладиган тош керакли мустахкамликка ва ўтказувчанмас ҳусусиятларига эга бўлиши керак. Шунинг учун кўпинча тампонаж қоришмаси параметрларини бошқариб туришга тўғри келади. Тампонаж қоришмаси учун бундай параметрлар бўлиб: - қотиш вақти, ўсузванлиги, зичлиги, фильтрация кўрсаткичи, реологик ҳоссаси, сендаментацион чидамлилиги, кўпик ҳосил қилиши ҳисобланади. Тампонаж тоши учун эса – механик мустахкамлиги, ўтказувчанлиги, термоҷидамлилиги,

коррозияга чидамлилиги ва ёриқларга чидамлилиги (трешиноустойчивость) ҳисобланади.

Портландцемент: Қурилиш саноатида ёпишувчи предметлар деб кукусимон материаллар тушунилади. Қайсики улар сув билан аралаштирилганда вақт ўтиши билан қотадиган қотишмани ҳосил қиласи. Нефть ва газ қудукларини мустахкамлашда ишлатиладиган асосий тампонаж материали – портландцементдир.

У силикат цементининг ҳар қандай кўринишида – кукусимон минерал, ноорганик модда, ёпиштирувчи материалдир.

Портландцементнинг асосий қисми – клинкер (оҳактош ва тупроқни маҳсус аралашмасини қиздириш (куйдириш) йўли билан олинади. (тем-ра – 1450°C гача).

Оҳак (бўр, оҳактош) қиздиришда калций оксидини (CaO) ҳосил қиласи, тупроқ эса кремний оксидини (SiO_2) AC_2O_3 ва Fe_2O_3 ни манбаи ҳисобланади.

(Печ) қозондан олинган яримфабрикат – клинкер совитилади, эзилади ва кейин шарли тегирмонларда кукун ҳолига келгунча эзилади. Бу кукун цементи ташкил қиласи. Клинкерни ишлатилиши вақтида унга 3-6% гипс (қотиш муддатини бошқариб бориши учун) ва 10-15% табиий ва сунъий материал (метоллургический шлак, кварцли қум, трепел ва бошқалар) қўшилади.

Бу материаллар портландцементда айрим ҳоссаларини яхшилайди ва қимматбаҳо клинкерни иқтисод қилинишига ёрдам беради.

Портландцемент зичлиги – тампонаж цементи зичлигига қараб ўзгаради: таркибида қанча микдорда оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи материаллар борлигига қараб ўзгаради. Ўртacha зичлиги $3120-3150 \text{ кг}/\text{m}^3$. Шу билан бирга кукуннинг қуруқ ҳолатдаги оғирлиги ҳам ўлчанади. Тампонаж портландцементининг оғирлиги $1800 \text{ кг}/\text{m}^3$ гача бўлади. Цемент эритмасидаги сув таркиби учун ҳаракатчанлиги, седиментацион чидамлилиги, зичлиги каби ҳоссаларига таъсир этади.

Цемент эритмасидаги сув таркиби сув цемент алоқаси билан ҳарактерланади, қайсики бунда сув массаси билан цемент массаси алоқаси тушунилади.

Оддий тампонаж портландцементи учун (оғирлиги $3500-4000 \text{ кг}/\text{m}^3$ бўлган) сув-цемент алоқаси $0,48-0,50$ ни ташкил этади.

Маҳсус цементлар: Қудукларни цементлашни шартлари кўплиги туфайли, портландцемент каби цемент қониқтирмаслиги мумкин, қайсики уни қўлланилиши ҳарорат ва зичлик чегаралари билан чегараланган.

Ҳарорат ва босим ортиши билан тампонаж портландцементидан иборат эритманинг қотиш муддати кескин қисқаради. Айниқса бундай ҳолат ҳарорат 20°C дан 50°C гача кўтарилиганда рўй беради.

Ўртacha қийшиқ участка деб $50-100^{\circ}\text{C}$ оралигини ҳисоблаш керак. Босим кам таъсир қўрсатади, аммо қотиш муддатини тезлаштиради. Масалан, иссиқ қудуклар учун мўлжалланган цементдан тайёрланган

эритма қотишини бошланиши 45^0C ҳарорат ва 15 МПа босимда 2 соату 30 минут бўлса, ҳарорат 100^0C ва босим 30 МПа бўлганда қотиш муддати 25-30 минутга қисқаради. Бундай шароитларда портландцементни фақатгина қотишини секинлаштирувчи кимёвий реагентлар қўшиб ишлатилади.

Цемент – қумли аралашмалар: Портландцемент қотиши натижасида ҳосил бўлган цемент тоши ўрганилган ҳоссаларидан (юқори ҳарорат $+110^0\text{C}$ дан ортиқ ва юқори босим таъсирида) ўтказувчанлиги кескин кўтарилиди, аммо мустаҳкамлиги пасаяди.

Шунинг учун бу тош узок муддатли сифатли изолятор вазифасини бажара олмайди.

Портландцементни юқори ҳароратли қудуқларда қўллашда мустаҳкамлик ва ўтказувчанлик стабилизатори сифатида кварцли қум (кремнезем SiO_2) қўшилади.

Тампонаж қоришимасини қотиш муддатини секинлаштирувчи реагентлар: Юқори босимли қудуқларни сифатли цементлаш учун, тампонаж қоришималарини қотиш муддатини секинлаштирувчи реагентлар қўшилади. Бунинг сабаби цемент қоришимаси қотиши халқа оралиғига тўлиқ кўтарилимасдан туриб қотиб қолмаслиги керак.

Қотишини секинлаштирувчи реагентларни цемент қоришимаси ҳоссаларига таъсири қўйидагича бўлади:

Цемент таркибида коллоид-адсорбцион қобик ҳосил бўлиб (сув молекуласидан ташқари) цемент таркибий қисмлари орасида бу қўшимча тўсиқ бўлади. Натижада қотувчи материал таркибига киравчи минераллар гидратацияси тормозланади.

Энг кўп тарқалган қотишини секинлаштирувчи реагентларга **ССБ – сульфит-спиртли бўтқа, КМЦ, гипан, ВКК (виннокаменная кислота) хром тузлари, бор кислотаси** ва бошқалар киради.

ССБ - химия саноати чиқиндиси ҳисобланади. Бу сульфит-дрожли аралашма лигносульфанатли кислоталардан кальцийли, натрийли ёки кальций-натрийли тузлари ва ҳар хил минераллар аралашмасидир.

ССБ суюқ, қаттиқ ва кукунсимон ҳолда иш чиқарилади. ССБ узининг паспортига эга бўлиши ва тайёрланиши жиҳатидан техник шартларга жавоб бериши керак.

Нефть ва газ саноатида ССБ асосан суюқ ҳолатда ишлатилади қуюқ, қорамтир – малла рангда, 50% микдорида қаттиқ материаллар аралашган концентрацияли. (суюқ ССБ нинг зичлиги 1200 дан $1280 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача бўлади)

ССБ қаттиқ фазаси концентрациясидан цемент қоришимаси қотиш муддатини секинлашиш муддати бир-бирига боғлиқ.

ССБ ни цементга қўшилиши 100^0C гача бўлган ҳароратларда яхши натижа беради. Юқори ҳароратли қудуқларни цементлашда ССБ ни кўпроқ қўшиш талаб этилади.

Одатда ССБ ни қуруқ тампонаж қоришмасига 0,1-0,6% ҳисобида қўшилади. ССБ миқдори ошиб кетганда қоришка кўпириб кетади ва цементлаш жараёнини қийинлаштиради. (насослар ҳаво тортиб қолади, қоришка зичлиги пасайиб кетади). ССБ юқори дозада қўшилганда, у билан бирга НЧК туридаги қўпик сўндирувчилар ёки кальций тузи қўшилади.

130⁰C ҳароратгача бўлган қудуқларда қотиш муддатини секинлаштириш учун қориshmaga КМЦ қўшилади.

ССБ га қараганда КМЦ қоришмани кўпиртирмайди, мукаммалроқ, актив. КМЦ ли қоришка – чидамли, коллоидли, вақт ўтиши билан қоришмани қотишини секинлаштириш ҳоссасини йўқотмайди.

Қоришмада унинг миқдори кўпайиб кетса, қоришка ҳаракатчанлиги пасаяди.

КМЦ 80⁰ C ҳарорат оралиғида бўлган қудуқларда кўп ишлатилади. Негаки бу ҳароратга КМЦ цемент қоришмасини қотишини яхши секинлаштиради ва фильтрация кўрсаткичини пасайтиради.

120-130⁰C ҳароратга дестукция (кучизланиши) бошланади. 140⁰C дан юқори ҳароратларда ишлатишга яроқсиз.

Гипан, КМЦ ва ССБ ларни иш қобилиятини ошириш учун юқори ҳароратларга (140-160⁰C) бу реагент хром тузлари (натрий бихромати Na₂Cr₂O₇ ёки калий K₂Cr₂O₇) билан биргаликда қориshmaga қўшилади.

170⁰ C ва ундан ҳам юқори ҳароратли қудуқларда энг яхши қотиш муддати секинлаштирувчи модда бўлиб ВКК (виннокаменная кислота) C₂H₂(OH)₂·(COOH)₂ ҳисобланади.

Уни синтетик йўл билан узум сокини ачитқисидан олинади. ВКК рангсиз, хидсиз, қаттиқ материал. Қуруқ кукун ҳолатидаги зичлиги 1760 кг/м³.

20⁰ C ҳароратда 100 грам сувда 139,44 грамм ВКК эрийди. Ҳарорат кўтарилиши билан уни сувга эриши тезлашади. Бундан ҳам фаол секинлаштирувчи бўлиб ВКБК ҳисобланади. Қайсики унинг таркиби 1,25% ВКК ва 0,25-0,5% бор кислотасидан ташкил топган.

ВКБК ёрдамида ҳарорат 200⁰C ва босим 70 МПа бўлганда қотиш муддатини 1 соат 20 минутгача секинлаштириш мумкин.

АҚШ да қоришмани қотиш муддатини секинлаштирувчи реагентлар сифатида кальций лигносульфанатлари, карбоксиметилгидроксиэтил целлюлоза (КМГЭЦ), модифицирланган лигнинли секинлаштирувчилар, лесохимические полифеноллар ва ССБ, ВКК, ишлатилади.

Тампонаж қоришмаларини қотиш муддатини тезлаштирувчи реагентлар: Чукур бўлмаган қудуқларни цементлашда тез қотадиган цемент қоришмалари қўлланилади. Бунинг учун қотиш муддатини тезлаштирувчи реагентлар қориshmaga қўшилади.

Нефть ва газ саноатида тампонаж қоришмасини қотишини тезлаштирувчи реагент сифатида кальций хлорид (Ca₂Cl), натрий хлорид (Na Cl), кальций ва каустик содалари ишлатилади.

Булардан энг кўп ишлатиладигани Ca_2Cl . Техник CaCl 3 хил маркада ишлаб чиқарилади: кальцийли, қуйма ва суюқ кўринища. Калций хлоридни металл барабанларда, полиэтилен қопларда ёки 5 қаватли битумланган қофоз қопларда жойлаштирилади. CaCl ни қотиш муддатини тезлаштириши ҳарорат кўтарилиши билан кучизланади ва ҳарорат тушиши билан кучаяди.

Энг оптимал қўшилиш микдори қуруқ цементга нисбатан 2% ни ташкил қиласи. Бундан ташқари яна бир қотиш муддатини тезлаштирувчи реагент бўлиб ош тузи ҳисобланади. Қотиш муддатини тезлаштириш учун сувга, цемент массасига нисбатан 5% микдорида қўшилади.

Қоришка таркибида NaCl микдори бундан ортиб кетса тескари ҳодиса юз беради, яъни цемент қоришмасининг қотиш муддати секинлашади.

Бундан ташқари тампонаж қоришмасини қотиш муддатини тезлаштирувчи реагентлар сифатида калий карбонат (поташ), кальций содаси, Na_2CO_3 ёки суюқ ойна (Na_2SiO_3) қўлланилади.

Тампонаж цементлари ва қоришмаларига қўшиладиган маҳсус қўшимчалар: Қатламларни бир-биридан ажратишда яхши натижаларга эришиш учун қуруқ ва суюқ ҳолдаги тампонаж материаллари сифатига ва ҳоссасига катта эътибор қаратиш керак. Кўпинча амалда шундай реагентлар қўлланилади, улар тампонаж қоришмасига фильтрация, оқувчанлиги, қотиш муддати каби ҳоссаларини ўзгаришига олиб келади. (М-н: ССБ, КССБ, NaCl) аммо айрим реагентлар қўшилиши жараёнида қориshmани кўпиртириб юборади. Кўпик ҳосил бўлишини камайтириш ёки бутунлай йўқотиш учун қоришмага маҳсус реагентлар – қўпик сўндирувчилар қўшилади.

Кўпик сўндирувчи реагентлар сифатида соапсток, қораконтакт (ЧК), нейтралланган қора контакт (НЧК), кальцийли милонафт қўлланилади.

Соапсток - ўсимлик ёғини қайта ишлашда чиқадиган чиқинди. Бу қорамтири рангдаги қовушқоқ паста. У 41% мой кислоталари ва 50% нейтрал қўшимчалардан иборат. Сувда эримайди. Нефть маҳсулотларида яхши эрийди, сув билан чидамли эмульзияни ҳосил қиласи.

Дизель ёқилғисида соапстокнинг 10% ли эритмаси жуда яхши қўпик сўндирувчи ҳисобланади.

Ишқорли соапстокдан иборат қўпик сўндирувчи рецепти:
Соапсток -15%, оҳакли эритма (зичлиги $1120-1170 \text{ кг}/\text{м}^3$) – 15%, дизель ёқилғиси – 70%.

Кальцийли милонафт (нефтьли кислоталар ишқорли тузи) – нефтьни қайта ишлаш саноати чиқиндиси ҳисобланади, қайсики натрийли милонафт ва оҳак аралашмасидан олинади. Кальцийли милонафт асосидаги қўпик сундирувчи эмульзия бир қисми милонафт, бир қисми солярка мойи ёки керосин ва 4 қисми оҳак сутидан ($1120-1170 \text{ кг}/\text{м}^3$ зичликка эга бўлган) иборат.

Бурғилаш майдончасида күрик сўндирувчиларни қуидагича тайёрланади: Тупроқ аралаштиргичга керакли миқдордаги милонафт ва солярка мойи солинади ва маълум муддат аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашмага оҳак сути қўшилади.

Ҳар бир қоришма, ўзининг таркибидаги эриган материаллар концентрациясига қараб характерланади. Концентрация - аралашмада ёки қоришмада шу компонент таркибини (билдирувчи) кўрсатувчи катталик.

Масса миқдори концентрацияси – берилган компонент оғирлиги системанинг жами массасига нисбати. Бу нисбат 100 га кўпайтирилганда массага нисбатан % концентрациясини беради.

Ҳажм миқдори концентрацияси – берилган компонент хажмини система умумий хажмига нисбати.

Цемент қоришмаларини тайёрланишини тўғри назорат қилиб туриш учун, қудуқларни цементлаш бўйича оператор модданинг масса ёки хажм миқдори рецептини тўғри баҳолай билиши керак.

Суюқ системалар концентрацияси одатда 100 грамм (айрим ҳолларда 1 литр) эритувчida эриган модда массасига қараб аниқланади.

Юувчи суюқлик ва тампонаж қоришмаларини хоссаларини тартиблаштириш учун реагентлар

Тампонаж қоришмаларини реологик хоссаларини тартиблаштириш учун (оқувчанлигини ошириш ёки камайтириш ва чегараланган силжиш-кучланиши) – реологик хоссаларни тартиблаштирувчи реагентлар қўшилади.

Ютилишни таҳлил қилиш у-н ишлатиладиган қоришмалар:

Ютувчи каналларни ёпиш учун ҳар хил турдаги тампонаж қоришмалари ишлатилади. Кўп ҳолларда уларни қурилма ва ускуналар ёрдамида бурғилаш майдончасида тайёрланади ва кейин бурғилаш тизмалари ёки қудуқ стволи ёрдамида ютилевчи зонага етказилади. Аралашмани ютилевчи зонага ҳайдалинишини ва ютувчи каналларни сифатли ёпиш учун аралашма аниқ физика-механик хоссаларига эга бўлиши керак. Қотиш муддати, пластик мустаҳкамлиги ва ҳайдалиши аниқ геологик-техник шароитларда бошқариб борилиши енгил бўлиши керак. Аралашма қудуққа ҳайдаб бўлингандан кейин қотишининг бошланиши 10-15 минутдан кам бўлмаслиги керак, лекин 25-30 минутдан кўп бўлмаслиги керак. Тампонаж аралашмаси бурғилаш эритмаси ва қатlam сувларига нисбатан чидамли бўлиши керак.

Тампонаж тошининг сиқилишдаги мустаҳкамлиги 0,5-1 МПа дан кам бўлмаслиги (8-16 соат қотгандан кейин) ва агрессив қатlam сувлари, ҳарорат, босим таъсирида емирилмаслиги керак.

Ютувчи зоналарни изоляция қилишда, асосида ёпиштирувчи материаллар, полимерлар ва тупроқ асосидаги аралашмалар ишлатилади.

Тампонаж қоришмалари ғовак ва майда ёриклардан иборат, кам ва ўрта ютилиш самарадорлигига эга бўлган коллекторларни изоляция қилишда жуда яхши натижга беради.

Тампонаж пасталари деб - бошланғич пластик мустаҳкамлиги 0,8 КПа дан юқори бўлган, ҳайдалиш қобилиятига эга бўлган аралашмаларга айтилади.

Пасталар - тўхтовсиз ютиладиган, кўп ёрикли ва ўпирилишга монанд қатламларни ёпишда яхши натижада беради.

Тампонаж аралашмалари ўзининг компонентлари таркибига асосан қотадиган ва қотмайдиган бўлади. Қотадиган аралашмалар (асосида ёпиштирувчи моддалар ва полимерлар бўлган) ютиловчии қатламда қотиши натижасида етарли механик мустаҳкамликка эга бўлган тампонаж тошини ҳосил қиласди.

Тупроқ асосида бўлган қотмайдиган аралашмалар эса қовушқоқлиги юқори бўлган ёпувчи тампонларни ҳосил қиласди.

Гипсли эритмалар: Ҳарорати 20-25⁰ С атрофида бўлган қудуқларда қатламларни ёпиш учун, асосида мустаҳкамлиги юқори бўлган қурилиш гипслари ёки сувга чидамли гипс ишлатилади (қотиши муддатини секинлаштирувчи реагентлар қўшилган ҳолда).

Гипс хосса/и вақт ўтиши б/н ўзгаришини ҳисобга олиб қоришмани ишлатишдан олдин қотиши муддатини аниқлаш у-н экспресс-анализ қилиб кўрилади. Қотиши муддатини секинлаштирувчи/ сифатида ТПФН (триполифосфат натрия), КМИ, ССБ ва бошқа реагент/ қўлланилади.

Гипс-цементли аралашмалар: Гипс-цементли аралашмаларда қотиши муддати катта эмас, ва аралашма эритилгандан сўнг 3-4 соатдан кейин мустаҳкамлиги юқори бўлган тошга айланади. Гипс-цементли эритмаларни, гипс ва тампонаж цементини қуруқ ҳолда аралаштириб кейин эритилади. Гипс-цементли эритмани бурғилаш қувурларида қотиби қолишини олдини олиши учун цементлаш жараёнини бошланишида қувургага 1м³ сув асосидаги секинлаштирувчи реагентларни ҳайдаш керак.

Гил асосидаги юувучи суюқликлар ва тампонаж эритмалари: Гил-цементли тампонаж қоришмаларини – тампонаж цементи, бентонит ва қотиши муддатини тезлаштирувчи реагентларни қуруқ ҳолатида аралаштириб кейин эритилади. Қоришмадаги гил миқдори, структуранинг тез ўсишига олиб келади.

Қотадиган тупроқли эритма. (ОГР): Бу тампонаж эритмаси бурғилаш эритмаси зичлигига яқин бўлган зичликка эга ва ютиловчи зонага ҳайдаш вақтида унинг аралashiши паст бўлади. Бундан ташқари кўприк (мост)ни бурғилаш натижасида бурғилаш эритмаси ўз хоссасини йўқотмайди ва қайта ишлатишга яроқли бўлади. Қотадиган тупроқли эритма (ОГР) – 58-65% (зичлиги 1100-1400 кг/м³ бўлган) тупроқли эритма, 10-16% формалин ва 25-26% ТС-10 дан иборат. ОГР юқори сендаментацион чидамликка эга, тампонаж тоши эса унча катта бўлмаган ўтказувчанликка эга.

Гипан-гилли паста (ГГП): ГГП пастаси – 15-20% кальций хлоридли эритма ва 8-10% концентрацияли гипан эритмаси ва тупроқли эритма аралашмасидан ҳосил бўлади. 1м³ эритмага 20-30 кг миқдорида тўлдирувчи қўшимчалар қўшиш орқали тайёрланади.

1 чи агрегат идишида тўлдирувчили минераллашган бурғилаш эритмаси тайёрланади, 2 чи агрегат идишига гипан солинади. Бурғилаш эритмаси бўлган 1чи агрегат ҳайдашни биринчи бошлайди, ундан кейин 2 та агрегат ҳам бир хил хажмли аралашмани учлик (тройник) орқали қудуқча ҳайдайди.

Ютилиши зонасига аралашмани привентор ёпиқ ҳолатида ҳайдалади, бунда қудуқда аралашма устуни қатлам кувватидан камида 10 метр юқори бўлади. $4\text{-}6\text{m}^3$ гипанга $-5\text{-}6\text{m}^3$ бурғилаш эритмаси ва $100\text{-}150$ кг тўлдирувчилар сарф қилинади.

Аралашманинг ҳароратга чидамлилиги – 180^0 гача.

Полиакриламид-гилли паста (ПГП): ПГП – 1% ли полиакриламид эритмаси (алоқаси 1:3 бўлган минераллашган тупроқли эритма билан биргалиқда) дан ҳосил бўлади. Тупроқли эритма окувчанилиги СПВ-5 да ўлчангандаги 45 секунддан катта бўлмаслиги керак. Аралашма компонентлари 2 та цементлаш агрегати ёрдамида учликка узатилади ва кейин бурғилаш тизмаси орқали ютиловчи зонага ҳайдалади.

Назорат саволлари.

1. Тампонаж деб нимага айтилади ва уларни вазифалари?
2. Тампонаж материалларига ГОСТ 25597-83 буйича кискача таъриф беринг.
3. Тампонаж материалларини ГОСТ 1581-85 буйича кискача таърифланг;
4. Кандай тампонаж цементларини биласиз ва уларга кискача тасниф беринг;

9-Маъзуза. Мавзуу: Қудуқдаги қатламларни ажратиш.

Режа:

- 9.1. Қатламларни ажратишдан мақсад ва унинг вазифалари.
- 9.2. Қатламларни ажратиш сифатига қўйиладиган талаблар.
- 9.3. Қатламларни ажратиш сифатига таъсири қилувчи омиллар.

9.1. Қатламларни ажратиш сифатига қўйиладиган талаблар.

Қудуқда мавжуд бўлган яъни бурғилаш натижасида очилган ўтказувчан қатламларни ажратадиган бир қатламдан бошқа бир қатламга ёки атмосферага қатлам суюқлигини чиқиб кетишини олдини олиш, маҳсулдор қатламларга бегона қатлам сувларини кириб ифлослантиришини, уларни коллекторлик ҳоссасини ёмонлашувини, ер ости ва ер усти атроф муҳитини ифлосланишини бартараф этишдир.

Қатламларни ажратиш сифатига ўта жиддий талаблар қўйилади.

1. Қудуқларда очилган ўтказувчан қатламлар орасида мавжуд ёки ҳосил бўладиган босимлар фарқига ажратувчи муҳит герметик ҳолатда бўлиши керак.

2. Ажратувчи мұхит, ўз атрофини ўраб турған тоғ жинслари ва ҳимоя тизмасини ташқи юзаси билан зич алоқада бўлиши керак. Уни герметиклиги ҳимоя қувурларида бўладиган ҳар қандай деформацияларда ҳам (емирилмаслиги) бузилмаслиги керак.

3. Ажратувчи мұхит кўп йиллик бўлмоғи, яъни қудуқни бурғилаш ёки ишлатиш даврида бўлиши мумкин бўлган ҳароратни ўзгариш жараёнларига ва қатлам сувларини, газларни, бактерияларни таъсири остида емирилмаслиги керак.

4. Ажратувчи мұхитни герметиклиги, қудуқда отиш ишларини ва бошқа ишларни олиб бориш жараённіда ҳосил бўладиган зарбли кучлар таъсиридан емирилмаслиги керак.

5. Ажратувчи мұхит қўп йиллик музли тоғ жинслари мавжуд қудуқларда совуққа чидамли, яъни кўп мартали юқори ҳароратдан паст ҳароратга, паст ҳароратдан юқори ҳароратга ўзгариши туфайли емирилмаслиги лозим.

9.2. Қатламларни ажратиш сифатига таъсир қилувчи омиллар.

Қудуқда очилган ўтказувчан қатламларни мустахкам ажратилгани, агарда цементланган халқа оралиғида мавжуд бир-биридан ажралиб турған ўтказувчан горизонтларга қатлам сувларини сизиб ўта олмаслигидир.

Қатламларни ажратиш сифати тампонаж эритмаси ва тошини ҳоссаси ва уни таркибини тўғри танлаш даражасига боғлиқ. Цемент тоши қанча мустахкам бўлса, уни қатлам сувлари билан ювилиши, катлам сувларини сизиб кириши шунча кичик бўлади. Икки қўшни ўтказувчан горизонтлар орасида ҳосил бўладиган юқори босимлар фарқи жараённіда тошни ғовак каналли деворида уринма кучлар юқори бўлиши натижасида мустахкам бўлмаган тошларда бузилиши рўй беради. Шу сабабларга кўра, маҳсулдор қатламлар мавжуд зоналар ҳамда аномал коэффициенти юқори бўлган горизонтларни умуман ўтказмас юқори мустахкам тош ҳосил қилувчи эритма билан цементлаш зарур.

Қудуқни сифатли ажратиш ишларидан бири цемент эритмаси билан юувучи суюқликни қудуқдан тўлиқ сиқиб чиқаришдир. Бунинг учун цементлаш жараённіда халқа оралиғида турбулент режимни ҳосил қилиш, қудуқда ҳимоя тизмасини яхши марказлаштириш, цементлаш жараённіда тизмани харакатлантириб туриш, қудуқ стволи кенгайган оралиқларда суюқлик оқимини ҳосил қилиш, тампонаж эритмасини юувучи суюқлик билан аралашиб кетишини олдини олиш, қудуқ деворларидағи ўтказувчан қатлам оралиқларида мавжуд филтрацион қобиқларни йўқотиш ҳимоя қувурлари юзасидаги юувучи суюқлик плёнкасини йўқотишдир.

Демак, халқа оралиғидаги тампонаж эритмасини бошланғич сиқиб чиқариш тезлиги, критик тезликдан (тампонаж эритмаси учун ҳам, юувучи суюқлик учун ҳам) юқори бўлиши керак.

Чиқувчи тампонаж эритмасини оқими юувучи суюқликни, қачонки қудуқдаги ҳимоя тизмаларини ўқи, қудуқни ўқи билан мос бўлса бир текисда сиқиб чиқаради. Агар тизмалар қудуқ ўқи билан бир хилда жойлашмаган

бўлса қудуқдаги тампонаж эритмаси қайси оралиқда қудуқни кўндаланг кесим юзаси катта бўлса, шу оралиқдан харакатланиб чиқишига интилади. Чунки бу оралиқларда гидравлик қаршилик кичик оралиқлар мавжуд учаскаларда тампонаж эритмаси умуман кирмаслиги ёки катта оралиқлари нисбатан жуда секин харакатланади. Натижада цементлаш сўнгига қудуқда, торайган орлиқларда маълум бир хажмли юувучи суюқлик сиқиб чиқарилмай қолади. Қудуқда тизмалар қудуқ ўки бўйлаб жойлашиши учун тизмалар туширилишидан аввал центраторлар билан жиҳозланади.

Қудуқда доим кенгайган участкалар бўлиб, бу участкаларда мавжуд юувучи суюқликлар қуюқлашган ҳолатда бўлади. Бундай участкалардан суюқликни чиқариш учун ҳимоя тизмаларини айлантириш ёки маълум бир масофага кўтариб-тушириш керак. Энг яхши натижа тизмани айлантиришда олинади. Бунда айлантириш тезлиги катта бўлиши шарт эмас.

Агар тампонаж эритмаси бевосита юувучи суюқлик ортидан харакатланадиган бўлса, у ҳолда тампонаж эритмаси билан юувучи суюқликни аралаушуви жараёнида кўпинча юқори қовушқоқ текстотропик аралашма ҳосил бўлади. Натижада қудуқ деворларида ва насосларда гидравлик босим ошиши туфайли бундай аралашмани қудуқ ичидан тўлиқ сиқиб чиқаришга эришиб бўлмайди.

Бундай аралашмани тизма ичидаги ҳосил бўлишини олдини олиш учун остки ва устки ажратиш тиқинларидан фойдаланилади. Қувур остидаги халқа оралиғида бу функцияни маҳсус суюқлик, яъни буфер суюқлиги бажаради. Буфер суюқлиги юувучи суюқлик билан ҳам, тампонаж эритмаси билан ҳам алоқада бўлган вақтида юқори қовушқоқ аралашмани ҳосил қилмаслиги лозим. Қудуқ деворларида юувучи суюқликни дисперс фаза парчаларидан ташкил топган филтрацион қобиқларни бўлиши, цементлаш жараёнида тампонаж эритмаси таркибидаги сувни тез йўқотишини олдини олади. Лекин цементлаш тугаганидан кейин бундай қобиқни сақланиб қолиши, ҳосил бўладиган цемент тоши билан тоғ жинсини орасидаги ўзаро боғланиш мустахкамлигини камайтиради. Агарда бундай оралиқларда юқори дисперсия рўй берса, герметиклик бузилади. Масалан, маҳсулдор қатламдан оқим олиш учун юқори дисперсия ҳосил қилинади.

Демак, цементлаш жараёнида қудуқ деворларида мавжуд филтрацион қобиқларни йўқотиш зарур.

Филтрацион қобиқлар мавжуд оралиқларни қобиқларини йўқотиш учун, ҳимоя қувурларига маҳсус симли скрипкалар ўрнатилади. Скрипкалар қобиқлар мавжуд оралиқларга ўрнатилиб, тизма туширилиши ёки айлантирилиши жараёнида қобиқларни емирса, юқорига чиқувчи юувучи суюқлик оқими билан емирлган қобиқлар юза қисмига чиқиб кетади.

Филтрацион қобиқни емириш учун маҳсус буфер суюқликлари ҳам ишлатилади. Бу суюқликлар қудуқ деворларидаги филтрацион қобиқлар билан кимёвий реакцияга киришиб, уларни қудуқ деворлари билан бирикишини кучсизлантиради ёки тўлиқ емиради. Маълум қолган бир қисмини тампонаж эритмаси сиқиб чиқаради. Бундай буфер суюқликларига

айрим кислоталар (хлорид, сулфаминли, уксус кислоталари), калций гидрооксиди, натрий фосфати ва бошкалар.

Химоген ётқизиқларидаги тузларни цементлаш жараёнида тампонаж эритмасининг дисперс мухитига эриши рўй бериши мумкин. Натижада қудуқ девори билан тампонаж тоши орасида минерал сувли қатламчаларни ҳосил бўлиши қутилади.

Вақт ўтиши билан бу қатламчалар қатлам суюқликларини харакатланиш каналчалари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Демак қудуқни герметиклиги бузилади. Герметикликни сақлаш, яъни химоген тоғ жинслари билан тампонаж тоши орасида ҳосил бўладиган минерал сувли қатламчаларни йўқотиш учун тампонаж эритмаси учун цементни тузга чидамлилигини ошириш зарур. Бундай цементдан ҳосил бўлган тош, тузлар таъсири остида емирилишга учрамаслиги зарур.

Химоя тизмасини ташки қисмига ўрнатилган пакер ёрдамида герметикликни сақлаш ва емирилиш хавфини камайтиришга эришилади. Фаворага қарши ускуналр ўрнатилган химоя тизмаларига пакер башмакка якин масофада ўрнатилади;

Эксплуатацион ҳимоя тизмаларида пакерлар газли горизонтлар қопламасидан юқори АЮОҚБ горизонтларидан юқорида ўрнатилади.

Эксплуатацион ҳимоя қувурини цементланадиган остки қисмida цемент тошини мустахкамлигини ошириш учун, цементлаш жараёнида тампонаж эритмаси қуюқланиш даврида эксплуатацион ҳимоя тизмаси ичида ортиқча босим ҳосил қилиб ушлаб туриш лозим.

Назорат саволлари.

1. Қатламларни бир биридан ажратишдан мақсад нима?
2. Қатламларни ажратишда қандай талаблар қўйилади?
3. Ажратиш сифатига қандай омиллар таъсир қиласи?

10-Маъруза. Мавзу: Бирламчи цементлаш усуллари Режа:

- 10.1. Бирламчи цементлаш усуллари хақида қисқача маълумот.
- 10.2. Бир поғонали цементлаш усуллари.
- 10.3. Икки поғонали цементлаш усуллари.
- 10.4. Манжетли цементлаш усуллари.
- 10.5. Тескари цементлаш усуллари.

Таянч иборалар: ЦА - цементлаш агрегатлари;

СМН - цемент аралашибиргич машиналар;

Погоналаб цементлаши - цемент қоришимасини қатламга ютилиб кетишини олдини олиш учун айрим ҳолларда ишлатиш тизмасини икки погонада цементланади.

10.1. Ҳозирги даврда қатламларни ажратишни асосий усуларидан бири цементлашдир. Нефть ва газ саноатида бир нечта цементлаш усулари мавжуд бўлиб, бу усуларни бажариш вазифаларига қўра қўйидаги гурухларга бўлинади:

- а) бирламчи цементлаш усуллари;
- б) таъмирлов цементлаш усуллари;
- в) ютувчи зоналарни (изоляция) беркитиш усуллари;
- г) цемент кўприкларини ўрнатиш усуллари.

Бирламчи цементлашда ҳимоя қувурлари қудукқа тушириб бўлингач амалга оширилади. Цементлашдан мақсад ўтказувчан қатламларни бир-биридан ажратиш ва ҳимоя қувурларини ташки қисмини қатлам сувлари коррозиясидан сақлаш ҳамда қудук девори ва ҳимоя қувурларини мустахкамлигини оширишдир. Бирламчи цементлашни бир нечта усулари мавжуд: бир поғонали, кўп поғонали, манжетли, тескари цеменлаш.

10.2.Бир поғонали цементлаш усули.

Бир поғонали цементлаш усули – бирламчи цементлаш усулини энг кенг тарқалган усулларидан биридир.

Қудукни ювиш ишлари тугаши билан ҳимоя тизмасига цементлаш ускуна учи қотирилади. Ускуна учининг ички қисмида иккита остки ва устки ажратувчи тиқинлар жойлаштирилади. Тиқинлар тушиб кетмаслиги учун тиқин остида тўхтатиш мосламалари мавжуд. Ускуна учида 4 та ўтказиш тармоғи бўлиб, бу тармоққа блок-манифольд ёки цементлаш насослари юқори босимли қувурлари туташтирилади.

Цементлаш қўйидагича амалга оширилади. Остки тиқинни ушлаб турилган тўхтатиш мосламаси ечилади (бурилади). Остки тиқинни юқорисидан цементлаш насослари билан маҳсус цемент аралаштириш машиналари тайёрлаган тампонаж эритмаси хайдалади. Тампонаж эритмаси остки ажратувчи тиқинини суриб ҳимоя тизмаси бўйлаб харакатлантиради. Қудукни қувур орти оралиги учун зарур бўлган хажмли тампонаж эритмаси хайдалиб бўлингандан кейин, ускуна учининг остки ёнлама ўтказиш тармоғини зулфинлари ёпилади. Юқори тиқинларни ушлаб турган тўхтатиш мосламалари бўшатилади ва уни юқорисидан босувчи суюқлик ускуна учининг юқориги тармоғи орқали хайдалади. Босувчи суюқлик сифатида юувучи суюқлик ёки сув ишлатилади. Юқориги тиқин ҳимоя қувурига тушгандан кейин яна ускуна учидаги остки ёнлама ўтказиш тармоқлари зулфинлари очилади ва улар орқали босувчи суюқлик хайдалади.

Остки ажратувчи тиқин, тизма ичидағи тўхташ ҳалқасига бориб тўхтайди. Лекин остки тиқин тўхташи вақтида ҳам суюқлик хайдалиб туриши натижасида босим тез ошади. Босимни ошиши туфайли тиқиндаги мембрана ёрилади ва тампонаж эритмаси тиқинни ўтиш тешиклари ва бошмақдан тизма орти мухитига харакатланиб чиқади.

Тампонаж эритмасини зичлиги кўп ҳолларда юувучи суюқликларни зичлигидан юқори бўлганлиги учун қувур орти мухитига тампонаж эритмаси

чиқиши билан ҳимоя қувури ичида, цементлаш ускуна ичида, цементлаш насосларида босим күтарилади. Босимни күтарилиши тиқинни остки томон харакатланиши даврида аста-секин күтарилиши қузатилади. Юқориги тиқин остки тиқинга бориб жойлашиши билан тизма ичида босим тезда ошади. Босимни тезда ошиши «сакраши» ҳимоя тизмаси ичига хайдалаётган босувчи суюқликни тұхтатиш белгиси бўлиб хизмат қилади. Бу тұхтатиш сигналы бўйича насослар тұхтатилади, ускуна учидаги зулфинлар ёпилади, қудук эса тампонаж эритмасини қотиш даврида тинч ҳолатда қолдирилади.

Агар ҳимоя тизмаси мустахкам ва герметик тескари клапан билан жихозланган бўлса, насослар тұхтатилғач ортиқча босим одатда ускуна учидаги бирорта зулфинни бир текисда очиб босим тенглаштирилади. Босимни тушириш жараёнида кам миқдорда суюқлик оқиб чиқади. Сұнгра зулфинлар ёпилади ва эритмани қотиш даври назоратга олинади. Ортиқча босим қувурни рухсат этилган босимдан юқори бўлиб кетмаслиги учун вақти-вақти билан босим, зулфинларни очиш йўли билан тенглаштириб турилади. Агарда тизмада тескари герметик клапан бўлмаса, цементлаш тугаши билан ускуна учидаги ортиқча босимни тенглаштириш (тушириш) мумкин эмас. Бундай ҳолларда цементлаш ускуна учida сақлагич клапанларни бўлиши мақсадга мувофиқдир. Маълум бир тартибга мослаштирилган клапандан босим меёридан ортиши билан сақлагич клапан ишлаб кетади ва ҳимоя тизмасини ишдан чиқишини олдини олади.

Тиқинлар ва тұхташ ҳалқаси осон бурғиланадиган материаллардан тайёрланади. Остки тиқин тампонаж эритмаси билан юувучи суюқлик ҳимоя тизмаси ичида аралашиб кетмаслиги учун ҳамда қувур ичида юувучи суюқликдан ҳосил бўлган плёнка қобиқни тозалаб олиш вазифасини бажаради. Юқориги тиқин тампонаж эритмаси билан юувучи суюқликни аралашиб кетишини олдини олади.

Амалда остки тиқинни күпинча ишлатилмайди. Остки тиқинни ишлатилмаслиги натижасида цементлаш сифати ёмонлашади.

10.3. Икки поғонали цементлаш усуллари.

Икки поғонали цементлаш. Қудукни цементланиш оралиғи икки участкага бўлинади, бундай ҳимоя тизмалари таркибиға махсус цементлаш муфтаси қўшилади. Тизмани ташқи қисмига муфтадан юқори ва остки қисмида марказлаштирувчи фонарлар жойлаштирилади. Икки поғонали цементлашни иккита тuri мавжуд. Вақтни чўзиб поғонали цементлаш жараёнида дастлаб тизма ичига биринчи миқдор тампонаж эритмаси қувур орти бўшлиқни қудук тубидан цементлаш муфтасигача ва тизма ичидаги тұхташ ҳалқаси остки участкаси, сұнгра биринчи ажратиш тиқини 2-босувчи суюқлик юзасигача бўлган хажмли тампонаж эритмаси зарур бўлади. Биринчи ажратувчи тиқин ҳимоя қувурларига сиқилиб турувчи резина манжет ва асосни ташкил этувчи қаттиқ марказий узак мавжуд. Манжетни эластиклиги ва узакни диаметри шундай мослаштирилганки, тиқин цементлаш муфтаси орқали эркин ўтади, лекин остки тұхташ ҳалқасига бориб жойлашади. Қудукни ички хажмига миқдорли босувчи суюқлик хайдалгандан кейин, таянч ҳалқаси ва цементлаш муфтаси орасидаги 2 чи

ажратиши тиқини қўйиб юбориб уни юқорисидан яна босувчи суюқлик хайдалади. Тиқин ҳимоя тизмаси бўйича остки томонга харакатланиб муфтанинг остки втулкасига жойлашади ва ундаги ўтказиш каналларини ёпди. Суюқликни хайдаш давом этар экан тизмада босим тезда ўсади; босим 3-4 МПа ўсиши жараённида втулкани ушлаб турган шпилкалар кесилади, сўнгра тиқин билан биргаликда пастга томон харкатланиб таянчгача бориб, муфтадаги ёnlама тешикларни очади. Бу тешиклар орқали тизма орти мухитига босувчи суюқлик чиқади. Қудуқни очилган тешикдан юқори қисми, остки қисмидаги тампонаж эритмаси қотгунча (бир неча соатдан бир суткагача) ювиб турилади.

Шундан кейин тизма ичига иккинчи миқдорли тизма орти юқори участкаси хажмига тенг хажмли тампонаж эритмаси хайдалади. Цементлаш ускунасидаги юқориги тиқин қўйиб юборилади. Тампонаж эритмаси муфтани ёлланма чиқиш тешиклари орқали босувчи суюқликни янги миқдори билан босиб чиқарилади. Бу босувчи суюқликни хажми, тизмани ички хажми яъни маҳсус муфтадан цементлаш ускуна учигача бўлган масофа хажмига тенгдир. Юқори тиқин цементлаш муфтаси корпусида босим остида кесилувчи шпилкалар ёрдамида қотирилган втулкага етиб боради, втулкани остки втулкани торецига таянади; шу жараёнда втулка муфта тешикларини ёпди ва тизмани ичини тизма орти мухитидан ажратади.

Тампонаж эритмаси қотиб бўлганидан кейин ва ҳимоя тизмасини юқори участкасини герметиклиги текшириб бўлиниб, тизма ичидаги тивин, маҳсус муфта ва тўхташ халқаси бурғиланади.

Вақтни узуб поғонали цементлаш усули қўйидаги ҳолларда қўлланилади: а) агарда бир поғонали цементлашда бурғилаш эритмасини ютилиши муқаррар бўлса; б) агарда аномал юқори босимли қатlam очилган бўлиб, бир поғонали цементлашдан кейин тампонаж эритмасини қотиш даврида оқим ёки газ ҳосил бўлиши кутилса; в) агарда бир поғонали цементлаш учун бир вақтни ўзида (цементлаш операциясини бажариш учун) кўплаб цементлаш насослари ва цемент аралаштириш машиналари зарур бўлса.

Бу усулни асосий камчилиги – остки қисмни ва устки қисмни цементлаш вақтини катталигидир.

Айрим ҳолларда бир қудуқ 3 ҳатто 4 марта цементланади. Бунинг учун ҳимоя тизмалар таркибига цементлаш сонига мувофик 2 ёки 3 та цементлаш муфтаси ўрнатилади. Цементлаш ишларини кетма-кетлиги икки поғонали цементлашдаги каби амалга оширилади.

10.4. Манжетли цементлаш усуллари.

Манжетли цементлаш. Бу усул маҳсулдор қатlamга киришни бешинчи усулда қўлланилади. Ҳимоя тизмасини фільтрдан юқори қисмida цементлаш муфтаси ўрнатилиб тизмани ташқи фільтр билан муфта оралиғига эгулувчан металл каркасли брезент воронка кўринишидаги манжет ўрнатилади. Манжетдан қудуқ юзасигача бўлган тизма орти мухити хажмига тенг хажмли тампонаж эритмаси қувур ичига хайдалишидан аввал тампонаж эритмасидан

олдин юувучи суюқлиқдан ажратиш мақсадида остки тиқин ишлатилса, тампонаж эритмасини босувчи суюқлиқдан ажратиш мақсадида устки ажратувчи тиқиндан фойдаланилади. Босувчи суюқликни хажми тизма ичиде жойлашган цеменлаш муфтасидан қудук юзасигача бўлган масофага тенг.

Биринчи тиқин цементлаш муфтасининг остки втулкасига бориб ўтиради, уни пастга томон тирагиб қолгунича суриб борилади ва муфта корпусидаги ёнлама тешикларни очади. Бу тешиклар орқали тизма ортига тампонаж эриитмаси суриб чиқарилади. Икинчи тиқин юқориги втулкага келиб жойлашади. Уни биринчи тиқинга келиб таянгунича суриб келади. Иккинчи тиқин биринчи тиқинга келиб жойлашганидан кейин муфтадаги тешиклар ёпилади. Цементлаш ускуна учиди ва насосларда босимни бирдан сакраши босувчи суюқликни хайдашни тўхтатиш ва зулфинларни ёпишдан дарак беради.

Агар тизмага герметик тескари клапан билан ва цементлаш муфтаси билан жихозланган бўлса, насослар тўхтатилганидан кейин ортиқча босим цементлаш ускуна учиди орқали бир текисда тенглаштирайлади. Манжет - тампонаж эритмасини ҳимоя тизмасини фильтрли қисмига чўкишини олдини олади. Газли қудукларда манжет ўрнига тизма орти ташқи пакерни ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

10.5. Тескари цементлаш усуллари.

Тескари цементлаш. Агар қудукни тескари цементлаш мулжалланаётган бўлса, қудукка тушириладиган ҳимоя тизмаси тескари клапансиз ва тўхташ халқасисиз туширилади. Қудукни ювиб бўлгандан кейин ҳимоя тизмасига цементлаш ускуна учиди юқори босимли зулфинлар билан биргаликда ҳамда лубрикатор билан бирга қотирилади. Ускуна учиди циркуляцион системасига қувур ёрдамида туташтирилади. Тизма орти мухити привентор билан герметикланади.

Цемент эритмаси тўғридан-тўғри тизма орти мухитига ҳайдалади. Цемент эритмаси суриб чиқариладиган юувучи суюқлик тизма ортидан ҳимоя тизмаси ичига, ҳимоя тизмаси ичидан ускуна учига, ускуна учиди орқали қувурларга, қувурлардан циркуляцион системага чиқади. Тампонаж эритмасини биринчи миқдори тизманинг бошмакига кириши билан насослар тўхтатилиб, қудук юзасидаги ускуна учининг зулфинлари ёпилади ва қудук тампонаж эритмаси қотгунича тинч ҳолатда қолдирилади.

Агар тампонаж эритмаси билан юувучи суюқлик зичлиги катта фарқ қиласа, тампонаж эритмаси хажми юқори бўлса қувур ортига ҳайдалаётган тампонаж эритмасини тезлиги юқори бўлиб кетиши оқибатида, бу оралиқда босим атмосфера босимидан паст бўлиши мумкин. Натижада герметик бўлмаган қувурлар уланган оралиқларда ҳаво ютилиши ёки қатламлардан суюқликни оқиб кириши рўй бера бошлайди. Бу ҳолатларни олдини олиш

учун ускуна учидаги зулфинларни қисман шундай ёпиш лозимки, ускуна учидаги босим хар доим атмосфера босимидан юқори бўлиб турсин.

Тескари цементлашда энг оғир ҳолат бу тампонаж эритмасини биринчи микдори химоя тизмасини бошмоғига кириб келганлигини билишdir. Буни ишончли амалга ошириш учун гамма-каротаждан фойдаланилади. Бу асбоб қудуқقا кабель билан ускуна учидаги лубрикатор орқали туширилади ва бошмоқдан (100-200 метр) узоқликда жойлаштирилади. Тампонаж эритмасини биринчи микдори тезда емирувчи изотоп билан фаоллаштирилади. Тизма ичида ўрнатилган асбобни чуқурлигини ва шу асбоб ўрнатилган чуқурликдан химоя тизмаси бошмагигача бўлган қувур орти мухити хажмини насосларни жами хайдаш сарфи бўйича бу оралиқни тўлдириб қувур ичига кириб уни тўлдириш вақтини осон ҳисоблаш мумкин.


Тескари цементлашда қудуқ деворларига босим кам таъсир этади (бир поғонага нисбатан). Насосларни қуввати юқори бўлиши шарт эмас; бошқа цементлаш усулларига нисбатан қувур ортини тампонаж эритмаси тўлиқ эгаллайди. Шу билан биргалиқда, бу усулда тампонаж эритмасини сифати қудуқни остки қисмида бир поғонали цементлаш усулига нисбатан ёмон. Чунки ажратувчи тиқинни ишлатиб бўлмасилиги сабабли тампонаж эритмаси билан юувучи суюқлик аралашиб кетиши кузатилади.

Тескари цементлашни қўйидаги ҳолларда қўллаш мумкин:

а) агар ютилиш хавфи бўлган ораликларда бир поғонали цементлашни ишлатиш имконияти бўлмаса; б) агарда бурғилаш майдончасига қудуқни бошқа усуллар билан цементлашга кучли насосларни етарли даражада тўплаш имконияти бўлмаса.

Қудуқни мустахкамлашда ишлатиладиган ускуналар

Қудуқларни мустахкамлашда ишлатиладиган ускуналар бўлиб, қудуқларни цементлаш учун тайёрланган мосламалар, цементлаш агрегатлари, цемент аралаштирувчи машиналар, блок манифольд ва цементлаш “бошчаси” каби мосламалар ҳисобланади.



1- расм. Цементлаш ускуна учи.

1-корпус; 2-остки ажратувчи тиқин; 3-ёнлама ўтказиш тармоғи; 4- сальникли тұхтатгич; 5-юқориги ажратувчи тиқин; 6-корпус қопқоғи; 7-крестовина; 8 - боғловчи.

Вазифаси: Кудуқларни цементлаш вақтида цемент хайдаёттан агрегатдаги цемент қоришималарини бир нүкта орқали қудуққа ўтказиш ва цементлаш тиқинини бир вақтни ўзида ушлаб туриш, ҳамда қудуқни герметик босим остида сақлаш вазифасини бажаради. Бундан ташқары қудуқни ювиш ва цементлаш ишларини амалга оширади.


Хозирги вақтда цементлаш ускуна учининг қуийдаги турлари мавжуд:

ЦГЗ, ГЦК, ГЦ5-150, СНПУ, 2ГУЦ-500.

Тузилиши бўйича бу ускуна учлари бир-бирига ўхшаш. 2ГУЦ-400 цементлаш ускуна учи қудуқни цементлаш вақтида 400 МПа босим остида ишлаши кутилади. Бунда боғланувчи тизма билан ускуна учининг боғланиш диаметри 141 мм. дан 168 мм. гача бўлади. Бу ускуна учидаги 7 та боғланувчи мослама мавжуд. Шулардан 2 таси тиқинни ушлаб туриш вазифасини бажаради.


Цементлаш тиқинининг вазифаси.

Бурғилаш эритмасини ва хайдовчи суюқликни, ҳимоя қувурларини цементлаш вақтида цементли эритмадан ажратиб туриш вазифасини бажаради.



2- расм. Цементлаш тиқинлари.

а- остки; б- юқориги; в- юқориги қисмнинг секцияли тиқини; г- шу тиқинни остки қисми; д- поғонали цементлаш жараёнида остки поғона учун юқориги тиқин; е- цементлаш муфтасини очиш тиқини.
 1- резина манжетлар; 2- металл ўзак; 3- мембрана; 4- гайка; 5- пичоқ; 6- түхтатиш халқаси; 7- жойлашиш ўрни; 8- калибрланган штифтлар; 9- жойлашиш бошчаси.



3-расм. Погоналаб цементлаш муфтаси.

1- корпус; 2- зичловчи халқа; 3- юқориги втулка; 4- калибрланган штифтлар; 5- беркитувчи втулка; 6- суюқлик ўтиши учун тешик; 7- остки втулка; 8- остки втулкани силжишини чегараловчи мослама.

Кудукларни цементлашда ишлатиладиган ускуналар қуйидагилардир:
-цементлаш агрегатлари,
-цемент аралаштиргич машиналар,
-цементлаш ускуна учи,
-цементлаш тиқини ва бошқа жиҳозлар (юқори босимга чидамли кранлар, эритмани тақсимловчи мослама, эгилувчан металл шланглар ва бошқалар).

Цементлаш агрегатлари.

Цементлаш агрегатлари ёрдамида цементни сув билан аралаштириш, цементли эритмани қудукқа хайдаш, хайдалган цементли эритмани қудукдан ташқаридаги оралиққа (қувур билан қудук девори орасидаги оралиқ), бундан ташқари цементлаш агрегатлари цемент күпприкларини (мост) қўйиш вазифасини бажаради. Цементлаш агрегатлари қуйидаги турларда ишлаб чиқарилади.

ЦА-320М, ЗЦА-400, ЗЦА-400А, ЗЦА-700, ЗЦА-1050.

Агрегатларни қудук усти билан туташиши ва марказлаштириш учун блок-манифольд ишлатилади. Блок-манифольд агрегатларни хайдовчи линиясини бириттирувчи, юқори босимли коллекторлардан ташкил топган. Бу коллекторлар бир-бири билан қўшилиб қудукни устидаги ускуна учи билан боғловчи 2 та линияни ҳосил қиласди. Бу линиялар орқали қудукқа цементни ёки тампон материалларни хайдаш вазифасини бажаради.

ЗИЛ-131 машинасининг устига ўрнатилган платформадан иборат бўлиб, унда 1- 2- 3- мавжуд.

1- Юқори босимда хайдалаётган суюқликларни қудукқа хайдовчи коллекторлар,

2 – Агрегатларни суюқликлар билан таъминловчи коллекторлар,

3 – Платформа.

Маркаси: БМ-700, БМ-700А, БМ-700-1.

Цемент аралаштирувчи машиналарнинг маркаси:

СМ-10, 2СМН-20, СПМ-20.

Бу ерда: 10, 20- машинанинг бункерига кетадиган цемент миқдори (тонна).

2- шниклар сони.

Ишлаш принципи: Юқлаш учун машина двигатели ишлаб турган вақтда узатмалар қутисини харакатга келтиради.

Назорат саволлари.

1. Бир поғонали цементлаш усулини қисқача таърифланг.
2. Икки поғонали цементлаш усулини қисқача таърифланг.
3. Манжетли цементлаш усулини қисқача таърифланг.
4. Тескари цементлаш усулини қисқача таърифланг.
5. Цементлашда ишлатиладиган ускуналарнинг вазифалари.

11-Маъруза. Мавзу: Қудуқларни ўзлаштиришга тайёрлаш ва маҳсулдор қатламни иккиламчи очиш.

Режа:

- 11.1. Қудуқларни ўзлаштиришга тайёрлаш.
- 11.2. Маҳсулдор қатламни перфорация билан иккиламчи очиш.
- 11.3. Отувчи перфараторларнинг гурухлари ва уларнинг камчилликлари.
- 11.4. Қудуқни қум-суюқлик аралашмаси билан тешиш.

11.1. Бурғилаш ишлари нихоясига етказилгач, қатламдан суюқлик оқимини олиш ва ўзлаштириш учун қудуқларда тайёрлов ишлари олиб борилади. Бунинг учун эксплуатацион тизманинг юқориги қисмiga фаввора арматураси ўрнатилади. Қудуқ юзаси атрофи яқинида фаввора арматурасига туташтириш учун суюқликлар йигиш ва сақлаш идишлари, сепараторлар, улчов идишлари, суюқлик дебитини ва газсимон фазаларни, босим ва ҳароратни ўлчаш учун асбоблар қудуқдан чиқадиган суюқликдан намуна олувчи асбоблар жойлаштирилади. Қудуқни ювиш ва суюқлик оқимини олиш мақсадида, вақтинчалик қудуқ билан боғланиш учун компрессорлар ҳамда насос агрегатлари жойлаштирилади.

Фаввора арматурасини икки қисмга бўлиш мумкин: Қувур уни ва фаввора арчаси. Қувур уни НКК (НКТ) ни осилган ҳолда ушлаб туриш учун хизмат қиласи. Фаввора арчаси қудуқдан олинадиган суюқликни ер юзасига жойлашган идишлар тармоғига туташтириш ва қудуқ юзасини герметик сақлаш учун хизмат қиласи. Қувур уни билан фаввора арчаси орасида маркази юқори босимли зулфин жойлашган. Қувур уни фаввора арчаси ёнлама тармоқларга эга бўлиб, уларни хар бири иккитадан юқори босимли зулфинлар, манометрлар билан жиҳозланган бўлса арчанинг ёнлама тармоқлари эса – термометрлар ва штуцерлар билан жиҳозланган. Қувур учининг ёнлама тармоқларига зарурият туғилган жараёнларда (масалан, қудуқдан суюқлик оқимини олиш, қудуқни беркитиш (глушения) учун) компрессорлар ва насос агрегатлари уланади.

Фаввора арматурасининг ишчи босими қудуқ юзасида содир бўладиган энг юқори босимдан кичик бўлмаслиги керак. Қудуқка фаввора арматурасини ўрнатишдан олдин паспортга кўрсатилган босим билан синааб кўрилади. Қудуқ юзасига фаввора арматураси ўрнатиб бўлингандан кейин, синаш орқали қувур уни ва фаввора арчаси герметиклиги текширилади. Қудуқдан чиқадиган чиқиши қувурлари томонидан, ҳамда қудуқдан 10 метр узоқликда арматуранинг марказий зулфинии бошқариш штурвали жойлашади ва айвонли тўсик билан атрофи ўралади.

Қудуқда синаш ишлари бошланишидан олдин, барча идишларни лойдан тозалаш ювиш, қатламни иккиламчи очиш ва ундан суюқлик оқимини олиш учун зарур бўладиган ҳамда нефть газ ҳосил бўлишини олдини олиш ёки босиш учун зарур зичликка эга бўлган суюқлик билан тўлдирилади (зарурият туғилиши мумкин ҳолларда) Бу суюқликни хажми эксплуатацион тизманинг тўлиқ хажмидан камида икки ҳисса ортиқ бўлиши керак.

11.2. Махсулдор қатламни перфорация билан иккиламчи очиш.

Күп ҳолларда қатламни бирламчи очищдан кейин қудукни түлиң эксплуатацион ҳимоя қувурлари билан мустахкамлаб, қувур орти мұхити цементланади. Бундай қудуклардан қатлам суюқлигини олиш учун ҳимоя тизмасини, цемент тошини, ва колъматация қобиғидан ўтувчи күп сонли тешикларни ҳосил қилиш зарур. Бундай тешикларни ҳосил қилиш операцияси – махсулдор қатламларни иккиламчи очиш деб аталади.

Хозирги даврда иккиламчи очиш перфоратор деб аталувчи ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Асосан отувчи ва сув-қум оқимли перфораторлар қўлланилади.

Қудукдан қатлам суюқлиги нормал оқим билан чиқиш учун эксплуатацион тизмани бир метр масофада отувчи перфораторлар билан 10 тадан 20 тагача тешик ҳосил қилиш зарур. Перфораторларни тури ва катталигига боғлиқ ҳолда қудукни бир метр оралиғида бир рейсда иккитадан 10 тагача тешик ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам қудукқа перфораторларни бир неча марта туширишга тўғри келади.

11.3. Отувчи перфараторларнинг гурухлари ва уларнинг камчилликлари.

Отувчи перфораторларни уч гурухга бўлиш мумкин: - эксплуатацион ҳимоя тизмаси ичida НКК бўлмаган ҳолда тушириловчи перфораторлар; - НКК ичидан тушириловчи перфораторлар; - НКК билан тушириловчи перфораторлар.

Иккиламчи очиш учун қайси гурух перфораторларини танлаш, қудукни перфорациялашга тайёрлаш характеристига ва ишлар хажмига, перфорацияни давомийлигига ва рейслаор сонига, иккиламчи очишни самарадорлигига, шунингдек отиш ишлари жараёнида қудукни мустахкамлигига келтириладиган шикастни (зарар) инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Биринчи гурух перфораторлари билан тешиклар ҳосил қилиш учун эксплуатацион тизмани шундай юувучи суюқлик билан тўлдирамизки, қудукқа ҳосил қилинган босим 2-3 МПа дан юқори бўлмаслиги керак. Махсулдор қатламни отилган тешиклар орқали юувучи суюқлик билан ифлосланишини минимумга камайтириш мақсадида перфорация қилинадиган масофадан 100-200 метр юқори оралиқ кимёвий реагентлар билан ишланган, сув берга олувчанликни камайтирувчи, қаттиқ фазасиз суюқлик билан тўлдирилади.

Перфорация бошланишидан аввал қувур уни крестовикасига перфоратор зулфини ўрнатилиб, эксплуатацион тизмани рухсат этилган босимидан юқори босимда синаб кўрилади. Зулфинни штурвали қудукдан 10 метр узоқликда жойлаштирилиб, айвонли тўсиқ билан атрофи ўралади.

Қудук тайёр бўлганидан кейин, ўқланган перфоратор кабель билан эксплуатацион ҳимоя тизмаси ичига белгиланган махсулдор коллектори

отиладиган масофага туширилади ва отиб тешиклар ҳосил қилинади; гилли қатламчалар мавжуд коллекторларда отиб тешик ҳосил қилиш тавсия қилинмайди. Перфораторларни ҳар-бир отилишида қудук ичидағи юувучи суюқликни маълум бир қисми қатламга киради. Маҳсулдор қатламда вақтидан илгари қатлам суюқлиги оқими ҳосил бўлишини олдини олиш учун ҳимоя тизмаси ичига юувучи суюқликни ўз вақтида тўлдириб туриш ва уни сатхини қудук юзасидан туриб сақлаб туриш лозим.

Перфорация тугаши билан қудукдан кабель қўтариб олинади, НКК перфорация қилинган чегарани юқори қисмiga туширилади. Агарда маҳсулдор қатламни коллектори мустахкам бўлмаса НККни остки қисми перфорация қилинган оралиқдан 100-150 метр юқорида бўлиши лозим.

Қолган икки гурух перфораторлари ёрдамида ўтказиладиган отиш ишларида қудук юзаси герметик бўлган ҳолда амалга оширилади. Бундай ҳолатда зарур бўлган депрессияни ушлаб туриш ва коллекторни суюқлик билан ифлосланишини олдини олиш мумкин бўлади.

Агар отиш ишлари учун иккинчи гурух перфораторларини ишлатиш зарур бўлса, қудукни қатлам босимига нисбатан белгиланган кам босимни перфорация оралиғида ҳосил қилувчи суюқлик билан тўлдирилади. НКК ларни остки қисми перфорация қилинадиган оралиқни юқори қисмida бир қанча юқори масофада жойлаштирилади.

Қудук юзаси фаввора арматураси билан герметик сақланади. Арматура буферини маҳсус лубрикатор билан алмаштирилади. НКК ичидан перфоратор кабель ёрдамида туширилади. Отиш ишлари тутатилганидан кейин арчадаги лубрикатор ечиб олинади ва унинг ўрнига манометрли буфер қўйилади.

Учинчи гурух перфораторлари қудукка туширишдан аввал НККни остки қисмiga маҳсус переводник ёрдамида бириктирилиб қотирилади. Перфораторнинг узунлиги 50 метргача етиши мумкин. Агарда маҳсулдор қатлам бир нечта коллектор қатламчалардан иборат бўлса, перфораторга кумулятив зарядлар шундай жойлашиши керакки, бизга зарур бўлган қатламни теша олишимиз керак.

Белгиланган оралиқча перфоратор НКК билан туширилиб, қудук устига фаввора арматураси ўрнатилади ва қудук қатлам босимидан кичик бўлган босим ҳосил қилувчи суюқлик билан тўлдирилади. Сўнгра НККни ичига резина шар ташланиб компрессор билан ҳаво ёки насос билан суюқлик шарни перфораторларни штокигача бориб тирагинуча хайдалади. Босимни тезда ошиши ҳисобига шток харакатланиб детанаторни капсуласига урилиши натижасида, портлаб отилиш рўй бериши перфоратор ишлай бошлаганини билдиради. Перфорация тугаши билан перфораторни қудукдан (қўтармасдан) чиқармасдан қудукни синаш мумкин. Учинчи гурух перфораторларини ишлатиш вақтини минимум сарфига ва бошқа отувчи перфораторларга нисбатан юқори унумдорликка эга.

Отувчи перфораторларни асосий камчиликлари:


- а) тоғ жинсида ҳосил қилинадиган канални узунлиги, тизма ортидаги тампонаж тошини мустахкамлигига тоғ жинсини мустахкамлиги, сиқилишига боғлиқ;
- б) тешик деворларида зичланиш юқори;
- в) перфорация жараёнида эксплуатацион тизмада яъни отиладиган оралиқда нуқсонлар (деффект) бўлиши кутилади;
- г) тампонаж тошларида ёрилиш содир бўлади.

Нуқсонларни ҳосил бўлиш эҳтимоли перфорация (зич) тикис бўлганда, бир моментда кўплаб тешиклар ҳосил қилинганида кузатилади.

Кумулятив перфорацияяга нисбатан торпедали ва ўқли перфорацияда нуқсонлар юқори бўлади.

Иккиламчи очишни энг самарали усули сув-қум оқимли перфорация усулидир.

Тешишнинг бу усули қудук деворига йўналтирилган бўлиб, маҳсус насадқадан суюқлик қум аралашмаси катта тезлиқда харакатланишидаги кинетик энергиясига ва деворни емириш хусусиятига асосланган. Қисқа вақт ичидаги мустахкамловчи қувурлар тизмаси, цемент тоши, тоғ жинслари тешилиб қатламда тешик ёки ариқчасимон канал ҳосил қилинади.




Суюқлик қум оқимли перфоратор ёрдамида тешиш тархи. 1- хвостовик-перо; 2- корпус; 3- шарикли клапан; 4- насадкани ушловчи; 5- стоп халқа; 6- насадка; 7-тиқин.

Суюқлик қум аралашмаси қудук усти атрофига ўрнатилган насослар ёрдамида насос компрессор қувурлари бўйлаб перфораторга хайдалади.

Бу усул янги бурғиланган қудукларда маҳсулдор қатламни тешишда ва ишлатиш қудукларининг маҳсулдорлигини ошириш учун ҳам қўлланилади.

Суюқлик қум оқимли тешиш усулидан қудукда бир қатор ишларни бажаришда ҳам фойдаланилади:

- қудукда мустахкамловчи қувурларни тизмасини, НККни, бурғилаш қувурлар тизмасини кесишида;
- қудукдаги металл, цемент стаканларини ва қаттиқ қумли тиқинларни бузишда;
- қудук туби атрофини кенгайтиришда;



Назорат саволлари.

1. Қудук ўзлаштиришга қандай тайёрланади.
2. Иккиламчи очиш деганда нимани тушунасиз?
3. Фаввора арматураси қандай танлаб олинади?
4. Перфораторларнинг вазифаси нимадан иборат ва улар қандай гурухларга бўлинади?
5. Перфораторларнинг камчилликларини айтиб ўтинг.

12-Маъруза. Мавзу: Қудукка кўприк қўйиш ва ажратиш - таъмирлаш ишларини олиб бориш.

Режа:

- 12.1. Қудукка кўприк қўйиш.
- 12.2. Ажратиш – таъмирлаш ишларини олиб бориш.
- 12.3. Нуқсонли участкаларни жойлашган ўрнини аниқлаш.
- 12.4. Резбали бирикмаларда герметиксизликни бартараф этиш.

12.1. Кўприк деб, қудук остки қисмини юқори қисмидан ажратувчи сунъий иншоатга айтилади. Кўприклар резинали, пластмассали, металли, цементли ва бошқа бурғиланадиган материаллардан бўлиши мумкин. Уларни очик стволда ҳамда ҳимоя тизмасини ички қисмида ўрнатиш мумкин.

Истиқболли горизонтларни синаш жараёнида қатlam синагичи учун таянч вазифасини бажарувчи сунъий қудук туви сифатида, шунингдек ўтказувчан горизонталларни қувурни ички қисми билан туташган оралиқларини бир-биридан вақтинчалик ёки доимий ажратиш мақсадида ҳимоя тизмаси ичida кўприклар қўйилади.

Кўприк тайёрлашни энг самарали усули қуйидагича. НКК остки қисмiga резьба ёрдамида қотирилган ичи ғовак (буш) контейнер билан ҳимоя тизмаси ичiga туширилади. Конteйнерни ичida марказий ўтиш каналига эга бўлган манжетли тиқин калибрланган штифтлар ёрдамида қотирилган. Конteйнер қўйилиши лозим бўлган кўприкни остки чегарасида жойлаштирилади.

Қудук тўлик ювиб бўлинганидан кейин НККни ичiga биринчи ажратиш тиқинини жойлаштирилиб, устидан ҳисобланган миқдорлик тампонаж эритмаси хайдалади. Сўнгра цементлаш ускуна учидаги иккинчи ажратиш тиқини қўйиб юборилиб, устидан белгиланган миқдорда босувчи суюқлик хайдалади. Тампонаж эритмасини зарур миқдори қўйиладиган кўпrik хажмини тахминан 120 % га teng бўлса, босувчи суюқликни зарур хажми эса НККни ички хажмiga teng. Биринчи ажратиш тиқини, манжетли тиқингача бориб, уни ўриндигига жойлашади ва ўтиш канални ёпди. Босувчи суюқликни хайдалиб туриши натижасида НКК ичida босим тезда ошади. Босим 3 МПа борган вақтда калибрланган штифтлар кесилиб, манжетли тиқин (биринчи ажратиш тиқини билан бирга) контейнерлардан

чиқади ва кенгайиб ҳимоя тизмаси деворларига зичлашади. Тампонаж эритмаси манжетли тиқин остидан қувур орти муҳитига сиқиб чиқарилади.

Иккинчи ажратувчи тиқин НККни контейнер билан бириктирувчи боғловчини ўриндигига жойлашиши билан босувчи суюқликни қувурлар тизмаси ичидә харакатлана олмайды ва яна цементлаш ускуна учиды босим тезда ошади. Шу вақтда суюқликни хайдаш тұхтатилади. Сүнгра НККни шундай күтариш лозимки контейнер қўприкни юқориги чегарасидан 20-25 метр юқорисида бўлсин. Қудуқни яна тескари циркуляция усули билан тўлиқ ювилади. Ювиш жараёнида иккиламчи ажратиш тиқини юза қисмига чиқарib юборилади. Тампонаж эритмаси қотганидан кейин бурги билан бурғилаш қувурлари туширилиб қўприкни юқори чегарасини чуқурлиги аниқланади.

Унинг кучсиз юқори қисми бурғиланади ва суюқлик устуни босимини камайтириш орқали герметиклиги текшириб кўрилади. Агар қўприк герметик бўлмаса, унда уни бурғилаб ўтилиб, қўприк қўйиш операцияси тақрорланади.

12.2. Ажратиш – таъмирлаш ишлари.

Таъмирлов цементлаш ишлари - қатлам суюқлеклари бир горизонтдан бошқа бир горизонтга ёки атмосферага тампонаж тоши каналлари ёки ёриқларидан чиқиб кетишини олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида; тизма орти муҳитида бирламчи цементлаш жараёнида тампонаж эритмаси билан тўлдирилмаган участкалар; ҳимоя тизмаси герметик бўлмаган ораликлар ажратилади.

Таъмирлаш – ажратиш ишларини бошлашдан аввал нуқсон мавжуд участкаларни ва герметик бўлмаган участкани лой, зангдан тозалаш, ҳамда улар орқали бўладиган циркуляцияни жадаллигини аниқлаш керак.

12.3. Нуқсонли участкаларни жойлашган ўрнини аниқлаш.

Нуқсонли участкаларни жойлашган ўрнини аниқлаш. Бу масалани аниқлашни бир неча усуллари мавжуд. Шундан иккитасини кўриб чиқамиз.

Биринчи усулда остки қисмида пакер бўлган бурғилаш қувурлари ҳимоя тизмаларининг ўртасида бўлган чуқурлигига туширилиб қувурлар оралиғи пакеровка қилиниб привенторлар ёпилади. Сүнгра қувур ичига сув хайдалиб қудук юзаси босими ҳосил қилинади ва 0,5–1 соат ичидә қувур ичидаги ва қувурлар орасидаги босим назорат қилиб турилади. Агарда шу вақт мобайнида босим ўзгармаса, демак ҳимоя тизмасини остки қисми герметик деб ҳисобланади.

Бунда босим туширилиб, пакер озод қилинади. Бурғилаш қувурлари юқориги участкаси ўртасигача кўтариб яна пакеровка қилинади ва юқоридаги ишлар тақрорланади. Агарда қувурлардаги синаш босими камайса, лекин қувурлар орасидаги босим ўзгармаса унда нуқсонли участка аввалги пакер қўйилган оралиқ билан пакеровка қилинган оралиқда жойлашган бўлади. Бу оралиқ таянч тенг икки участкага бўлинади. Пакер участкаси ўртасига қўйилиб пакеровка қилинади ва пакер ости муҳити синааб кўрилади. Синаш жараёни шундай олиб борилиши керакки, нуқсонли

участка 10-20 метрли масофада қолдирилиб, сўнгра ажратиш ишлари амалга оширилади.

Герметик бўлмаган резьбали бирикмаларни аниқлашнинг энг самарали усули, ҳаво билан синаб кўришдир. Ҳимоя тизмасини резьбали бирикмаларини герметиклигини синаб кўриш учун, ҳимоя тизмаси ичига НКК туширилади.

Қудук юзаси герметикланганидан кейин қудук тоза сув билан ювилади. Ҳимоя тизмаси билан НКК орқали ўлчов идишига сув чиқариб олиниши йўли билан қудук ичидағи сув сатхини 50-100 метрга камайтирилади. Сўнгра НККни юқори қисмидаги зулфин ёпилиб, компрессор билан ҳаво босими 12-16 МПа гача оширилади ва 0,5-1 соат оралиғида қувурлар оралиғидаги ва қувур орти мухитида босим манометрлардан кузатиб турилади. Агар босим ўзгармаса юқориги участкалардаги резьбали бирикмалар герметик деб ҳисобланади. НККдаги зулфин очилиб, сувнинг сатхини яна 50-100 метрга камайтирилади. Зулфин ёпилиб, ҳаво босими яна 12-16 МПа гача оширилади ва манометрларни кўрсатиш назорат қилинади. Агарда навбатдаги синаш жараёнида босим қувур орти мухитида кўтарилса, нуқсонли оралиқ сўнги сув сатхи туширилган тизмалар орти мухитида бўлади.

Агарда босимни ўсиши суст бўлса, сувли суюқлик сатхини яна 50-100 метрга туширилади ва синаш давом эттирилади. Янги оралиқда тизма орти бушлиғида босимни жадал ўсиши резьбали бирикмаларда герметиклик йўқлигини билдиради.

12.4. Резбали бирикмаларда герметиксизликни бартараф этиш.

НККни остки қисми герметиклиги бузилган чегарадан пастки оралиқда бўлиши лозим. НККга навбати билан хажми 100 метр бўлган қувурлар оралиғи хажмига тенг дизель ёқилғиси маълум миқдорли қотувчи материал билан бирга ГТМ-3 гидрофобли тампонаж материали, иккинчи порция 100 метр қувур ичи бўшлиғи хажмига тенг миқдорда дизель ёқилғисини хажми 150-200 метр қувурлар орти бушлигини хажмига тенг. Қачонки НККдан ГТМ-3 чиқиб, қувурлар оралиғига кириши билан қудук юзаси герметизация қилинади. НКК эса 0,5-1 соат қудук юзасида босим остида ушлаб турилади. Сўнгра босим туширилиб, 120-150 метр юқоридаги эритма аралаштирилади. Қувурлар бўшлиғи ёрилиб, яна НККда босим ҳосил қилинади. Бу операция ГТМ-3 эритмаси нуқсонли участкасидан юқорига чиқиб қолгунича давом эттирилади, сўнгра тизма ювилиб ГТМ-3 тўлик чиқариб олинади.

Назорат саволлари.

1. Кўприк деб нимага айтилади ва улар қандай материалдан қўйилади?
2. Кўприкларни қўйиш жараёнини тушунтиринг.
3. Ажратиш – таъмирлаш ишлари деганда нимани тушунасиз?
4. Нуқсонли оралиқларни жойлашган ўрни қандай аниқланади?
5. Резьбали бирикмаларда герметиксизликни қандай бартараф қилинади?

13- Маъруза. Мавзу: Отилишга қарши ускуналар жамламаси.

Режа.

- 13.1. Нефть ва газларни отилиш (фаввора)дан сақлаш ускуналари.
- 13.2. Универсал привенторлар.
- 13.3. Айланувчи привенторлар.

Таянч иборалар: Плашкали привентор - юқориги ва остки плашкапардан иборат привентор;
ОҚУ - отилишга қарши ускуналар.

13.1. Отилишга қарши бўлган ускуналар қудук устини ёки юзасини герметик сақлаш мақсадида, яъни очик фавворалардан ва бурғилаш вақтида ҳосил бўладиган (фаввора, отилишлардан текширишда, синашда ва қудуқни ўзлаштиришда ишлатилади

Фаввора ҳосил бўлишини асосий сабабларидан бири қатлам босимининг бурғилаш эритмасининг устун босимидан юқори бўлишидир.

Қатлам босими хар 10 метрда тахминан 0,1 МПа га ортади, лекин шундай қатламлар мавжудки аномал паст босимли ёки аномал юқори босимли қатламлар бўлиши мумкин. Бу қатламлар юқоридаги тенгликка бўйсунмайди.

Очиқ фавворалар ва отилишлар хизмат қўрсатаётган шахсга хавф тутдиради ва атроф-мухит ифлосланишини ҳамда ёнғин содир бўлишини келтириб чиқаради. Шунинг учун фавворага қарши ускуналар ишончли ва доимо юқори даражада тайёр ҳолатда туриши лозим.

Фавворани олдини олиш учун қуйидаги технологик операциялар бажарилган бўлиши лозим:

1. Муфтали мустахкамловчи қувурлар ва қулф бирикмали бурғилаш қувурлари айланишга ўтишда тортиб олиш шароитига эга бўлиши керак;
2. Қатламга қарши босим ҳосил қилиб, ёпиқ циркуляция ҳосил қилиш;
3. Қатламга бурғилаш эритмасини бурғилаш насослари билан хайдаш.

Фавворага қарши мослаштирилган ускуналар таркибига қуйидагилар киради:

- 1) Привенторлар;
- 2) Крестовина;
- 3) Привентор устига ўрнатиладиган катушка;

4) Кенгайтирилган (ажраладиган) металл нав (желоба). Бурғилаш эритмаси таркибида нефть, газ ҳосил бўлганда бошқариш қулай бўлиши учун привенторни ва манифольдларни бошқариш станцияси мавжуд.

Нефть газларни отилишдан сақловчи ускуна қудук усти билан бурғилаш минорасининг поли остида жойлашади. Нефть газ саноатида хавфсизликни сақлаш учун фавворага қарши ускуна қидирав майдонларини бурғилашда, газоконденсатли ва газли конларда ҳамда аномал юқори қатлам босимли қудуқларда ўрнатилиши шарт.

Қудук юзаси кондукторни ва оралиқ тизмаларни цементлаб бўлгандан кейин привентор билан жиҳозланади. Фавворага қарши ускуналар герметик ва мустахкамлигини қудук устига жойлаштирилгандан кейин текшириб кўрилади. Мустахкамликка синаётганда синов босими P рухсат этилган ишчи босими P_p га қараб аниқланади.

$$P = 2P_p$$

Привенторларнинг ўтиш оралиғи диаметри 350 мм дан юқори бўлган ва ишчи босими 70 МПа дан юқори бўлган привенторлар учун мўлжалланган.

Герметикликка синаш учун фавворага қарши ускуналарни бошқариш пульти қудуқдан 10 метр масофадан кам бўлмаслиги, ёрдамчи (дублер) бошқарув пульти бурғиловчининг олдида жойлашган бўлиши керак.

Қудук юзасини герметик сақлаш учун плашкали, универсал ва айланувчи привенторлар ишлатилади. Бу привенторлар қудуқда бурғилаш қувурлари бўлган ва бўлмаган ҳолда қудуқни герметик сақлаш учун мўлжалланган.


1- жадвал

Тури ва катталиги	Ўтиш тешиги- нинг диаметри мм	Ишчи босим P_p (МПа)	Ҳимоя кувурининг диаметри мм.	Баланд- лиги мм	Оғир лиги
ППГ 180x200	180	21	33-114	310	700
ППГ 180x350	180	35	33-127	350	750
ППГ 180x700	180	70	33-127	400	1000
ППГ 230x350	230	35	33-168	350	900
ППГ 230x700	230	70	33-168	430	1500
ППГ 280x210	280	21	33-168	430	1000
ППГ 280x350	280	35	48-219	500	1400
ППГ 280x700	280	70	48-219	550	1700
ППГ 350x210	350	21	114-219	450	1500
ППГ 350x350	350	35	60-273	500	1700
ППГ 350x700	350	70	60-273	600	3000
ППГ 425x140	425	14	60-340	450	1300
ППГ 425x210	425	21	60-340	500	1800
ППГ 520x140	520	14	60-425	590	2100
ППГ 520x210	520	21	60-425	640	2400

13.2. Универсал привенторлар.

Бу привенторлар қудуқда бурғилаш қувурлари бўлган ва бўлмаган ҳолда, ҳамда агар қудуқда бурғилаш тизмалари мавжуд бўлса, герметик сақлаган

холда бурғилаш қувурларини тортиб олишга мүлжалланган. Универсал привентор қудук юзасини герметик сақлаётгандан предметни диаметри ва формасидан қатъий назар қудуқни герметик сақлаб туриш қобилиятига эга.



1- расм. Универсал привентор.

Универсал привентордаги зичловчи манжетларнинг ўртача ишдан чиқиши вақти белгиланган.


Қудукда босим 10 МПа бўлган вақтда универсал привентордан 2000 метргача бўлган бурғилаш қувурларини герметик сақланган холда тортиб олиш мумкин.

13.3. Айлантирувчи привенторлар.


Қудук юзаси герметик сақланган холда, қудук юзаси билан бурғилаш тизмалари орасидаги халқа оралигини герметик сақлаш ва кўтариб-тушириш, ҳамда айланиш шароити билан таъминлаш вазифасини бажаради.

2- жадвал


Тури ва катталиги	Ўтиш тешигининг диаметри	Ишчи босим МПа	Ҳимоя қувури диаметри	Баланд- лиги мм.	Оғир- лиги кг.
	мм		мм.		
ПУ1-180x210	180	21	127	830	1300
ПУ1- 180x350	180	35	127	970	2000
ПУ1-180x700	180	70	127	1200	6000
ПУ1- 230x350	230	35	146	1170	3300
ПУ1- 230x700	230	70	146	1500	9500
ПУ1- 280x210	280	21	194	1050	2700
ПУ1- 280x350	280	35	194	1270	4000
ПУ1- 280x700	280	70	194	1700	1300
ПУ1- 350x210	350	21	273	1200	4400
ПУ1- 350x350	350	35	273	1430	8000
ПУ1- 350x700	350	70	273	1900	18000
ПУ1- 425x140	425	14	340	1300	6200
ПУ1- 425x210	425	21	340	1420	8200
ПУ1- 520x210	520	21	426	1700	15000



2- расм. Айлантирувчи привентор.



3- расм. Плашкали привентор.



4- расм. ОКУ схемасининг кўриниши.

Назорат саволлари.

1. Отилишга қарши ускуналарнинг вазифаси нимадан иборат?
2. Плашкали привенторларнинг тузилиши ва вазифасини тушунтириб беринг.
3. Универсал привенторларнинг тузилиши ва вазифасини тушунтириб беринг.
4. Айлантирувчи привенторлар қандай ишлайди?
5. Қандай ҳолатларда фаввора содир бўлади?
6. Чуқурлик ошган сари қатлам босими қандай ўзгариб боради?
7. Фаввораларни олдини олиш учун қандай чоралар кўрилади?
8. Фавворага қарши мослаштирилган ускуналар таркибиға нималар киради?
9. Фавворага қарши ускуналарнинг бошқариш пульти қаерда жойлашган булади?
10. Отилишга қарши ускуналар схемасини чизиб, тушунтириб беринг.

14 - Маъруза. Мавзу: Бурғилаш жиҳозлари.

Режа:

- 14.1. Бурғилаш минораларининг турлари ва уларнинг асбоб-ускуналари.
- 14.2. Тоғ жинсини емирувчи инструментлар ва уларнинг турлари.
- 14.3. Кудук бурғилаш жараёни механизмлари ва уларнинг турлари.

14.1. Бурғилаш минораларининг асбоб-ускуналари

Бурғилаш лебедкаси

Бурғилаш қувурлар бирикмасини тушириш ва кўтариш, уларни бураб очиш ва ёпиш, мустаҳкамловчи қувурлар бирикмасини оғирлиги бўйича тутиб туриш ёки уни секин тушириш, қудук тубига долотони узатиш, двигателъдан роторга қувват бериш, Бурғилаш минорасини кўтариш ва тушириш каби ишларни бажаришга мўлжалланган механизм.

Улар бурғилаш қурилмаси таркибида киради. Бурғилаш лебедкаси кўтарувчи (барабан ўқи, тасмали тўхтатгич, ротор трансмиссияси) ва трансмиссион (занжирли коробка узатмаси, оралиқ ўқи (вал), долото узатувчи регулятор) каби қисмлардан ташкил топган. Лебедка тезлиги бурғилаш пультидан бошқарилади.

Бурғилаш лебедкасининг ҳамма элементлари пайвандланган ромга ўрнатилган. Кўтарувчи ўқ (вал)га қувват кўп қаторли втулка-ғилдиракли занжир орқали узатилади. Бурғилаш лебедкасининг тўрт, олти, саккиз ва копёрли, червякли, қурилиш ва бошқа хиллари мавжуд.

Тал системаси

Бурғилаш қурилмасининг тал системаси лебедка барабанининг айланма ҳаракатини илгакнинг илгарилма ҳаракатига ўзгартеришга ҳамда арқон тармоқларининг юкини камайтиришга мўлжалланган. Бурғилаш қурилмаларининг тал системаси асбобларини тушириш ва кўтариш, бурғилаш жараёнида долотони қудук тубига узатиш, мустаҳкамловчи қувурларни қудукга тушириш ва қудукда содир бўладиган ҳар хил асоратларни бартараф қилиш ишларини бажаради. Юк кўтаришга ва арқон ўрами сонига қараб тал системаси ҳар хил тур ўлчамларига эга бўлади: масалан, юк кўтариш 50-75 тонналик қурилмаларда шкив сони 2x3 ва 3x4, юк кўтариши 100-300 тонналик қурилмаларида эса шкив сони 3x4, 4x5, 5x6 ва 6x7 бўлган тал системасидан фойдаланилади. Тал системаси таркибида кронблок, тал блок, илгак ва илгак блоклар киради.

Тал блоки

Айрим илгакларга ёки илгакнинг блок қисмига бирлаштирилган кронблок, тал арқонига илиб қўйиладиган тал системасининг ҳаракатчан қисми. У пайвандланган корпусдан иборат бўлиб, унга шкивлар ва подшипникнинг узел (тугик)лари жойлаштирилган. Талли блокнинг юк кўтариш қобиляти 10, 12, 20, 25, ва 35 тоннага teng.

Кронблоклар

Кронблок металл рамага ўрнатилган бир нечта ғалтаклардан иборат. Кронблок бурғилаш минорасининг юқори қисмида жойлашган бўлиб, қувурларни кўтариб-туширишга хизмат қиласди.

Крюкоблок (илгакли блок)

Крюкоблок тал системасини ҳаракатланувчи қисми бўлиб бурғилаш қувурларни тушириб кўтаришга, мустаҳкамловчи қувурларни туширишга, уларни осилган ҳолда кўтариб туришга хизмат қиласди. Крюкоблок корпус ичига ўрнатилган ғалтаклардан ва унга осилган илгакдан иборат. Тал блок ва илгаклар алоҳида-алоҳида ҳам бўлади. Лекин, ҳозирги пайтда талблокга илгакни бирлаштириб уларни крюкоблок номи билан ясад чиқарилмоқда.

Вертлюглар

Вертлюг тал системаси ва бурғилаш қувурлар бирикмасини бир-бирига боғловчи аслача. Вертлюг бурғилаш қувурларини айлантиришга, бир вақтда насосдан келаётган суюқликни ўтказиб, забойга юборишга мосланган. Вертлюг оғир юк кўтариб, юқори гидравлик босимни ҳам ушлаши керак.

Тал арқони

Тал арқони – лебедка билан илгакли тал блоки орасида боғловчи вазифасини бажариб, тал системаси бажарадиган ҳамма ишларда иштирок этади. Тал арқонини тайёрлашда мустаҳкамлик чегараси $1600-1800 \text{ мн}/\text{м}^2$ бўлган юқори углеродли ва юқори марганецли симлардан фойдаланилади.

Бурғилаш қурилмаларида тал системасининг доировий шаклдаги олти ўрамли пўлат арқонлари кенг қўлланилади. Ундан ташқари ишлаб чиқаришда, айниқса Бурғилаш ишларида ҳар хил ўлчамли Бурғилаш, асбобли, желонкали, рухланган арқонлар ишлатилади. 3.1 жадвалда тал арқонлари характеристикаси берилган.

3.1 жадвал

Канат диаметри, мм	Канат кесимининг юзаси, мм^2	1 м канат оғирлиги, кг	Канатни узувчи куч, т	Ташқи қаватдаги симларнинг диаметри, мм
22,0	204	1,90	32,0	1,0
28,0	376	3,38	57,6	1,8
38,0	672	5,98	102,9	2,4
44,5	-	8,20	120,0	2,8

Тушириш ва кўтариш жараёнида қўлланиладиган механизм ва асбоблар

а) Элеватор –тушириш ва кўтариш жараёнида бурғилаш қувурлар бирикмасини туширишга ва уларни оғирлиги бўйича ушлаб туришга хизмат қиласди. Бурғилаш жараёнида ўлчамларига, юк кўтариш қобилиятларига, тузилишига қараб ҳар хил турда (автоматик, плашкали, қувурли, шлангали, понали) ги элеваторлар қўлланилади.

Булар ичидаги энг кўп тарқалгани ЭБ-турдаги элеватор ҳисобланади.

Чукур қудуқларни бурғилашда катта юк кўтариш қобилиятига эга бўлган ЭКБ турдаги элеватордан фойдаланилади.

Иш жараёнида элеваторнинг қуидаги ишга яроқли ҳолатлари текширилиб турилади:

- а) элеваторнинг юқорги ва пастки таянч текислиги бир-бирига параллел бўлишлиги;
- б) элеватор корпусининг юқориги чет юзаси билан қопқонинг бир текисликда бўлишлиги;
- в) осилиб турган элеваторларда нуксонларнинг бўлмаслиги;
- г) элеватор қопқоғи ёпилганда пуржина таъсирида элеватор тепкиси (собачка) нинг автоматик ёпилиши.

Элеваторлар асосан болғаланган ёки қуюлган оддий ёки легирланган пўлатлардан тайёрланади. Элеватор штроп ёрдамида кўтариш илгагига осиб қўйилади.

в) Машина калитлари

Машина калитлари – бурғилаш қувурларини ҳамда шу ўлчамга эга бўлган бурғилаш қувурлар бирикмалари элементларини бураб очишга ва мустаҳкамлашга мўлжалланган мослама.

Бунда бир вақтнинг ўзида икки – тутиб турувчи (кўзғалмас) ва буровчи (ҳаракатчан) калтлардан фойдаланилади. Улардан энг кўп тарқалгани УМК-1 туридаги уч шарнирли универсал машина калити ҳисобланади.

Бу калитлар бурғилаш қувурларини ёки диаметри 108 дан 178 мм гача бўлган купорларни тутиб туришга хизмат қиласди. Одатда калитлар горизонтал ҳолатда осилиб қўйилади.

г) Айланма калитлар

Айланма калитлар бурғилаш қувурлар бирикмасини қудукга бураб мустаҳкамлаб туширишга мўлжалланган асбоб. Бу калитлар билан бурғилаш қувурлар таҳминан бурилади, кейин машина калтлари билан оҳиригача маҳкамланади. Айланма калтларнинг конструкцияси жуда оддий, уни алоҳида парвариш қилиш талаб қилинмайди.

Бунда котушкага ўралган диаметри 10-12 мм бўлган цинкланган арқон корпусга пайвандланган илгакга, цинкланган арқоннинг иккинчи учи эса канопли арқонга уланади. Айланма калит билан иш жараёнларини енгиллаштириш учун айланма калитга арқонни улаш учун пирпираклар (вертушка)дан фойдаланилади.

е) Автоматик бурғилаш калитлари

Бурғилаш жараёнида тушириш ва кўтариш ҳамда бурғилаш қувурларини бураб очиш ва маҳкамлаш ишларини тезлатиш ва енгиллаштириш мақсадида АҚБ ва ПБК турдаги автоматик калитлар кенг қўлланилади. Уларнинг техник характеристикаслари 3.2-3.3 жадвалда берилган. Бундай автоматик калитларни қўллаш иш тезлигини 30-40% га оширади.

з) Бурғилаш штропи – Бурғилаш илгаги билан элеватор орасидаги бирлаштирувчи қисм. Унга Бурғилаш асбоби ёки мустаҳкамловчи қувурлар бирикмаси осилиб қўйилади.

Штропнинг юк кўтариш қобилияти 25, 50, 75, 125, 200, 300 тоннага тенг. Одатда 25, 50 ва 75 тонна юк кўтарувчи штроплар Бурғилаш қудуқларини таъмирлаш жараёнида кенг қўлланилади.

3.2 жадвал

АКБларнинг техник характеристикаси

Параметрлари	АКБ-3М2	АКБ-ЗМ-300	АКО
1. Системадаги ҳаво босими, кг/см ²	6-10	6-10	6-10
2. Кўп айланиш тезлиги, айл./мин.	84	84	84
3. Энг кўп айлантирувчи момент, кН.м			
Свечаларни ечиб олишда	60	60	60
Свечаларни боғлашда	25	25	25

3.3 жадвал

ПБК характеристикаси

Параметрлари	ПБК-1	ПБК-3	ПБК-4
1. Қувурлар диаметри, мм			
Парамалаш қувурлари	114 ÷ 168	114 ÷ 168	73 ÷ 168
Мустахкамловчи қувурлар	141 ÷ 194	114 ÷ 168	101 ÷ 245
2. Айлантирувчи момент, кг/м:			
Очиб ва боғлашда	80-90	168	-
Маҳкам боғлашда	1200-1500	600	1210
3. Двигател тури	ДР-10	БВУ-1	БВУ-1
4. Двигатель қуввати, от қучи	10	4,5x2	4,5x2
5. Ҳар бир боғланишга ёки очишга сарфланган ҳаво ҳажми	0,8	1,1	1,1
6. Системадаги ҳаво босими, кг/см ²	3-6	3-6	3-6
7. Оғирлиги, кг	984	540	788

Бурғилаш жиҳозлари

Бурғилаш минораси ва бурғилаш қувурлар бирикмасини тушириш ва кўтариш асбоб-ускуналари

Бурғилаш қудуқларини бурғилаш жараёни бурғилаш қувурлар бирикмасини, мустаҳкамловчи қувурларни ва асбоб-ускуналарни қудуқга тушириш ва кўтариш ҳамда уларни оғирлиги бўйича тутиб туриш каби ишлар билан кузатилади.

Фойдаланиладиган асбоб-ускуналарнинг оғирлиги бир неча ўн тонналарни ташкил қиласиди. Бурғилаш арқонларга тушадиган юкни

камайтириш ва двигател қувватини пасайтириш учун күтариш (минора, лебедка, тал системаси қўзғалмас ва қўзғалувчан кронблок, осма арқони, илгак ва штрап) қурилмаларидан фойдаланилади.

Бурғилаш миноралари

Бурғилаш миноралари мустаҳкам металл қувурлардан ва профиллик прокат металлардан ясалади. Ҳозир уларнинг икки тури ишлатилмоқда:

- 1) тўрт оёқли кесик пирамида шакллик (башенлик); 2) А-шакллик.

Бурғилаш минораларининг асосий вазифалари:

- 1) қудукга бурғилаш қувурларини, забой двигател, долото ва бошқа асбоб-ускуналарни тушириш ва күтариш, уларни күтариб, бир ҳолатда ушлаб туриш;
- 2) бурғилаш қувурларини ўз ичида сақлаб, суюб туриш;
- 3) мустаҳкамловчи қувурларни қудукга тушириш;
- 4) бурғилаш жараёнида зарур бўлган буюм ва жиҳозларни жойлаштириш, күтариб тушириш.

Бурғилаш минораларининг турлари ва конструкцияси минора кўтарарадиган юкнинг оғирлигига қараб ҳар хил бўлади. Бурғилаш аслаҳалари йиғиндиси таркибига кирган миноралар А-шакллик бўлади.

Агар заводдан комплектланган бурғилаш аслаҳа йиғиндиси олинмасдан, уларнинг қисмлари олинадиган бўлса, унда тўрт оёқли миноралар ишлатилади. Бурғилаш минорси конструкцияси қуидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим:

1. Минораларининг техник хавфсизлик қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган конструкцияси ва ўлчамларга эга бўлиши;
2. Минораларнинг қудук чуқурлигига мос келадиган баландликларига эга бўлиши;
3. Бурғилаш ва маҳсус ишларни (кувурларни мустаҳкамлаш, кувурларни кўтариш, халокат ишлари) бажаришда ҳамма юкларни кўтара олиш қобилиятига эга бўлиши;
4. Бурғилаш механизmlарини тўғри жойлаштириш учун керакли ўлчамларга малик бўлиши;
5. Ишчи ходимларни ва механизmlарни оби-ҳаво ходисаларидан сақлаш;
6. Минораларни йиғиш, қисмларга ажратиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш учун қулай бўлган конструкцияларга эга бўлиши.

3.4 жадвалда тўрт оёқли кесик пирамида шакллик минораларининг ва 3.5 жадвалда А-шакллик минораларининг асосий қўрсаткичлари берилган.

3.4 жадвал

Тўрт оёқли кесик пирамида шаклидаги бурғилаш миноралари

Параметрлари	ВМ-41М	ВБО-42-200	4ВБ-53-320	ВБ-53-320	ВБА-53-320	ВБА-58-300
Юк кўтариш қобилияти, т	200	200	300	320	320	400

Баландлиги, м	41	42,5	53	53	53	64
Оёқлар орасининг ўлчови:						
Юқори томонида, м	2x2	2,2x2,2	2x2	2x2	6,2x3	5x5
Остки томонида, м	8x8	8x6,5	10x10	10x10	10x10	16,5x16
Балконнинг баландлиги, м	22	22,5	35	35	34	39
Секциялар сони	10	7	12	9	10	11
Оғирлиги, т	31,4	29,0	50,5	40	52	107

3.5 жадвал

А-шаклдаги бурғилаш миноралари

Параметрлари	BM40-185Бр	BM45-185Бр	BA-41-170	BA-45-200	BA-45-250	BA-45-320
Юк кўтариш қобилияти, т	185	185	170	200	250	320
Фойдали баландлиги, м	40,5	42,7	41	45	45	45
Балконнинг баландлиги, м	22,5	23,0	20,7	24,1	24,1	20,4
Ердан полгача бўлган масофа, м	4	5,5	4,5	6,2	6,2	7,0
Оёқлар орасининг ўлчови	7,2	9,0	9,2	10,3	10,3	10,3
Оғирлиги, т	18,6	33,7	25,7	27,1	30,7	44,1

Бурғилаш минорасидан фойдаланиш

Бурғилаш минорасидан фойдаланиш жараёнида қуидагиларга эътибор берилади:

- 1) миноранинг тўғри йигилганлиги;
- 2) болт ва тягаларининг мустаҳкамлиги;
- 3) кронблок таги тўсини ва кронблокларнинг мустаҳкамлиги;
- 4) минора оёғи ва деталларининг деформацияланганлиги;
- 5) минора оёғининг тўғри чизиқлиги ва туташган жойларининг оралиғи;
- 6) пайванд чокларининг ҳолати;
- 7) минора мувозанати (геометрияси)нинг бузилиши;
- 8) минора пойдеворларнинг техник ҳолати;
- 9) ром брусларининг техник-ҳолати;
- 10) миноранинг маркази ва диагнали бўйича оёқларининг масофаси;
- 11) ром белбоғларининг мавжудлиги;
- 12) мойдан ва зиналарининг жойлашиши ва мустаҳкамлиги;
- 13) тортқиларининг техник ҳолати.

Бурғилаш минораларни йиғиш

Башенли турдаги миноралрни йиғишнинг энг қулай усули юқоридан пастга қараб йиғиш ҳисобланади. Бу усулда минораларни йиғишдан олдин минора пойдеворига кўтаргич ўрнатилади. Баландлиги 41 метргача бўлган миноралар ПВК-1, 53 метргача бўлган миноралар эса ПВК2-45 кўтаргичи

ёрдамида йифилади. Минораларни йифиш билан бир вақтда кранблок майдончалари, айвон, чиқиши зинопоялари, сим түсиқлар ҳам қурилади.

Бурғилаш минораларини қисмларга ажратиш

Бурғилаш ишлари тугатилгандан кейин, талаб қилинса минораларни қисмларга ажратиш жараёни амалга оширилади. Бунда миноранинг ён бағир корпуси – тиргавич сифатида фойдаланилади. Миноранинг оёқларини тушириш учун минора оёғи замини қудук оғзидан навбатма-навбат, астасекин миноранинг устки қисми ёнбағир томига ётганга қадар суриласди. Кейин оёқлар маҳкамланган болт-шкварен чиқарып олинаади. Оёқлар эса алоҳида-алоҳида қилиб ажратиласди.

Бурғилаш минораларини таъмирлаш

Бурғилаш минораларини таъмирлаш – ҳар икки ойда бир марта мунтазам равища таъмирлаб туришга мўлжалланган тадбирлар мажмуи.

Бурғилаш минораларини қуидаги ҳолатларда таъмирланади:

- а) мустаҳкамловчи қувурлар бирикмасини бурғилаш қудуғига туширишдан олдин;
- б) тутиш ишларидан олдин ва кейин;
- в) кучли шамолдан кейин;
- г) бурғилаш минорасини бир жойдан иккинчи жойга кўчиришдан олдин ва кейин;
- д) нефт ва газнинг очилиши намоён бўлганда.

14.2. Тоғ жинсини янчиб бурғиловчи инструментлар

Нефт ва газ қудукларини бурғилаш, тоғ-жинсини янчиб бурғиловчи инструментлар – долото, коронка ва бурғилаш каллаклари воситасида бажариласди.

Долото – қудук тубини (забойни) тўла-тўқис емиради. Долотолар тузилиши бўйича: шарошқали, парракли, фрезерсимон бўлади. Ўрнатилган тишлари ёки тиғлари бўйича – қаттиқ металл қоришимасидан тайёрланган тишли ёки тиғли ва олмосли бўлади.

Тоғ-жинсларини янчиш тамойилларига қараб долотолар майдаловчи, майдаловчи-қўпорувчи, емирувчи-рандаловчи ва рандаловчи-қўпорувчи турларига бўлинади.

Шарошқали долотолар бир, икки, уч ва кўп шарошқали қилиб ясалади. Шарошқанинг тишлари фрезер билан кесиб тайёрланган ёки суқиб қўйилган бўлади. Бу долотолар ўз-ўзини ёғлаб тургувчи ва ёғланмайдиган турларга бўлинади. Шарошқали долотолар юмшоқ (M), ўрта қаттиқ (C), қаттиқ (T), заранг (K) ва емирувчи (абразивли) (Z) тоғ-жинсларини янчиш ва бурғилашга мўлжалланган.

Нефт ва газ қудукларини бурғилашда ишлатиладиган долотоларнинг 85% ни шарошқали долотолар ташкил этади.

Шарошқали долотолар «Қудукларни бурғиловчи пудратчиларнинг ҳалқаро ассоциация» си қабул қилган IADC (International Association of Drilling Contractors) кодига асосан таснифлаштирилган (классификациялаштирилган). Бу код уч рақам ва баъзан бир ҳарфдан иборат

бўлиб, у долотони тузилишини, қандай тоғ-жинсларини бурғилашга мўлжалланганлигини билдиради.

Мисол, 124Е (коди) – долото шарошкаларининг тишлари фрезер билан кесиб тайёрланган, ўртача қаттиқликка эга тоғ-жинсларини (2) бурғилаш учун мўлжалланган, подшипниклари шарли ва ғалтакли бўлиб, беркитилмаган (4), қудуқни ювуш учун юборилган суюқлик гидромонитор сумакларидан (Е) ўтади.

437Х – долото шарошкаларининг тишлари қаттиқ металлар қоршимасидан понасимон (Х) қилиб тайёрланган, шарошкалар суқиб кўйилган (4), қаттиқ тоғ-жинсларини янчиб бурғилашга мўлжалланган (3), шарошкани орқа конусига қудуқ деворини текислаш учун қаттиқ металл тишлар ўрнатилган (7).

Бурғилаш ишларини арzonлаштириш ва оптималлаштиришнинг асосий омилларидан бири шароитга мос долото танлаш. 4.4 жадвалда келтирилган классификатор долото танлашни осонлаштиради. Уч шарошкали долотолар халқаро классификаторлари IADC кодига асосланган. Долотоларни диаметри жадвалда кўрсатилгандан унчалик кўп бўлмасада фарқ қилиши мумкин:

95,3÷349,2 мм долотолар \pm 0,8 мм-га

355,6÷444,5 мм долотолар \pm 1,6 мм-га

479,4 мм дан юқори бўлса \pm 2,4 мм-га

Долото танланганда қудуқга туширилган мустаҳкамловчи қувурнинг ички диаметри ва долото диаметрини фарқи 3,6 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Шарошкали долотоларнинг шартли белгилари (шифрлари) ва уларнинг изохи

Шарошкали долотолар кўп мамлакатларда ва шу жумладан Россияда ҳам ишлаб чиқарилади. Шарошкали долотолар ишлаб чиқараётган Россия заводлари – ОАО «Волгабурмаш», ОАО «Уралбурмаш», ОАО «Сарапульский машиностроительный завод», ОАО «Дрогобычский долотный завод», ВНИИБТнинг экспериментал заводи.

Қабул қилинган шифрлар қуйидагича изохланади: I, II, III – шарошка сони. Баъзи заводлар (ОАО «Волгабурмаш») бу рақамни кўрсатмайди. Сўнгра араб рақамида долото диаметри кўрсатилади (мисол, 215,9). Бундан кейин ҳарфлар билан долото қандай қаттиқликга эга тоғ-жинсларига мос эканлиги кўрсатилади: М, МЗ, МС, МСЗ, С, СЗ, СТ, ТЗ, ТК, ТКЗ, К, ОК.

Ҳарфлар тоғ-жинсларнинг қаттиқ ёки юмшоқлик ҳоссаларини кўрсатади: М – юмшоқ, С - ўртача юмшоқ, Т – қаттиқ, К – мустаҳкам, ОК - жуда мустаҳкам, З - ҳарфи эса тоғ-жинсини абразивлигини, яъни емирувчанигини кўрсатади.

Долотодаги ювиш тартиби ҳам ҳарфлар билан ифодаланади:
Ц – суюқлик долото марказидаги бир тешикдан юборилади;
Г – суюқлик шарошкалар орасига йўналтирилган уч тешикдан гидромонитор усулида юборилади;
П – қудуқ тубини тозалаш учун суюқлик ўрнига ҳаво ишлатилса;
В – шарошка подшипниги ғалтакли ёки шарикли бўлиб, беркитилмаган;

Н – шарошка подшипникларидан бири сирғанувчи тuri бўлиб, беркитилмаган;

А – шарошка подшипникларининг ҳаммаси сирғанувчи тuri бўлиб, беркитилмаган;

У – шарошка подшипниклари сальниклар билан беркитилган.

Юқоридаги ҳарфлардан кейин кўрсатилган ҳарф ва рақамлар долото моделини ифодалайди (мисол, R139).

Мисол, 215,9C-GВ-R192 (IADC коди 211) долото шифри қўйидагича изоҳланади – долото диаметри 215,9 мм, шарошка тишлари фрезерланган, ўртача қаттиқликга эга тоғ-жинсларини (С) бурғилашга мўлжалланган, суюқлик қудук тубига (забойга) гидромонитор усулида юборилади (Г), шарошка шарикли ва ғалтакли подшипникларга (В) ўрнатилган, подшипниклар беркитилмаган, долотони модули R192.

П93С-ЦВ (IADC коди 221) – икки шарошқали (П) долото, диаметри 93 мм, шарошка тишлари фрезерланган, ўртача қаттиқликга эга тоғ-жинсларини (С) бурғилашга мўлжалланган, суюқлик долото марказидаги бир тешикдан юборилади (Ц), шарикли ва роликли подшипникларга ўрнатилган, подшипниклар беркитилмаган (В).

Бир шарошқали долотолар

Бир шарошқали долотолар ўртача қаттиқликга эга абразив тоғ-жинсларини бурғилашга мослашган. Буни шарошқаси битта бўлганлиги учун шарошқаси ва уни ушлаб тургувчи ўқлар катта ва мустаҳкам. Шунинг учун ҳам бир шарошқали долотоларни ишлатишда синиб қолиш ҳодисалари учрамайди.

ОАО «Уралбурмаш» ва ОАО «Волгабурмаш» заводлари диаметри 215,9 мм гача бўлган бир шарошқали долотолар ишлаб чиқаради ва улар қўйидагича шифрланади:

I112C3-АУ; I139,7C3-Н; I151C3-АУ; I161C3-Н; I139,7C3-АУ; I161C3-АУ; I190,5C3-АУ; I215,9C3-АУ.

Н – ҳарфи шарошка подшипникларининг бири сирғанувчи, қолганлари шарли ва беркитилмаганлигини кўрсатади; АУ ҳарфлари эса подшипниклар ҳаммаси сирғанувчи ва беркитилганлигини ифодалайди.

Парракли долотолар

Парракли долотолар юмшоқ ва пластик хоссали тоғ-жинсларини бурғилашда қўлланади. Улар икки, уч ва олти парракли бўлади (3.6 жадвал).

3.6 жадвал

Долото шифри	Долото диаметри, мм	Баландлиги, мм	Оғирлиги, кг	Резба	Юклиданиш чега раси, кН	Бериладиган момент чегараси, НМ

1	2	3	4	5	6	7
Икки парракли долотолар						
2Л-93,0 м	93,0	175	2,3	3-50	20	220
2Л-97,0 м	97,0	175	2,4	3-50	20	220
2Л-98,4 м	98,4	175	2,4	3-50	20	220
2Л-112,0 м	112,0	175	2,6	3-50	30	380
2Л-118,0 м	118,0	175	2,7	3-50	30	420
2Л-120,0 м	120,6	175	2,7	3-50	35	450
2Л-132,0 м	132,0	175	2,8	3-50	40	540
3ДР-132 м	132,0	150	4,0	3-50	-	-
6ДР-132 м	132,0	150	4,5	3-50	-	-
2Л-139,7 м	139,7	190	4,1	3-63,5	45	680
2Л-146,0 м	146,0	190	4,2	3-63,5	45	720
2Л-151,0 м	157,0	190	4,3	3-63,5	50	880
2Л-161,0 м	162,0	190	4,4	3-63,5	55	980
2Л-165,1 м	165,0	190	4,4	3-63,5	55	1020
Уч парракли долотолар						
3Л-120,6	120,6	240	8,0	3-76	50	600
3Л-132,0	132,0	260	10,0	3-88	55	720
3Л-139,7	139,7	260	10,0	3-88	60	840
3Л-146,0	146,0	260	11,0	3-88	80	1170
3Л-157,0	151,0	260	11,0	3-88	80	1200
3Л-161,0	161,0	260	12,0	3-88	85	1350
3Л-165,0	165,1	260	12,0	3-88	90	1500
3Л-171,4	171,4	260	12,0	3-88	90	1500
3Л-187,3	187,3	280	15,0	3-88	100	1800
3Л(Г)-190,5	190,5	320	25,0	3-117	120	2300
3Л(Г)-200,0	200,0	320	27,0	3-117	130	2600
3Л(Г)-212,7	212,7	320	27,0	3-117	130	2750
3Л(Г)-215,9	215,9	320	27,0	3-117	130	2800
3Л(Г)-222,3	222,3	320	27,0	3-117	140	3100
3Л(Г)-242,9	242,9	320	33,0	3-121	160	3900
3Л(Г)-244,5	244,5	320	33,0	3-121	160	3900
3Л(Г)-250,8	250,8	320	33,0	3-121	160	4000
3Л(Г)-269,9	269,9	356	35,0	3-152	170	4600
3Л(Г)-295,3	295,3	420	61,0	3-152	220	6500
3Л(Г)-311,3	311,1	420	61,0	3-152	230	7100
3Л(Г)-320,0	320,0	420	61,0	3-152	230	7500
3Л(Г)-349,2	349,2	420	63,0	3-152	250	8700
3Л(Г)-374,6	374,6	440	87,0	3-177	310	11600
3Л(Г)-393,7	393,7	440	87,0	3-177	330	13000
3Л(Г)-444,5	444,5	440	90,0	3-177	370	15700
Уч парракли емирувчи-рандаловчи долотолар						

ИЭ-139,7 МС	139,7	260	9,0	3-88	50	-
ЗНРГ-190,5С	190,5	320	25,0	3-117	180	3800
ЗНРГ-215,9С	215,9	320	27,0	3-117	220	4700
Олти парракли						
ИР-76	76	120	1,5	3-42	30	200
ИР-98	98	140	3,0	3-50	45	220
ИР-112	112	160	5,0	3-63	60	380
ИР-118	118	160	6,0	3-63	60	420
ИР-135	135	180	12,0	3-88	90	550
ИР-140	140	220	13,0	3-88	100	680
ИР-190	190	250	18,0	3-121	180	2000
ИРГ-190	190	250	18,0	3-121	180	2500
ИРГ-214	214	260	25,0	3-121	220	2500
ИРГ-214	214	260	25,0	3-121	220	2500
ИР-243	243	290	32,0	3-147	280	3000
ИРГ-243	243	300	32,0	3-147	280	3000
ИР-269	269	300	36,0	3-147	350	4000
ИР-269	269	300	36,0	3-147	350	4000

ИР ва ИРГ тоифадаги олти парракли долотолар юмшоқ (М), ўртача қаттиқ (С), қаттиқ (Т) ва заранг (К) тоғ-жинсларини бурғилашта ишлатилади.

Қудуқни ювиш учун юборилган суюқликни долотодан гидромонитор усулида ўтказиш учун унинг тешиклариға қаттиқ материалдан (қоришка, керамика) тайёрланган сумаклар ўрнатилади. Сумак тешиги конуссимон бўлиб, унинг кичик диаметри 5,6 мм дан 22,2 мм гача. Долотоларнинг диаметрига қараб тавсия этиладиган сумак диаметри қўйидагича:

Долото диаметри, мм	Сумакнинг кичик диаметри, мм
120,6-124,6	5,6-12,7
139,7-171,4	7,1-15,9
140,5-444,5	6,4-22,2

Олмос ва қаттиқ металл тишлар ўрнатилган долотолар

Олмос ва қаттиқ металл тишлар ўрнатилган долотолар ҳар хил қаттиқликга эга бўлган тоғ-жинсларини бурғилаш учун беш тоифада ясадиқарилмоқда. Бу тоифалар қўйидагича:

М тоифаси – юмшоқ, МС – юмшоқ ва ўрта қатиқликга эга, С - ўртача қаттиқ, СТ - ўртача қаттиқ ва қаттиқ ҳамда Т – қаттиқликга эга тоғ-жинсларини бурғилашта мослашган.

Олмосли долотоларни ясашда икки усул қўлланади:

- 1) олмос заррачаларини эритилган металлга ёпиширилади;
- 2) олмос заррачаларидан ёки металлар қоришинасидан тайёрланган пластинка цилиндрчаларга ёпиширилиб долото корпусига ўрнатилади.

Долотоларга табиий ва сунъий олмослар ўрнатилади.

Долото шифридаги белгилар изоҳи:

Д – олмос долото, ялпи бурғилаш учун;
К – керн олиш учун ишлатиладиган олмос коронка;
Р – долото ишчи юзасининг тузилиши;
И – (импрегнирован) олмос пластинкаларини ўрнатиш ва маҳкамлаш усули;
П – олмос пластинкаси;
В – мустаҳкамловчи қувурларни тешиш учун;
С – сунъий олмосдан ясалган;
Ф – фрезерлаш учун;
Л – парракли долото.

Керн оловчи ускуналар

Геологик қидирав қудуқларини бурғилаб ўтишда улардан намуна, яъни керн олинади. Олинган кернлар лабораторияда текширилиб, таҳлил қилинади. Керн ер куррасини юқори қобигларини ўрганишда, геология илмини тараққий эттиришда муҳим аҳамият кашф этади.

Бурғиловчи каллаклар (БК)

Бурғиловчи каллак қудук тубини (забойни) ҳалқасимон бурғилаб керн ҳосил қиласди. Булар уч синфга бўлинади – шарошқали, олмосли ва қаттиқ металл тишли.

Шарошқали бурғиловчи каллаклар тишлари фрезерланган ва қаттиқ металдан ясалган тишлар ўрнатилган бўлади. Шарошка тишлари МСЗ, СЗ, СТ, ТЗ, ТКЗ турида ясалади. Яъни юмшоқ, ўрта қаттиқ, қаттиқ, абразив тоғ жинсларини бурғилайди. Бу шарошқали бурғиловчи каллаклар асосан ротор билан айлантиришга мўлжалланган, лекин винт-двигатели билан ҳам ишлатиш мумкин.

Олмосли бурғиловчи каллаклар

Олмосли бурғиловчи каллакларни кесувчи юзаларига: табиий ва сунъий олмос заррачалари маҳсус металлар эритмаси (матрица) билан қўйма равишида ёки олмос заррачалари ва мустаҳкам металлар аралашмасидан тайёрланган пластинкалар пайвандлаб ёпиштирилган бўлади.

Олмосли бурғиловчи каллаклар тоғ-жинсларини рандалаб ўтади, шунинг учун шарошқали бурғиловчи каллакларга нисбатан текис ва силкинмай ишлайди. Керн олиб чиқиши фоизи (проценти) юқори. Бир олмосли бурғиловчи каллак 10-20 та шарошқали бурғиловчи каллакни ўрнини боса олади.

Қудуқларни кенгайтирувчи ва маҳсус долотолар

Баъзан бурғиланган қудуқларни кенгайтириш зарурияти туғилади. Мустаҳкамловчи қувурлар туширилиб, цементлангандан сўнг ҳам шундай эҳтиёжлар пайдо бўлиб қолади. Қудук диаметрини кенгайтириш мустаҳкамловчи қувурларни исталган чуқурликгача тушириш мақсадида бажарилади. Бу ишларни бажариш учун қудуқларни кенгайтирувчи ва маҳсус долотолар яратилган.

ОАО «Волгабурмаш» заводи бир шарошқали кенгайтирувчи ОДР (одношарошечный долоторасширитель), ричагли кенгайтирувчи РРМ

(раздвижной расширитель для мягких пород) турдаги долотолар ясамоқда. Бу кенгайтирувчи долотолар қудук деворлари қувурлар билан мустаҳкамлангандан сўнг уни башмагидан пастини кенгайтириб бурғилаш учун қўлланади. Шунда кейинга тушириладиган мустаҳкамловчи ёки эксплуатацияга мўлжалланган қувурлар қийинчаликсиз исталган жойга бетўхтов бориши мумкин. Булар юмшоқ, қаттиқ тоғ жинсларидан иборат бўлган қатламларда ишлатилади. Кенгайтирувчи долотолар бир вақтда ҳам бурғилаб, ҳам қудук диаметрини кенгайтириб беришга мўлжалланган. ОДР турдаги долотолар қудукга тушириш ва кўтаришда маҳсус жиҳоз билан транспорт ҳолига келтирилади. Қудукга тушириб бўлгандан сўнг, ротор билан айлантирилса, кенгайтириш ҳолатига келади.

ОДР туридаги кенгайтирувчи долотоларнинг асосий параметрлари 3.7 жадвалда келтирилган.

3.7 жадвал

Кенгайтирувчи долотолар турлари	Долото диаметри, мм		Резба	Биландлиги, мм	Оғирлиги, кг
	Транспорт ҳолатида	Ишлаётган ҳолатида			
ОДР 216/237	216	237	Ниппель 3-117	380	52
ОДР 145/152	145	152	Ниппель 3-88	295	27
ОДР 125/133	125	133	Ниппель 3-76	230	22

РР (расширитель раздвижной) турдаги қудук диаметрини кенгайтирувчилар

РР (расширитель раздвижной) турдаги қудук диаметрини кенгайтирувчилар қудуқларни баъзи бир интервалларини кенгайтиришда ишлатилади. Корпус ичига жойланган тифсимон қурак бурғилаш қувурида пайдо бўлган босим таъсирида ташкарига чиқиб, қудук деворини емира бошлайди.

Бу турдаги кенгайтирувчиларнинг техник таърифи 3.8. жадвалда берилган.

3.8. жадвал

Кўрсаткичлар	РР-140-146	РР 168	РР 178	РР 219
Кенгайтиргич корпусининг диаметри, мм	120	140	150	194
Кенгайтирилган қудук диаметри, мм	250	300	330	450
Кенгайтиргичдаги парраклар сони	3	3	3	3
Кесувчи мослама билан бирга узунлиги, мм	2127	2010	2010	2115
Кенгайтиргичнинг оғирлиги, кг	60	82	96	138

Бурғилаш қоришмасининг сарфи, м ³ /с	0,010- 0,016	0,012- 0,020	0,012- 0,020	0,012- 0,020
Айланиш тезлиги, айл/мин	40-70	40-70	40-70	40-70
Парракга берилган юк, кН	20	40	40	40
Ўрта қаттиқликдаги тоғ-жинслар бўйича йигинди парракларнинг ўртача бурғилаши, м	20	20	20	20
Кенгайишнинг ўртача механик тезлиги, м/ч	1,0	0,5	0,5	0,5

Калибраторлар, марказлаштирувчилар ва стабилизаторлар

Калибратор қудук деворларини текислаш учун ишлатиладиган ускуна. Калибратор долото устига ўрнатилади ва унинг яхши ишлашини таъминлайди.

Марказлаштирувчи ускуна бурғилаш қувурларини, турбобур, УБТ ларни ишлаш пайтида қудук марказидан чеккалатмаслик учун қўлланади. Марказлаштирувчи ускуналр бурғилаш қувурларини пастига ёки қудук забой двигателига ўрнатилади.

Стабилизатор қудук троекториясини йўналишини таъминлаш учун хизмат килади. Стабилизаторлар ҳам бурғилаш қувурларини паст қисмига, калибратор устига ўрнатилади. Калибратор ёки марказлаштирувчи ускуналарни стабилизатор сифатида ҳам ишлатилади.

Калибраторлар, марказлаштирувчи ускуналар парракли ва шарошкали бўлади. Парракли калибраторлар тўғри ва спирал парракли этиб ясалади. Парракларига қаттиқ металлдан тайёрланган тишлар суқилган бўлади.

Калибраторлар ва марказлаштирувчи ускуналар асосий ўқ ва унга пайвандланган 3 ёки 4 та пўлат парракдан иборат. Ўқни бир томонида муфта, иккинчи томонида пипка бўлади ёки иккала томони ҳам муфта билан тугалланади.

Калибраторларни шартли белгилаш қўйидагicha:

- тўғри парракли калибраторлар «К» билан белгиланади;
- спирал шаклидаги парракли калибраторлар «КС»;
- шарошкали калибраторлар «КШ».

Мисол учун, спираль шаклидаги парракли (КС) ўрта қаттиқ ва қаттиқ тоғ жинслари (СТ) учун ясалган 215,9 мм калибраторларнинг шартли белгиси – 5КС 215,9 СТ (5-модель сони).

3.9 жадвал

Кўрсаткичлар	1К215,9 МС	1КС215, 9 СТ	2К295,3 МС	2КС295, 3 СТ
Диаметри	215,9	215,9	295,3	295,3
Ювиш тешигининг диаметри, мм	60	60	100	100
Калибраторга бериши мумкин бўлган куч, кН	250	250	350	350
Резба	3-117	3-117	3-152	3-152

Хозирги кунда қуидаги калибраторлар тури ишлаб чиқарылмоқда: 5КС-138,1СТ; К-215,9МС-2; 5КС-138,1СТ-2; К-215,9МС-2; 5КС-215,9СТ-2; К-295,3МС; К-295,3МС-2; 5КС-295СТ; 8К-393,7МС; 9КП-215,9МСТ; 10КСИ-215Ю9СТК; 13КСИ-295,3СТК.

Буларнинг диаметри 138,1 мм дан 393,7 мм гача бўлиб, ҳар хил қаттиқликга эга төғ-жинсларини парамалашда қудук деворини текислаш учун ишлатилади.

Шарошкали калибраторлар

Шарошкали калибраторларнинг шартли белгиси КШУ бўлиб, уни техник таърифи қуидаги 3.10 жадвалда келтирилган.

3.10 жадвал

Калибратор тури	Қудук диаметри, мм	Узунлиги, мм	Оғирлиги, кг	Айланиш тезлиги, айл/мин.
КШУ 393,7 СТК	393,7-380	900	280	150
КШУ 444,5 СТК	444,5-430	1050	320	120
КШУ 555,0 СТК	555-540	1250	510	90

14.3. Долотоларни айлантирувчи механизмлар ва қурилмалар

Қудук бурғилаш жараёни бурғилаш механизмлари ёрдамида амалга оширилади. Уларга ротор, вертлюг (бурғилаш шлангаси билан), бурғилаш насоси, ток узатмалари киради. Агар долотонинг айланиш ҳаракати ер юзидан узатилмаса, юқорида қайд этилган механизмлардан ташқари қудук туби гидравлик двигателлари (турбобурлар, электробурлар) қўлланилади.

Ротор – бурғилаш жараёнида бурғилаш қувурлар бирикмасига айланма ҳаракат узатишга, тушириш-қўтариш операциясида уларни оғирлиги бўйича тутиб туришга ва бошқа қўшимча ишларни бажаришга мўлжалланган машина.

Ротор – бу редуктор трансмиссион узатманинг горизонтал вали (ўқ) дан вертикал осилган бурғилаш қувурлар бирикмасига айланма ҳаракат беришга хизмат қиласди. Унинг станинаси эса бурғилаш ва тушириш-қўтариш жараёнида ҳосил бўладиган ҳамма юкларни қабул қиласди ва узатади. 3.11 жадвалда айрим роторларнинг техник характеристикаси берилган.

3.11 жадвал

Роторнинг техник характеристикаси

Кўрсаткичлари	У7-520-2	У7-520-3	У7-520-6	У7-560-3	P-700	P-950	P-1260
Ротор столи тешигининг диаметри, мм	520	520	520	560	700	950	1260
Ротор столига берилиши мумкин бўлган статик юк. т	200	200	320	130	500	630	800
Ротор столининг энг кўп	300	300	250	250	350	350	350

айланиш тезлиги, айл/мин							
Роторнинг габарит ўлчовлари, мм							
а) узунлиги	2250	2250	2270	2570	2010	2165	2630
б) эни	1400	1400	1610	1580	1200	1550	1930
в) баландлиги	750	750	750	1065	680	750	800
Ротор оғирлиги, кг	4860	4860	6600	7370	4790	7000	9460

Роторнинг айланиш частотасини чиғирнинг узатиш механизмлари ёрдамида ёки занжирли ғилдиракларни алмаштириш йўли билан ўзгартириш мумкин.

Бурғилаш насослари ва уларнинг уланиш асбоблари

Бурғилаш насоси бурғилаш қудукларига ювиш эритмаларини хайдашга мўлжалланган машина. Бурғилаш жараёнида горизонтал, поршенли, қўш таъсирили, бир, икки, уч цилиндрли, узатмали, марказдан қочирма ва бошқа турлари қўлланилади. Бу насосларнинг асосий параметрлари маълум вақт бирлиги ичida ҳайдаладиган суюқлик миқдори билан аниқланади.

Шунингдек газларни сиқиши ёки сийраклаштириш, сочилувчан жисмларни сўриш ва ҳайдашга мўлжалланган машина ҳам насос деб юритилади.

Насослар иш босимига қараб паст босимли (20 м гача), ўрта босимли (20-60 м) ва юқори босимли (60 м дан юқори) бўлади.

Бурғилаш насоси (3.12, 3.13 жадвал) узатмали ва гидравлик қисмдан ташкил топган. Унинг узатмали қисми станинадан иборат. Унга иккита кривошип, ғилдираги тишли кривошип вали, шатун механизми ва шкивли трансмиссион валлар ўрнатилган. Трансмиссион ва тирсакли валлар тебранма подшипникларга йифилган.

3.12 жадвал

Бурғилаш насосларнинг таърифи

Кўрсатгичлар	12 гр	У8-3	У8-4	У8-6	У8-7	Бр Н-1
Номинал гидравлик қуввати, КВт	238,9	257,3	330,7 5	477,8	632	296
Узатма қуввати, КВт	316	345,5	441	632	845,3	-
Поршеннинг қўчиш (силжиш) узунлиги, мм	300	450	450	350	440	300
Цилиндрлар сони	2	2	2	2	2	2
Цилиндр втулкасининг диаметри, мм	160 150 140 130	200 185 170 150	170 160 150 130	170 160 150 140	170 160 150 140	185 170 160 150
Тўлдириш коэффициенти 0,9 бўлганда суюқлик узатиши, л/с						

Энг катта	24,0	45,0	43,0	32,0	34,4	31,0
Энг кичик	15,1	17,0	16,3	24,4	22,2	15,0
Втулка диаметри катта бўлганда сўриш босими, кгс/см ²	17,5 (175)	5,5 (55)	9,5 (95)	16,0 (160)	20,0 (200)	10,0 (100)
Втулканинг диаметри кичик бўлганда, кгс/см ²	20,0 (200)	15,0 (150)	20,0 (200)	20,0 (200)	30,0 (300)	20,0 (200)
Шкив билан бирга насос оғирлиги, кг	9510 0	1926 0	1835 0	1460 0	2650 0	130 00

3.13 жадвал

Техник характеристика

Параметрлар	УНБ-600	УНБТ-600	УНБТ-950	УНБТ-1180L	УНБТ-1600
Насоснинг куввати, кВт	600	600	950	1180	1600
Цилиндрлар сони	2	3	3	3	3
Бир минутда поршеннинг бориб-келиши	65	160	125	125	100
Насос маҳсулоти, о/к	52	51	46	51	60
Насос берадиган босим, МПа	25	35	32	35	53
Насоснинг шкив, пневмокомпенсатор ва крансиз оғирлиги, кг	23070	13670	22070	22432	35800
Насоснинг шкив, пневмокомпенсатор ва кран билан бирга оғирлиги, кг	25610	15450	24261	24632	-

Тишли узатма мой ваннасида ишлайди. Насоснинг гидравлик қисми иккита тўсқич (клапан) қутичадан ташкил топган. Бу тўсқичларнинг ҳар бири бир хил ўлчамли иккитадан сўрувчи ва ҳайдовчи тўсқичларга эга. Насосда ҳаммаси бўлиб саккизта тўсқичлар бўлади. Тўсқич қутиларига ташқи ўлчамлари бир хил бўлган алмаштирилиб туриладиган цилиндрик втулка жойлаштирилган. Унинг ичига ўзи бошқариладиган резина манжетли поршень ўрнатилган. Поршенга ҳаракат штокдан узатилади. У ўз навбатида крейцкопга кертик ёрдамида бирлаштирилади. Одатда, узатмали ва гидравлик насослар бир ромга ўрнатилади. Бурғилаш насосининг узатиш қуйидаги формулада аниқланади:

$$Q = \frac{m(2F - f)\ln}{60} K$$

Бунда: m -насосдаги цилиндр сони; $F=0,785D^2$ -цилиндр кесимининг майдони (D -цилиндрли втулканинг ички диаметри); $f=0,785d^2$ -шток поршени кесимининг майдони (d -шток поршени диаметри); l - поршеннинг юриш

узунлиги; n -тирсак валининг айланиш частотаси, айл/мин; K -тўлдириш коэффиценти.

K - асосан ювиш эритмасининг хоссасига, поршен ва тўсқичларнинг ейилиш даражасига, насос чанининг ўрнатилиш усулига боғлик.

Агар юувучи эритма сифатида шпиндел шпин суюқлик фойдаланиса янги поршен ва тўсқичларда K -қиймати 0,9 га teng бўлади. Поршеннинг ейилишига қараб K -қиймати 0,5-0,6 ва ундан пастроқ бўлиши мумкин. Тўлдириш коэффициентини ошириш учун бурғилаш насосига чандан юувучи эритмаларнинг ўзи оқиб бориши ташкил қилинади. Бурғилаш насослари куйидагича боғланади. Ювиш эритмалари бурғилаш насосидан ҳайдаш йўли билан бурғилаш шлангасига, кейин шпиндели ўтади. Ҳайдаш йўлига – компенсаторлар, ҳайдовчи қувур юритма, тиргак ва сурилма (задвижка) киради.

Компенсатор – бурғилаш насосининг ювиш эритмаларини нотекис узатиши жараёнида ҳосил бўладиган босимларнинг ўзгаришини пасайтиришга хизмат қиласди. Ундан ташқари компенсатор ҳаво ёки газни 0,015 МПа дан кичик бўлмаган ортиқча босимгача сикади. Тузилиши бўйича ҳажмли, куракли ва ишлаш принципларига кўра оқимли турлари мавжуд. Сиқиладиган газ (ҳаво, кислород)нинг турига қараб, ҳосил қилинадиган босимга қараб паст, ўрта ва юқори босимли хилларига бўлинади. Шунингдек компенсаторнинг вертикал, горизонтал, шпинд ва сферик турлари ҳам мавжуд. Одатда, компенсаторлар насосга ўрнатилади. Компенсаторнинг корпуси қисқич ёрдамида ҳайдовчи учлик (тройник)га уланган. Корпусга учта компенсатор ва сақловчи тўсқич ўрнатилган. Кейин улар юқори босимли баллондан шлангага бириктирилади. Компенсатор корпусига фланец ёрдамида ҳайдовчи қувур юритмаси уланган. Уч компенсаторнинг ҳар бири қувурлардан ташкил топган. Бу цилиндрик қувурлар юзасида эритмалар ўташи учун мўлжалланган тешиклар мавжуд. Бу қувурга резинали баллон кийдирилган. Унинг устидан компенсаторнинг ташки баллони қопланган.

Компенсатор қуйидаги принципда ишлайди. Қисилган ҳаво ёки азот босими ($6\text{-}7 \text{ мн}/\text{м}^2$ гача) билан тўлдирилган баллон шланга ёрдамида редукцион тўсқичга уланади. Тўсқич бўшлиғини А очганда $3,5 \text{ мн}/\text{м}^2$ босим ҳосил бўлади.

Насос билан ишлаганда Б бўшлиқ суюқлик билан тўлдирилади. Агар Б бўшлиқ босими А бўшлиқга нисбатан юқори бўлса суюқлик тешиклар орқали қувурга кириб резина баллони кенгайтиради. Бу жараён А ва Б бўшлиқларида босим тенглашмагунча давом этади.

Ҳайдовчи қувурлар юритмаси – бурғилаш минорасининг тиргакига компенсатордан ювиш эритмасини узатишига мўлжалланган мослама. У насоснинг ташланма патрубкаси диаметридан кам бўлмаган (114-146 мм) бурғилаш қувуридан тайёрланади. Қувур юритмаси охирида компенсатор ва тиргакга улаш учун фланец бўлади.

Тиргак – бурғилаш минорасининг ўнг оёқ қувурига вертикал қилиб ўрнатилган асбоб. У ҳайдовчи қувур юритмасидан бурғилаш штангасига

ювиш эритмасини узатишга мүлжалланган. Тиргак брусга ўрнатилади ва минора белбоғига маҳкамланади. Тиргакнинг пастки қисмига ҳайдовчи қувур юритмасини улаш учун фланецли патрубка пайвандланади. Тиргакнинг юқори қисмида бурғилаш шлангага улаш учун фланец бўлади. Бурғилаш шлангасидан тўғри фойдаланиш учун тиргак оғзи (бўғизи) 30° пастга йўналтирилган бўлади.

Тушириш суримаси – бурғилаш насосини бўш ҳолатдан ишчи ҳолатга, ҳамда насос тўхтатилган вақтда ҳайдовчи қувур юритмани бўшатишга хизмат қиласди.

Гидравлик қудук туви двигателлари

Гидравлик қудук туви двигателларига турбобурлар ва электробурлар киради.

Турбобур – турбобур ҳар хил геологик шароитларда қудук бурғилашга мўлжалланган қудук туви двигатели. Турбобур бурғилаш қудуғига қувурда туширилади. Унинг ишлаши учун керак бўлган энергия ер юзига жойлаштирилган насос ёрдамида қувур орқали бериладиган суюқлик оқимидан узатилади. Шундай қилиб, бурғилаш қувури ва у билан боғлиқ турбобур корпуси айланмас характерга эга. Бу ерда суюқлик оқимининг гидравлик энергияси-турбинанинг вал айланнишини механик энергияга айлантиради. Турбобурнинг асосий қисми турбина ҳисобланади. У кўп микдордаги бир хил поғоналардан ташкил топган. Турбинанинг ҳар бир поғонаси ўз навбатида турбобур валига уланган айланувчи ротордан ва турбобур корпусига маҳкамланган қўзғалмас статордан иборат. Статор билан ротор орасида бўшлиқ бўлиб, у роторнинг статорда эркин айланнишини таъминлайди.

Турбобурнинг қуидаги турлари тайёрланади:

1.Шпинделсиз бир секцияли; 2. Бир секцияли шпиндели; 3. Икки секцияли шпиндели; 4. Уч секцияли шпиндели.

Нефт саноатида қуидаги турбобурлар қўлланилади:

1. T12 – у бир секцияли бўлиб, турбина поғоналарининг сони 100-120 га тенг. Ҳозир ташқи диаметри 240, 215, 195, 172 мм бўлган турбобурлар тайёрланади. T12 M3 – турдаги турбобур чуқурлиги 2000 метргача бўлган верикал ва қия қудуқларни бурғилашга мўлжалланган.

2. T12M3K – турдаги турбобур янги стволларни ҳамда кучли қийшайган, кўп тубли ва горизонтал қудуқларни бурғилашда кенг қўлланилади. Унинг ташқи диаметри 215, 172 мм га, турбина поғоналарининг сони эса 30 ва 60 га тенг.

3. TC – турбобурнинг бу тури чуқур қудуқларни бурғилашга хизмат қиласди. У икки ёки ундан кўпроқ секциялардан ташкил топган. Унинг корпуси кетма-кет конуссимон қилиб уланган, секция валлари эса конуссимон муфталар билан бириктирилган. Турбобурнинг ташқи диаметри 215, 195, 127, 104 мм га тенг, турбина поғоналарининг сони 200 дан ортиқ. TC4A-4 турдаги турбобур қудуқларни капитал таъмирлаш жараёнида цемент стаканларини бурғилашга мўлжалланган.

4. КТД (колонкали турбодолото) – турбобурнинг бу тури бурғилаш жараёнида намуна олишга мўлжалланган. Унинг ташқи диаметри 238, 212, 196, 172, 164 ва 127 мм га тенг.

5. Турбобурнинг шпинделни тури ТСШ-шарошқали (оддий ювиш схемасида) ва олмосли долотода ҳамда гидромонитор ёрдамида бурғилашга асосланган.

Улар бурғилаш шароитлариға қараб турбобурнинг секционлигини ўзгартиришга, секцияларини бўлакларга ажратмасдан сийқалган шпинделларни алмаштиришга, айланиш сони камайганда айланиш моментини оширишга хизмат қиласди. Бундай турбобурлар 240, 195, 185, 172 ва 164 мм ли диаметрларда тайёрланади. 5.4 жадвалда турбобурларнинг параметрлари берилган.

6. Диаметри 295 мм бўлган А7Н турдаги турбобур вертикал, қияйўналтирилган қудуқларни бурғилашда кенг қўлланилади. Одатда, юқори абразивли ва оғирлаштирилган шпин эритмаларидан фойдаланилади. Редукцион тўсқичли турбиналарни қўллаш турбобурнинг ишлашини яхшилайди ҳамда долотодаги юқори юк турбобурнинг иш қобилятини оширади.

3.14 жадвал

Турбобурнинг параметрлари

Турбобур шифри	Суюқ ликли книнг сарфи, m^3/c	Вални нг айлан иш частот аси, s^{-1}	Р-1000 kg/m^3		Узун лиги, м	Оғи р лиги, K_2	$A, x \times 10^{-6}, 1/\text{m}^4$
	Айла - нувчи моме нт, Н.м	Бо си м ар им ас и, М Па					
1	2	3	4	5	6	7	8
Секцияли ва шпинделни турбобурлар							
T122М3Б-240	0,050	11,0	2000	4,0	8,275	2015	1,55
T12РК-240	0,055	12,1	2400	4,5	-	-	-
3ТСШ-240	0,032	7,0	2500	5,0	23,550	5950	4,80
T12М3Б-195	0,030	11,0	850	3,5	9,100	1500	3,80
3ТСШ1-195 ТА	0,040	5,9	1750	3,0	25,905	4355	1,95

A7Ш	0,030	8,7	1900	8,0	17,425	317 9	8,90
T12М3Е-172	0,025	10,4	650	3,0	8,440	111 5	4,95
3ТСШ1-172	0,020	8,4	1000	6,0	25,800	449 0	15,10
TC4A-127	0,012	12,3	350	5,0	13,635	109 0	35,20
A6ГТШ	0,025	10,5	1000	9,5	-	-	-
TC4A-104,5	0,008	14,5	150	4,5	12,775	60	69,10
T12М3Б-215	0,040	9,1	1100	2,5	8,035	167 5	1,65

Редукторли турбобурлар

Турбобур валининг айланиш тезлигини паслатиш учун редукторли турбобурлар ишлаб чиқарилган. Бунда турбобурларни шарошкали, олмосли долотолар билан ишлатиш мумкин. Бугун корпус диаметри 105,120, 142, 145, 178, 195 ва 240 мм бўлгандан турбобурлар ясад чиқарилмоқда.

Редукторли турбобурлар З секциядан иборат: турбина секцияси; редуктор; шпиндел. Энг кўп тарқалгани қуидагилар:

TP - редуктори ёғ билан тўлдирилган турбобур;

Tr-145т - баланд температурали мухитда ишлашга мўлжалланган;

TP-176/178 – ташқи диаметри кичрайтирилган, 121-216 мм долотолар билан ишлаш учун яратилган;

TPM-195 – ўта чуқур қудукларни бурғилаш учун яратилган бўлиб бунда PM-195 турли редуктор кўлланилган.

Булардан ташқари, TR-420, TRZ-240, TRZ-120T ва бошқа турли редукторли турбобурлар ишлаб чиқилмоқда.

Винтли қудук туби двигатели.

Винтли қудук туби двигатели ҳар хил геологик шароитларда қудук бурғилашга мўлжалланган. Винтли қудук туби двигателининг асосий қисми-бу ҳаракатсиз статор ва ҳаракатланадиган ротор ҳисобланади. Статор металл қувурдан ташкил топган. Унинг ички юзаси резина қопламаси билан ямалган бўлиб, роторга қаратилган чап йўналиши 10 та винтли тишлари мавжуд. Ротор юқори легирланган пўлатдан тайёрланган. У чап йўналиши 9 та винтли тишга эга бўлиб, статор ўқига эксцентрик қилиб жойлаштирилган.

Статор ва бурғилаш қувурлар бирикмаси ўтгазгич (переводник) билан бирлаштирилган. Ротор статордан битта тишининг камлиги билан фарқланади. Ротор ва статорнинг винтли тишлари муутазам равишда бир бирлари билан алоқада бўлади.

Ювиш суюқлиги двигателга узатилганда ротор статор тишлари бўйича айланиб ҳаракат қиласади. Бунинг натижасида суюқлик оқимлари автоматик равишда қайта тақсимланади. Бунда роторнинг айланиши кардон валидан

шпиндел корпусига ўрнатилган валга узатилади. Кейин у икки радиал-резинка металли таянч оралиғидаги күп қаторли радиал таянч тебранма подшипникга үтади.

Бурғилаш эритмасининг шпиндел орқали оқиб чиқиб кетмаслигини таъминлаш учун унинг вали сальник билан зичланган. Статор билан бурғилаш қувурларни бирлаштирувчи ўтказгич устига тўсқич ўрнатилган. Бу тўсқич бурғилаш қуврлар бирикмасини кўтаришда уни бўшатишга ва туширишда эса тўлдиришга хизмат қиласди. Одатда, двигател ишлаб турган вақтда тўсқич ҳар доим ёпиқ ҳолатда бўлади. Винтли қудук туби двигатели бошқа двигателлардан тузилишининг оддийлиги, кичик диаметрлиги ва иш жараёнининг ишончлиги билан фарқланади.

Қудук туби винтли двигателларининг характеристикаси 3.15 жадвалда берилган.

3.15 жадвал

Двигател турлари	Диаметр, мм	Узу н- лиги, мм	Стато р қадам и, мм	Қа да м-ла р со ни	Суюқ лик лар сариф и, л/с	Айлану вчи момент , Н.м	Айлани ш частотас и, С ⁻¹	Босим нинг пасайиши, МПа
Д1-54	54	189 0	222	2	1.0- 2.5	70-110	3.0-2.5	4.5-5.5
Д1-88	88	322 5	390	2	4.5- 7.0	800- 950	2.7-5.0	5.8-7.0
Д1-127	127	580 70	650	2	15-20	2200- 3000	3.3-4.3	5.5-8.5
Д3-172	172	688 20	850	2	25-35	3100- 3700	1.3-1.8	3.9-4.9
Д2-195	195	655 50	850	2	25-35	3100- 3700	1.3-1.8	3.9-4.9
Д1-240	240	757 00	880	3	30-50	1000- 1400	1.2-2.2	6.0-8.0

Электробурлар

Электробурлар – долотога айланма харакат узатишга мўлжалланган қудук туби двигатели. У электродивгател ва шпинделдан ташкил топган. Двигателнинг айланма моменти шпиндел валига занжирили муфтадан узатилади. Электробур (долото билан бирга) қудукга бурғилаш қувурида туширилади. У бурғилаш қувурларини оғирлиги бўйича ушлаб туришга, қудук тубига ювиш эритмасини узатишга ва улар ичига юпқа симли кабелларни жойлаштиришга хизмат қиласди. Электробур уч фазали, мой тўлдирилган двигателл ва шпинделдан иборат.

Электробурнинг юқори қисми бурғилаш қувурига бириктиришга мўлжалланган қулф ниппели билан тугалланади. Ниппелга кабелни ишга

туширувчи контакт стержени ўрнатилган. Бу контакт стержени бурғилаш қувурларини бураб киргиши жараёнида бурғилаш қувурлар ичига жойлаштирилган кабель системасига бириктирилади. Электродвигатель статори магнит ва диамагнит материалларидан тайёрланган пакетлардан иборат. Ротор эса бўш валлардан ташкил топган бўлиб, унга юпқа таташган алюминли катак секцияси жойлаштирилган. Секциялар оралиғига фақат радиал юк берувчи подшипник ўрнатилган. Двигател валининг иккала томони охирини зичлаш пастки ва юқориги сальник ёрдамида амалга оширилади. Двигательга сальник орқали ювиш эритмасининг кирмаслигини таъминлаш учун двигателнинг мой босими электробур орқали оқувчи ювиш эритмасининг босимига нисбатан бир мунча (0,2-0,3 МПа) юқорироқ бўлиши керак. Бунинг учун электробур корпусининг юқори қисмига учта лубрикатор жойлаштирилган. Улардан бири қуюқ авацион мойи билан тўлдирилган бўлиб, юқори сальник билан, трансформатор мойи билан тўлдирилган. қолган иккитаси эса двигател билан боғланган.

Ундан ташқари лубрикаторлар сальник орқали йўқотилган мойларни тўлдириб боришни, мойлар қизиб кетганда двигател босимини тартибга солишини таъминлайди. Двигател ва шпиндел валлари тишли муфталар билан бирлаштирилган.

Ҳозирги вақтда корпус диаметрлари 250, 215, ва 170 мм бўлган электробурлар тайёрланмоқда. Долото билан қудук бурғилашда диаметри 295, 245 ва 190 мм ли электробурлардан фойдаланилади. Ундан ташқари қудукларни бурғилаш жараёнида Э240-8, Э185-8, Э200-12, Э215-8М, Э164-8М ва бошқа электробурлар кенг қўлланилади (3.16 жадвал).

3.16 жадвал

Электробурнинг асосий таърифи

Электробур	Элек тр об ур ди ам ет ри ,	Узу нли ги, м	Но мин ал кув ват и, КВ Т	Номинал кучла ни ши, В	Дол ото нин г айл ани ш тез лиг и ай/ мин	Айланиш моменти , КДЖ	Ф. И.К . %	Соф	Оғирли ги, кг	
								1	2	3
Э290-12	290	14,02	240	1750	455	5,1	11,0	72,0	0,67	5100
Э250-8	250	13,0	230	1650	675	3,32	7,5	72,0	0,7	3500
Э250-16	25	13,5	110	1200	335	3,2	7,0	56,5	0,6	4000

	0									
Э240-8	24 0	13,4	210	1700	690	2,9 7	7,6	75,0	0,66	3600
Э215-8М	21 5	13,9 3	175	1550	680	2,5	6,5	72,0	0,69	2900
Э215-10М	21 5	12,8 3	125	1500	545	2,2 5	5,05	65,0	0,66	2700
Э185-8	18 5	12,5	125	1250	676	1,8	3,6	67,5	0,60	2050
Э170-8М	17 0	12,1 45	75	1300	695	1,7	2,4	63,5	0,63	1800
Э164-8М	16 4	12,3 05	75	1300	685	1,1	2,4	61,0	0,625	1650

Назорат саволлар

1. Бурғилаш жихозлари комплекти таркибиغا қандай асбоб-ускуналар киради?
2. Бурғилаш минораларининг вазифаси ва ундан фойдаланиш.
3. Бурғилаш минораларининг қандай асбоб-ускуналарини биласиз?
4. Олмосли ва маҳсус ишлатиладиган долотолар қандай шароитларда қўлланилади?
5. Керн қабул қилувчи асбобларнинг вазифаси нимадан иборат?
6. Калибрловчи ва марказлаштирувчи асбоблар бошқа бурғилаш асбобларидан қандай фарқланади?
7. Қудуқ бурғилаш жараёни қандай механизмлар ёрдамида амалга оширилади?
8. Роторли ва қудуқ туби двигателлари билан бурғилашнинг асосий принциплари нимадан иборат?
9. Бурғилаш механизмларининг қандай ток узатмаларини биласиз?
10. Бурғилаш тартибининг қандай параметрларини биласиз?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. В.Д. Бароновский, А.И. Бўлатов, В.И. Крылов «Крепление цементирование наклонных скважин». – Москва Недра, 1983 г.
2. Н.Г. Середа, Е.М. Соловьев «Бурение нефтяных и газовых скважин». Москва Недра, 1988 г.
3. Ю.М.Басарыгин, А.И.Булатов, Ю.М.Проселков «Заканчивание скважин» Москва, Недра 2000 г.
4. И.В.Элияшевский, М.Н.Сторонский, Я.М.Орсуляк «Типовые задачи и расчёты в бурении. Москва. Недра. 1982 г.
5. У.Д. Нурматов, А.М. Аминов “Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш” фанидан ўқув қўлланма. Тошкент, 2003 йил.
6. А.М.Аминов, Д.Махаматходжаев “Бурғилаш эритмалари” ўқув қўлланма. Тошкент, 2006 йил.
7. З.У.Суннатов “Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш” ўқув қўлланма. Қарши, 2016 йил.
8. З.У.Суннатов. Ш.К.Юсупов. “Қудуқларни тугаллаш” фанидан услубий кўрсатма Қарши, 2018 йил.

Мундарижа.

Кириш.....	3
1-Маъруза. Мавзу: Кириш. Ёқилғи энергетик вазифаларни ечишда кудуқларни тугаллаш фанининг мохияти.....	4
2- Маъруза. Мавзу: Нефть ва газ конлари коллекторларининг характеристикаси.....	6
3-Маъруза. Мавзу: Маҳсулдор қатламни очиш хақида тушунча.....	11
4-Маъруза. Мавзу: Қатламни бирламчи очиш учун юувучи суюқликни таркибини ва хоссасини танлаш.....	14
5-Маъруза. Мавзу: Қудук конструкциясини лойихалаш.....	18
6-Маъруза. Мавзу: Ҳимоя қувурлари ва уларни бирикмалари.....	22
7- Маъруза. Мавзу: Кудукларни ҳимоя қувурлари билан мустахкамлаш.....	26
8-Маъруза. Мавзу: Тампонаж материаллари.....	39
9-Маъруза. Мавзу: Қудуқдаги қатламларни ажратиш.	51
10-Маъруза. Мавзу: Бирламчи цементлаш усуллари.....	54
11-Маъруза. Мавзу: Кудукларни ўзлаштиришга тайёрлаш ва маҳсулдор қатламни иккиласми очиш.....	62
12-Маъруза. Мавзу: Кудукқа куприк қуиши ва ажратиш таъмирлаш ишларини олиб бориши.....	66
13- Маъруза. Мавзу: Отилишга қарши ускуналар жамламаси.....	68
14 - Маъруза. Мавзу: Бурғилаш жиҳозлари.....	73

